

ХОНСУСУ
ҚИММАТ
ҚУЗИ



ДЕЛЛАР

ҚАЖОҚ ХОНАСИДАН

МАКТУБАЛАР

84(59)6

Х. 49



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

)

-
-
-



Хонбиби ҲИММАТ қизи

**АЁЛЛАР
ҚАМОҚХОНАСИДАН
МАКТУБЛАР**



**Тошкент
«IJOD-PRESS»
2017**

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Ҳ 49


Тақризчи:
Набижон ҲОШИМОВ
Ёзувчи ва драматург, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Ҳиммат қизи, Хонбиби

Аёллар қамоқхонасидан мактублар: ҳикоялар / Х.Ҳиммат қизи. —
Тошкент: «IJOD-PRESS», 2017 — 224 б.

ISBN: 978-9943-994-79-9

*Асар долзарб мавзуда бўлиб, айниқса, аёллар орасида содир бўли-
ши мумкин бўлган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш
учун хизмат қилади. Ҳар бир маҳкума аёлнинг тақдири, қай бир содир
қилган ноқонуний ҳаракати учун пушаймон экани билан тарбиявий аҳа-
миятга эга.*



УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

ISBN: 978-9943-994-79-9

© «IJOD-PRESS» нашриёти, 2017

АЁЛЛАР ҚАМОҚХОНАСИДАН МАКТУБЛАР

Сўз боши ўрнида

Пойтахтдан таксига ўтирдим. Киракаш биз — йўловчилардан Зангиота тумани орқали кетиб, бир одамдан “почта” олиши зарурлигини илтимос қилиб қолди. Биз “йўқ” демадик.

Машина Зангиота туманида жойлашган “Аёллар қамоқхонаси” жойлашган маҳалла томон бурилди. Шундоқ қамоқхона олдидан ўтиб бордик ва кўчада маҳкума аёллар соқчилар томонидан қўриқланиб кўчани тозалаётганига кўзим тушди. Машина секинлаб ўтиб борарди.

Маҳкумалар биз томонга маъюс ва аллақандай умид билан тикилишарди. Улар орасида ёш-ёш қизу жувонлар ҳам, кекса ёшдаги аёллар ҳам бор эди. Юрагим бир нафас тўхтаб қолгандай ҳис қилиб, уларнинг маъюс нигоҳларига бир-бир боқиб борардим.

— Ё тавба, астаффируллоҳ! Ишқилиб буларнинг бошига тушгани бошқалар бошига тушмасин. Бечораларнинг мушқули осон бўлсин, омин, — деб ёнимда кетаётган кексароқ аёл юзига фотиҳа тортди.

— Буларнинг қўлига бирор нима бериб ўтайлик, — деб қолди олдинда бораётган йўловчи кишининг раҳми келиб.

— Йўқ. Тўхташ мумкин эмас, — деди ҳайдовчи қатъий.

Биз Самарқандга, опамникига борар эканмиз, негадир кўз ўнгимдан маҳкумаларнинг гамгин нигоҳлари кетмасди.

Кунларнинг бирида Самарқанд шаҳрида яшайдиган опамникига меҳмондорчиликка борадиган бўлиб қолдим.

Опамникига етиб борганимизда у мактабга, ишига кетган экан. Мени жияним Гулзода кутиб олди. Гулзода бидирлаб бир зумда ўтган бир йил мобайнидаги янгиликлардан воқиф қилишни бошлади.

— Хабарингиз бор, бу йил университетнинг биринчи курсини тугатаман. Опам Нигора ҳам магистратурани битиради. Қўшнимиз Феруза опа қизини узатади. Яна бир қўшнимиз Барно опа коллежни тугатган қизини бозорга савдо-сотик қилишга юборди. Рўпарамиздаги Дилдора опанинг қизи Адолат бўлса қамалиб қолди.

— Ким у Адолат? Мен танийманми? — дея қизиқсиниб сўрадим жиянимдан.

— Албатта, танийсиз. Мен унга “Тошкентдан холам келди”, деб айтсам, доим сиз билан суҳбатлашгиси келарди. Аммо уяларди. У ҳам сиздек бўлишни орзу қиларди.

Кўз олдимга узун бўйли, озғингина, буғдойранг, доим кулиб турадиган, жудаям одобли, хушмуомала қиз келди.

Жиянимнинг таърифидан кейин Адолатни эсладим ва унга жуда ачиндим.

— Нима учун қамалди? Қанақа жиноят қилган экан? — сўрадим мен афсусланиб.

— Холаси билан қаттиқ жанжаллашиб қолишибди. Ўзини ҳимоя қилиш учун жаҳл устида синган ойнани унга тикиб олибди. Холаси бўлса уни судга берибди.

— Наҳотки, онаси уни бу жазодан олиб қололмади?

— Ҳаракат қилди. Аммо холаси зўр адвокат ёллаган экан-да. Адолат бечорани қамоққа тикди. Мен ҳозир

сизга унинг хатларини кўрсатаман, — дея у хонада турган жавонни титкилаб, бир даста мактубларни кўлимга тутқазди.

Эринмасдан уларни ўқишга тутиндим.

Аслида ҳеч ким жинойтчи бўлиб туғилмайди. Аммо кимдир атайин, кимдир билмасдан жинойтга кўл уриши мумкин. Улар, албатта, ўз жазоларини оладилар. Ана ўшандагина улар қилган қилмишларидан пушаймон бўлишади. Қуйида мен сизларга аёллар қамоқхонасидан ёзилган хатларни ҳукмингизга ҳавола этяпман. Кимлардир ўқиб, ўзига хулоса чиқарса, яна кимлардир зора жинойтнинг жирканч кўчасига кирмасалар деган умиддаман.

ХОЛАНИНГ РЕЖАСИ

Салом, дугонажон! Бу хатим шамолдек шошиб, кабутардек учиб сизнинг кўлларингизга тушишини истаб ёзяпман. Гулзода, маҳалламиздагиларнинг барчаси соғ-саломатми? Мени сўраган барчага саломимни етказиб қўйинг. Яхшиямки, сиз бор экансиз. Қариндошларимга хат ёздим. Аммо улар мендек нотавондан воз кечган чоғи, жавоб йўллашмади. Майли, улардан ҳам хафа эмасман. Бироқ ўйламасдан жаҳл отига миниб, қилиб қўйган ишимдан жудаям пушаймонман. Ўшанда бизнесмен холам уйимизга келганди. Аям савдо-сотик билан шуғуллангани учун мени кўп ҳолларда ёлғиз ташлаб кетарди. Буни холам ҳам биларди. Шунинг учун онамга “Бўйи етган қизни ёлғиз уйда қолдирмайди. Дўстимиздан кўра душманимиз кўп. Адолатни уйимга олиб кетаман. Сен бемалол борадиган жойингга бориб келавер. У бизникида яшасин”, дея қўярда-қўймай мени олиб кетди. Аям Туркияга

мол олиб келгани кетганида холам мени бир бойвачча кишига узатмоқчи бўлди. Чунки холам бойваччадан манфаатдор экан.

Бир куни холам бойваччани уйга таклиф қилиб, иккаламизни битта хонага қамаб қўйди. Мен унга ялиндим-ёлвордим. Афсус, фойдаси бўлмади. У номусимни топтамоқчи бўлди. Шунинг учун дераза ойнасини синдириб қочмоқчи бўлдим. Бойвачча киши қўрқиб кетиб, дарҳол холамни чақирди. Холам тузган режаси барбод бўлгани учун мени аямасдан ўқлоғи билан калтаклади. Ҳаттоки, бошим ёрилди. Ўзимни ҳимоя қилиш учун синган ойнани холамнинг биқинига тиқиб олдим. Холам фарёд кўтариб, мени мелисаларга бериб юборди.

Кейин суд бўлди. Бу орада онам ҳам Туркиядан етиб келди. Афсуски, меҳрибоним мени холамнинг чангалидан қутқаролмади. Холам адвокат ёллаб, мени қаматиб юборди.

Пешонада борини кўраркансан. Қилган ишим учун жазоимни оляпман. Бу ерда ҳам мен тенги қизлар бор экан. Бир-бирларимизга дардимизни айтиб, кўнглимизни бўшатамиз. Аммо бу ердаги ҳаётга кўникишим жудаям қийин бўлди. Ҳаттоки, тунлари йиғлаб чиқардим. Яхшиямки, бу ерда кўнгли тоза, самимий қизлар бор. Улар мени овутишга, кўнглимни кўтаришга ҳаракат қилишади. Яқинда ойижоним келиб кетди. Қанчалар хурсанд бўлганимни кўрсангиз эди. Аям мени уришиб-уришиб, “Сендек қизни туққанамдан, дунёга келтирганимдан афсусдаман. Чунки сени туғилишингни отанг ҳам хоҳламаганди. Биз турмуш қуришга ҳам тайёр эмасдик. Ноиложликдан, ҳомиладор бўлиб қолганим учун отанг зўрға уйланган эди. Аммо қиз туғилганини эшитиб, биратўла мендан

ҳам, сендан ҳам воз кечди. Сен шумоёқни деб отанг билан ажрашиб кетдик. Шунинг учун болалигингдан бувингга бергандим. Аммо бувинг ҳам сен ўн ёшга тўлганингда менга ташлаб кетди. Шундан сўнггина сени тарбиялашга мажбур бўлганман!” деди. Аямдан хафа эмасман. Чунки мени деб, юзи шувит бўлди. Опаси билан ади-бади айтишиб қолди. Этни тирноқдан айириб бўлмайди деганларидек, эртага опа-сингиллар яна топишиб олар, аммо менинг юзим бир умрга қаро бўлди...

Бу ердагиларнинг бирдан-бир орзуси энди ҳеч қачон жиноятга қўл урмаслик. Бу жойларда ўтиришни душманамга ҳам раво кўрмайман. Шароитлардан нолимоқчи эмасман. Бироқ гоҳида эркин қуш бўлиб узоқ-узоқларга учиб кетгим келади. Деразадан қараб, осмонни тўлдириб учиб юрган қушларга ҳавасим келади. Бир куни зулматни ёриб ёруғлик иниб келишини ҳам биламан. Шунда сиз билан албатта дийдорлашаман.

Кейинги хатимда битта камерада ўтирадиган Ноила ҳақида ёзиб юбораман. У билан шу ерга келганимда танишдим. Қисматимиз ўхшаш. Бечора ота-онасидан айрилиб қолган. Менинг сирдошимга айланган қиз. Хат орқали дийдорлашгунча.

Ҳурмат билан Адолат.

2010 йил 21 июнь

АМАКИСИНИ ПИЧОҚЛАГАН ЖИЯН

Гулзода! Соғликларингиз яхшими? Маҳалламиздагиларнинг барчаси яхши юришибдими? Аямни ҳам кўриб турибсизми? Менсиз қийналиб қолмадимикин? Илтимос, бизнинг уйга ҳам кириб тулинг. Аям ёлғиз. Бирор бир иши бўлса ёрдамлашиб тулинг.

Сизга иккинчи хатимни ҳам юборишга аҳд қилдим. Ўтган гал айтганимдек сизга камерадошим Ноиланинг бу ерга қандай келиб қолганини ўзининг тилидан айтиб бермоқчиман.

* * *

Бахтиёр болалигимнинг беғубор дамларида меҳрибон онажонимдан айрилиб қолдим. Ўша куни менинг кўз ёшларимга чидай олмаган осмон ҳам йиғлаб юборди. Ёмғир тингунича ўликни уйдан олиб чиқишмади. Чунки қўшнимиз Манзура хола “Агар ёмғир қабр ичига тушса яна кимнидир орамиздан олиб кетади. Шунинг учун сабр қилинглар” деганди.

Баҳорнинг об-ҳавоси ўзгарувчан бўлади. Кўп вақт ўтмай ёмғир ҳам тинди. Шундан сўнггина онажонимни сўнгги манзилга кузатишди. Ортидан бўзлаб қолавердим.

Дадам мени ўгай она турткисидан сақлаш учун бошқа уйланмади. Қийналса-да, ўзи вояга етказди. Бироқ онам йўқлиги ҳар дақиқада сезилиб қоларди. Гоҳида дадамга сочимни иккита қилиб ўриб, лента тақиб қўйинг, дея хархаша қилардим. Қийшиққинғир қилиб бўлса-да, дадам менинг сочларимни тараб, ўзи ўриб қўярди. Дадам менинг кўп инжиқликларимни кўтарарди. Аммо койимасди.

Эсимни таниганимдан сўнг дадамга берган озорларимдан, қайсарликларимдан пушаймон бўлдим. Энди бемалол ўзим уй ишларини эплай олардим. Бироқ биз билан бирга яшайдиган дадамнинг укаси Фиёс амаким доим нимадандир норози бўлиб, тўнғиллаб юрарди. Ҳаттоки, дадам билан бир неча маротаба жанжаллашиб ҳам олишди.

Бир куни эндигина дастурхон ёзиб, ошхонада дадам билан овқатланиб ўтиргандик, дарвозадан Фиёс амаким кириб келди-да, ҳе йўқ-бе йўқ бақира кетди:

— Сулаймон ўлиб, девлар қутулганидек, мени кутмасдан овқатланяпсизларми?

Дадам эндигина гапиришга чоғланган эди, мен бармоғимни лабимга олиб бориб “тсс” дедим, гапирманг дегандек. Дадам индамади.

— Бу уйда ўзи ким хўжайин? Мен! Эртагаёқ уйни бўшатларинг! Уйланмоқчиман. Хотиним билан шу ерда яшамоқчиман! — дея Фиёс амаким бизга қараб ўшқирди.

Укасининг бу гапларига тоқат қилолмаган дадам шартта ўрнидан турди-да, унинг эсини киритиб кўймоқчи бўлиб деди:

— Ичиб олиб, нималар деб алжираяпсан? Қачон қарама, йўқ жойдан жанжал чиқарасан. Бу уй-жой икковимизга ҳам, бола-чақамизга ҳам етади. Ҳовли-жойни ҳеч ким ортидан ортмоқлаб кетмайди!

— Бу ҳовли менга етмайди, торлик қилади. Шунинг учун бу уйдан анави етимчангизни ҳам олиб, чиқиб кетинг! Кўзимдан йўқолларинг! — дея шердек бўкира кетди амаким.

— Қизимга тил теккизма, нонкўр! Ўша қиз-ку сенинг кирингни ювган, овқатингни тайёрлаб ўтирган. Энди керак бўлмай қолдими? Мени ҳақорат қилсанг чидайман, аммо фариштадек қизимни гапирма! — дея дадам унинг ҳақоратларига чидай олмади.

— Уйни бўшатларинг! Отам бу уйни менга васият қилиб қолдирган. Бошимни оғритмасдан ҳовлидан чиқиб кетларинг! — деб Фиёс амаким дадамнинг ёқасига чанг солиб, бўға бошлади.

— Кўлингни торт, ит! Отам менга сени уйлантиришни, шу ҳовлида иккаламиз биргаликда яшашни васият қилган. Отам оғир ётган куни ҳам ёнида бўлмагансан. Такасалтанг ўртоқларингга қўшилиб тенти раб юргандинг. Отам бечора сени йўлингга кўз тика-кўз тика вафот этганди. Сен бўлсанг уялмасдан васият дейсан! — дея дадам уни инсофга чақирмоқчи бўлди.

Амаким бўлса жўралари ҳамма жойда уй кенжатоёғга қолишини айтганлигини таъкидларди. Дадам амаким билан тортишиш бефойдалигини ҳис қилгач, ошхонага кириб кетди. Амаким бўлса дадамни судраб, ҳовлига олиб чиқиб дўппослай бошлади. Дадам ҳам бўш келмади. Ахийри дадамга кучи етмаслигини сезган амаким ўша атрофда деворга суяб қўйилган белкуракни олдида дадамнинг бошига урди. Дадам “воҳ” деганча бошини чангаллаб ерга гурсиллаб йиқилди. Мен бўлса ҳовлига чиқиб дод солдим. Амаким қилган ишидан заррача ҳам пушаймон бўлмасдан менга овозимни ўчиришни буюрди. “Етимча”, дея ҳақоратлади. Унинг бу гапига тутақиб кетдим. Важоҳат билан ошхонага кирдим-да, стол устида турган пичоқни олиб ҳовлига чиқдим. Амаким менга орқасини ўтириб турарди. Ўйлаб ҳам ўтирмасдан унинг орқасига пичоқни санчдим.

Амаким бундай бўлишини кутмаган чоғи ғазаб билан менга бир тикилди-да “ифлос”, дея ерга кулади. Дарҳол дадамга ёрдам беришга ошиқдим. Аммо дадам нафас ҳам олмасди. Бошидан қон оқарди. Қўрқиб кетганимдан қўшнимизникига югурдим. Дарвозасини бор кучим билан тақиллатиб бақиравердим:

— Манзура хола, очинг эшигингизни! Очинг!..

Шу пайт дарвозасини очган хола мени афтодаҳол аҳволда кўриб қўрқиб кетди. Манзура холага амаким дадамни урганини, ёрдам бериши сўраб, ҳўнграб йиғлаб

юбордим. Манзура хола билан ҳовлига шошилиб кириб келдик. Кейин қўшнимиз “Тез ёрдам” чақирди. Дадам билан амакимни шифохонага олиб кетишди. Фиёс амаким шифохонадан чиққач, мени судга берди. Афсуски, дадамнинг уринишлари зое кетди. Суд мени қамашга ҳукм чиқарди.

Дадам бу жудоликни кўтара олмай касалванд бўлиб қолди. Кўп вақт ўтмай, омонатини топширди. Қўшнимиз Манзура хола мени кўргани борганида дадамдан айрилиб қолганимни эшитдим. Ўксиниб-ўксиниб йиғладим. Қилган ишимдан пушаймонлар бўлдим. Агар амакимни пичоқламаганимда дадамдан айрилмасмидим, деб ўйладим. Ҳеч бир инсон отонасидан айрилмасин...

* * *

Ҳамхона бўлиб ўтирган Садарат опанинг бошига тушган ташвиш бизларникидан юз чандон ортиқ экан. Бу ердагилар бир-бирларига қандай қилиб бу ерларга келиб қолганини сўзлаб беришади. Бир оз бўлса-да, кўнглидаги дардларини айтиб енгил тортишади.

Кейинги хатимда, албатта, унинг бу ерга қандай келиб қолиши ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2010 йил 15 июль

ҚОТИЛГА АЙЛАНГАН АЁЛ

Азизам, Гулзода! Омонмисиз? Иссиқлар билан қийналмасдан юрибсизларми? Ҳовлиларингиздаги кичкина боғда олма пишгандир? Эсингиздами? Олмаларингиз қизариши билан тагидан кетмасдик. Аянгиз доим бизга “Қўшни ҳақи” дея челақчада олма олиб чиқиб

берарди. Биз ҳам ҳовлимиздаги узум пишганида сизларга илинардик. Қандай яхши дамлар эди-я.

Биз билан битта хонада яшайдиган Садарат опанинг ҳаётини эшитсангиз қалбингиз ларзага келади. Бунда разил, ваҳший одамлар борлигидан нафратланиб кетасиз. Яхшиси, унинг турмушини ўзининг тилидан қилиб сизга айтиб берайин.

* * *

Болалар уйда улғайганман. Ота-онам кимлигини ҳам билмайман. Улар мени ташлаб кетганлари учун ҳанузгача улардан нафратланаман. Агар турмуш курсам ҳеч қачон гўдагимни болалар уйига бермайман, деб ўз-ўзимга сўз берганман. Болалар уйдан учирма бўлгач, тарбиячим бўлган Зарифа опаникига нажот истаб бордим. Чунки энди нима қилишимни ҳам билмасдим. Опанинг уйдан паноҳ топдим. Боғчага ишга кирдим. Ўз ўрнимга эга бўлдим. Бир куни Зарифа опа мени бир йигит билан таништирди.

Қадди-басти келишган, чиройли йигит экан. Хуллас, бир-биримизга ёқдик. Тўйимиз бўлди.

Онамдек бўлиб қолган Зарифа опанинг юзини ерга қаратмай, дея келинлик вазифамни астойдил бажаришга киришдим. Қайнонамнинг ўтидан кириб, кулидан чиқдим. Кейинги йили эса фарзандлик бўлдим. Унинг камолини кўриш менга насиб этсин, дея Камола деб исм қўйдим.

Зарифа опам ота-онамнинг йўқлигини билдирмасдан, бешик ясатиб олиб борди. Камола тиллари бийрон қиз бўлди. Илк мартаба “ая” дея тили чиққанида қанчалик севинганимни сўз билан ифодалай олмайман. Атак-чечак қилиб юрганларини кўриб

севинчим ўн чандон ошди. Бирин-кетин қайнсингилларимни ҳам узатдик. Биз бахтли яшаётгандик. Бироқ ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганлари тўғри экан. Қайнонам қаергадир тўйга бориб, менинг болалар уйида вояга етганимни билиб қолибди. Шундан сўнг қайнонам менинг рангимни чиқармайдиган бўлиб тўнни тескари кийиб олди. Менга яхши муомала қилмай қўйди.

Бир куни тонг-саҳар ҳовлига отилган челакнинг даранглаган овозидан чўчиб уйғондим. Шоша-пиша бошимга рўмолимни ўраб ҳовлига чиқиб юз-қўлимни ювдим-да, ўша атрофда юрган қайнонамга салом бердим. Бироқ қайнонам саломимга алик ҳам олмади, қайрилиб ҳам қарамади. Овозини борича келинларни чошгоҳгача ухлашини айтиб, шанғиллай кетди. Қайнонам мени тили қисикликда, яхши тарбия кўрмаганликда, ҳароми бола бўлганлигимда, кўзимни сузиб, ўғлининг бошини айлантириб, тегиб олганликда айблади. Энди унинг ҳар битта гапи юрагимга ўқдек қадала бошлади. Мен ҳам боплаб жавоб қайтарай дедиму, аммо эримнинг “илтимос, онам ҳовуридан тушганча гап қайтарманг” деган сўзлари ёдимга тушиб тилимни тийдим.

Ўша куни қайнонам ўғлини имлаб, хонасига олиб кириб кетди. Орадан анча вақт ўтгач, эрим сувга тушган мушукдек ёнимга келди. Аммо онаси билан нималарни гаплашганини айтмади.

Бир куни қайнонам ҳовлимизга иккита мелисани бошлаб келиб, уларга келганимдан буён уйдан нарсалар йўқолаётганини айтиб айюҳаннос солди. Кейин уларни ётоқхонамга бошлаб кирди. Қайнонам нарсаларимни титкилаб ниманидир изларди. Кейин шка-

фимдан тилла тақинчоқларини олиб мелисаларга кўрсатди. Мени ўғирликда айблади. Бу тухматдан қутулолмадим. Ўзимни оқлолмадим. Қайнонам мен йўғимда тиллаларини шкафимга солиб қўйганлигини тушуниб етдим. Афсуски, қўли эгри деган ном олдим. Ҳақлигимни исботлай олмадим. Қайнонам турмуш ўртоғимнинг ялиниб-ёлворишига қарамасдан менга тухмат қилиб, топилмаган тилла билагузук учун судга берди.

Бир йилдан сўнг мен қамоқдан чиқиб уйимга қайтдим. Қизалоғимни жудаям соғингандим. У билан қучоқлашиб кўришишни кўз олдимга келтириб, дарвозани очдим. У ёқ-бу ёққа алангладим. Нимагадир ҳовлида болам кўринмасди. Қайнонамга салом бердим-да, дарҳол боламни сўрадим. Қайнонам бўлса худди мени биринчи маротаба кўраётгандек ажабланиб тикилди.

— Болам қани деяпман мен сизга! — дея бақирдим мен.

Шу пайт эрим уйдан отилиб чиқди-да, остонада бир зум тўхтаб қолди. Хўжайинимдан қизимни сўрадим. У онасига қаради.

— Камолани ўт ўриб келгани тутзорга жўнатгандим, — деди қайнонам кўзларини ерга тикиб.

Тутзорга қараб шошилиб кетдим. Ортимдан хўжайиним ҳам изма-из келарди. Афсуски, тутзордан Камоланинг қонга белангаң жасадини топдим. Унинг ҳаётга тўймаган кўзлари катта-катта бўлиб очилиб турарди. Қизалоғим ётган жойдан сал нарида эса қонга бўялган ўроқ ётарди.

— Болам! Вой болам? Ким сени бу аҳволга солди, ким?! — дея бақирганимча қизимни қучдим. Фарёдимни эшитган турмуш ўртоғим югуриб келди-да, бола-

сини қонга бўялиб ётганини кўриб, у ҳам даҳшатдан қотиб қолди. Кўзлари билан кимнидир излай бошладди. Фариштагинамни ўтлар устига ётқиздим-да, шартта ўрнимдан туриб, қонли ўроқни қўлимга олиб, тутзорнинг у томонига қараб югуриб кетдим. Шу пайт тутзор ичида йиқилиб-суриниб, қочиб кетаётган бир эркакка кўзим тушди. Унга етиб олгач, эркакнинг ёқасига чанг солдим.

— Мен, мен ундай қилмоқчи эмасдим. Ўзи қаршилик кўрсатди. Қоровулман. Сўрамасдан ўт ўрибди. Шунга... Озгина ичгандим. Уни ўпгандим. Кейин... — деди эркак дудуқланиб.

— Исқирт! Боламнинг бошига етибсан-ку! Сенинг жазоингни ўзим бераман! — дея унинг дуч келган жойига ўроқни тиқиб олавердим, тиқавердим.

Турмуш ўртоғим менинг қўлимдан ўроқни тортиб олмагунча бу ҳол давом этди. Кейин ерга ўтирганимча ўкириб йиғлаб юбордим. Болагинамни, беғубор фариштагинамни асраб қололмадим. Турмуш ўртоғим қонга беланган боламнинг ўлигини қўлига кўтариб олди. Эр-хотин бир алфозда уйга кириб бордик. Қайнонам бизни кўриб эси оғай деди.

Ёмон гап тез тарқалади, деганларидек бу мудҳиш воқеа бир зумда маҳаллага ёйилди. Одамлар жанозага етиб келишди. Фариштадек боламни қабристонга қўйиб келишди. Тергов ишлари ҳам бошланди. Тергов жараёнида тутзор қоровули ичиб олиб, Камолани номусига тажовуз қилгани, қаршилик кўрсатгани учун уни ўша ўроқ билан уриб ўлдирганимни айтдим. Афсуски, қотилни ўлдирганим учун мен ҳам қотил деган номни олиб қамалдим. Турмуш ўртоғим эса қоровулни ўзи ўлдирганини, уни қамаш лозимлигини айтиб

бақирарди. Виждон азобидан қийналаётган қайнонам бўлса суддагиларга “мяси айниган мен кампирни қаманглар. Уни мен ўлдирдим” деб йиғларди.

Фарзанд доғи ёмон бўларкан. Кўз олдимдан ҳамон қизалоғимнинг менга талпиниб турган чеҳраси, гапсўзлари кетмайди. У ҳаётга қанчалар ташна эди. Катта бўлганида чевар бўлиб, менга чиройли кўйлақлар тикиб бермоқчи эди. Ҳеч ким мендек боласининг ҳажрида ёнмасин...”

* * *

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишиб қолган маҳкума Гулшода опанинг бу ерга қандай тушиб қолганлигини ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2010 йил 28 июль

ҚОЗОҒИСТОНДА ҚУЛ БЎЛГАНЛАР

Омонмисиз, Гулзодажон? Маҳалламиздагиларнинг барчаси чопқиллаб юрибдими? Аямни ҳам кўриб турибсизми? Аҳволидан хабардор бўлиб туринг, илтимос Яқинда аямнинг туғилган куни. Менинг номимдан имкони бўлса бирон пишириқ пишириб, табриклаб кўйинг. Мен аямни яхши кўраман. Соғиндим.

Сизга ваъда қилганимдек, бу гал Гулшода опанинг бу ерга келиб қолиши ҳақидаги воқеани ўзининг тилидан айтиб бермоқчиман.

* * *

...Болалигимдан барча нарсаларим бўлишини орзу қилардим. Ота-онам оддий ишчи бўлишганлиги учун мен бойвачча дугоналарим каби кийинолмасдим. Чун-

ки оилада бешта фарзанд эдик. Мен кенжатой қиз эдим. Гоҳида дугоналарим кийган кўйлақларидан олиб беришини айтиб, онамга хархаша қилардим. Афсуски, кўз ёшларимни тўкканим қоларди. Онам уйдаги шароитни қанчалар тушунтирмасин, мен тушунишни истамасдим. Кўп ҳолларда опаларимнинг кичкина бўлиб қолган кийимларини кийишга мажбур эдим.


Мактабда бойвачча дугоналаримга ҳавас қилардим. Чунки улар ўзлари хоҳлаган кийим-кечакларни кийиб келишар, тилла тақинчоқлар тақишар, бизларга кўз-кўз қилишарди.

Шундай дамларда мен ҳам бир зумда бой бўлиб кетишни, чиройли кийинишни, автомашинамда юришни орзу қилардим.

Вояга етганимда уйимиздан совчилар аримай қолди. Мен эса бойвачча йигитга турмушга чиқишни истардим. Аммо орзуларим саробга айланди.

Ота-онам қариндошларининг ўғлига мени узатишди. Ҳаётимдан нолимайман. Чунки турмуш ўртоғим менинг кўнглимга қарайдиган, самимий, олижаноб йигит эди. Ширингина турмушимиздан иккита фарзандимиз бор. Аммо ҳеч қаерда ишламайман. Чунки мактабни тугатганимдан сўнг бирор жойда ўқишни давом эттиришни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бирор ҳунарни ҳам эгалламаганман. Бироқ турмуш ўртоғим заводда оддий ишчи бўлиб ишларди. Қайнукамни уйлантирганимиздан сўнг қайнотам ва қайнонам бизга бир хонали “дом” олиб бериб, бўлак қилишди. Мустақил яшай бошладик. Фарзандларимни боғчага жойлаштирдим.

Эримнинг топиб келганига қаноат қилмасдан уйда ўтириб, ишlamасдан бойиш йўлларини, бу топишни ўйладим. Режалар туздим. Бу ҳақда турмуш ўртоғимга ҳеч нарса демадим.



Режамга кўра орамизда яшаётган содда, тўпори, меҳнаткаш одамларни алдаб-авраб, кўпроқ пул беришга ишонтириб, уларни қул қилиб Қозоғистонга сотмоқчи бўлдим. Пул учун шундай ёвузликка, разилликка ҳам қўл урдим. Менинг бу таклифимга рози бўлган танишим Нурмурод билан нима иш қилиш лозимлигини келишиб олдик.

Режага асосан Нурмурод Тошкентда ишлайдиган инсонларни топиб, уларни алдаб, Ўзбекистон чегарасига олиб бориши, у ерда уларни мен кутиб олиб, одамларни Қозоғистон чегарасига ўтказиб қўйишим ҳамда у ердан топган шерикларимга сотишим лозим эди. Пул учун ҳеч нарсадан тап тортмасдик. Танишбилишларимдан суриштириб, қозоғистонлик ишчилар ёллайдиган иккита аёлни ҳам топдим.

Баҳор ойларининг бирида ўз ишимизни бошладик. Нурмурод пойтахтда истиқомат қилаётган, аммо моддий томондан, етишмовчиликлардан қийналиб қолган она-бола Зухра ва унинг вояга етмаган қизи Марямни, ҳаттоки, ўз укаси Суюнқул ҳамда келини Дилсораларни топиб, уларни алдашни қойиллатди.

— Қозоғистон чегараси ёнида эллик гектар ерим бор. У ерда деҳқончилик билан шуғулланиш керак. Ишлаш учун, яшаш учун ҳамма шароитларни қилиб бераман. Астойдил меҳнат қиламан дейдиганлар учун ойига беш юз минг сўмдан ойлик маош бераман, — деди Нурмурод.

Соддадил одамлар бўлса унга ишониб, бу таклифига ўйлаб ҳам ўтирмасдан рози бўлишди.

Эртаси куниеқ Нурмурод уларни Ўзбекистон чегарасигача олиб борди. Кейин мен билан учрашди. Икковимиз биргалашиб содда ва гўл одамларни Ўзбекистон Республикаси чегарасидан Қозоғистон Республикасига

ноқонуний йўллар билан чегарани бузиб олиб ўтдик. Қозоғистонда яшовчи шерикларимиз Қаноат ва Жандозларга қўнғироқ қилиб, улар билан учрашиб, олиб келган одамларимизни худди маҳсулотлардек сотиб юбордик.

Шерикларимиз эса Зухранинг паспортини зўрлик ишлатиб олиб қўйишди. Кейин уларни мажбуран ишлатишди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Нурмуроднинг тузоғига Шоберди деган йигит илинганлигини менга хабар қилди. У Шобердига ҳам Қозоғистон чегарасига етмасдан 50 гектар ери борлигини, у ерда ишлайдиган одам кераклигини, ойига 500.000 сўмдан маош тўлашини, яшаши учун у ерда барча шароитлар муҳайёлигини айтиб унинг ҳам ишончига кирибди.

Шобердини ҳам иккаламиз бир амаллаб Қозоғистон Республикасига ўтказиб олдик. Кейин ҳар доимгидек қозоғистонлик шерикларимизга уни ҳам худди қулдек сотиб юбордик. Қаноат билан Жандоз Шобердининг фуқаролик паспортини зўрлик ишлатиб олиб қўйишиб, ўзини турли юмушларни бажаришга мажбурлашиб, ундан фойдаланишди.

Бироқ “Ойни этак билан ёпиб бўлмайди” деганларидек, бизнинг қинғир ишларимиз бир куни фош бўлди.

Турмуш ўртоғимнинг топганига қаноат қилиб, фарзандларимни ҳалол йўллар билан боқишим мумкин эди. Аммо бойлик орттириш ҳисси менинг кўзларимни кўр қилиб қўйганди. Мен аёл деган номга ҳам доғ туширдим. Энди менинг пешонамга бир умр “қамалиб чиққан” деган тамға босилади. Фарзандларим бу тамгани қандай кўтариб юраркин. Қилган ишимдан қаттиқ афсусдаман...

* * *

Гулзодажон, кейинги хатимда ошхонада битта стол атрофида биргаликда овқатланадиган Дилдора исмли аёл ҳақида ёзиб юбораман. Омон бўлинг.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2010 йил 15 август

ФИРИБГАРНИНГ ФИРИБИ

Салом, Гулзодажон! Омонмисиз? Маҳалламиздагиларнинг барчаси яхши юришибдими? Хатларим билан сизни бошингизни оғритмаяпманми? Ўқишга тайёргарлик кўраяпсизми? Ҳаш-паш дегунча ўқиш ҳам бошланиб қолади. Кейин хат ёзишга ҳам вақт тополмасангиз керак.

Бу хатимда Дилдора опанинг бу ерга қандай тушиб қолганини ўзининг тилидан айтиб бермоқчиман.

* * *

Ёз фасли бошланди дегунча ота-оналар типирчилаб қолишади. Кимдир суюкли боласини яхшироқ коллеж ёки лицейга, яна кимдир арзанда фарзандини олийгоҳга киритиш тараддудига тушади. Ўз билими билан олийгоҳларга кираётганлар ҳам бор, албатта.

Кунларнинг бирида тасодифан “Олмазор” метро бекати қаршисидаги кафедра тушлик қилаётиб, Бобоёр деган киши билан танишиб қолдим. У ҳам мен ўтирган стол қаршисига келиб ўтирди, овқатланди. Биз суҳбатлашдик. У эса ичидаги бор дардини айтди.

— Яхши ниятлар билан ўғлим Болибекнинг ҳужжатларини Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодиёт факультетига топширдик. Афсуски, ўғлимнинг

омади чопмади, — деди Бобоёр бошини сарак-сарак қилганича куюниб. — Чиқмаган жондан умид, деганларидек, боламнинг бир йил вақти зое кетмаслиги учун таниш-билишлардан олийгоҳга киритиш билан шуғулланадиганларни суриштирдим. Афсуски, тополмадим.

Мен унинг соддалигини, ишонувчанлигини кўриб, бемалол лақиллатиб кетсам бўларкан, деган хаёлга бордим.

— Хафа бўлманг. “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади”, деганларидек ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чорасини топса бўлади, — дея унга умид бағишладим.

— Сингилжон, ёрдам қилинг. Яхшилигингизнинг, қадрига етадиганларданман. Очиқчасига гаплашиб олайлик. Болагинам уйдан кўчага чиқолмай қолди. Ўқишга киролмаганига ўртоқларига ҳам кўшиллолмай эзиляпти, — дея ялина кетди кўзлари чақнаб Бобоёр.

— Бўпти, белингиз бақувват бўлса бўлгани. Бўлажак иқтисодчини ҳозир қўллаб-қувватлаб турасиз. Ўн минг доллар берсангиз, фарзандингизни мансабдор танишларим орқали Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодиёт факультетига кўшимча буйруқ асосида ўқишга киритиб кўяман. “Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди”. Мансабдор одамларга ҳам “қуруғи”дан чўзмасангиз ишингиз битмайди, — дедим мен ҳам фурсатдан фойдаланиб.

Бечора ота ўзини кўярга жой тополмай менинг бу таклифимга жон-жон деб рози бўлди.

Худди ўша қаҳвахонада яна бир кун учрашиб, айтилган пулларни менинг қўлларимга тутқазди. Кейин эса орзиқиб натижасини кута бошлади.

Мен эса унга ўхшаган содда, гўл одамларни тузоғимга тушириш билан овора эдим.

Кунларнинг бирида Тошкент Давлат педагогика университетининг олдида Жавдат Санаев деган йигит билан танишиб қолдим. Жавдат менга арзонроқ ёғ маҳсулоти керак эканлигини айтиб, танишларим бор-йўқлигини сўради.

— Ҳозир ҳамма нарсанинг имкони бор. Хоҳласангиз “Моя мечта” номли ёғ маҳсулотларини арзон нархда олиб бераман, — дея унинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирдим.

Жавдат эса менинг гапларимга чиппа-чин ишониб, фириб тузоғимга тушиб 8000000 сўм пулини ўз қўллари билан қандай тутқазганини билмай қолди.

Мен бўлса пулларни олгач, жуфтакни ростладим. Қилган қўнғироқларига жавоб бермасдан, сим картани алиштирдим.

Тоқати-тоқ бўлган жабрланувчилар менинг устимдан судга ариза беришибди.

Шундай қилиб, фирибгарлигим ортидан шу ерларга келиб ўтирибман. Энди ўйлаб кўрсам жуда ёмон ишга қўл урибман. Қилган ишларимдан пушаймонман. Қани энди тезроқ озодликка чиқсам, бу ёғига фақатгина меҳнат қилиб, ҳалол пул топиб яшайман...

* * *

Кейинги хатимда рўпарамиздаги камерада ўтирадиган Башорат опа ҳақида ёзиб юбораман. Хайр, омон бўлинг!

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз.

2010 йил 25 август

МИСИ ЧИҚҚАН ФИРИБГАР

Салом, Гулзода! Мактубларимни ўқиб, таъсирланаётганингизни ёзибсиз. Бу ҳаётда ҳар хил инсонлар учрайди. Уларнинг орасида ёмони ҳам, яхшиси ҳам бор. Аммо яхши одамлар кўпроқ деб ўйлайман. Чунки маҳалламиздагилар жудаям иноқ, оқибатли инсонлар. Бир-бирига доим ёрдам беради. Кўчамизнинг бошида турадиган Эркин ака доим ночорларга хайр-эҳсон қиларди. Ҳайитда эринмасдан уйма-уй юриб гўшт ёки нон тарқатарди. Ён қўшнимиз Саъдулла ака бўлса, атайлаб катта қозонда ош қилиб ҳаммага болаларидан чиқартириб юборарди. Дўкончи Узоқ амаки эса ун тарқатиб чиқарди. Хуллас, маҳаллам билан фахрлансам арзийди.

Бу хатимда Башорат опанинг ҳаёти, бу ерга келиш сабаблари ҳақида ёзиб юборяпман.

* * *

Мен оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга ўрганиб қолганман. Асло жонимни койитиб, меҳнат қилиб пул топишни истамасдим. Телевизорда чет эл киноларини кўп кўрардим. Менга, айниқса, фирибгарлик қилиб пул топаётган олғирлар ёқарди. Гўёки уларнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрардим. Гоҳида хаёлимга мен ҳам шундай қилсам-чи, деган фикр келиб қоларди. Бу киноларнинг таъсиридан узоқ вақт чиқолмасдим.

Бир куни эринмасдан ўтириб, ўзимча режа туздим. Кейин шу режам бўйича пойтахтимиздаги «Бобур» истироҳат боғида ва «Буюк ипак йўли» метро бекатига кириш йўлаги олдида туриб, содда одамларни алдаб-

аврашни бошладим. Назаримда бундай инсонлар ўйлаганимдан ҳам кўпроқ экан. Дастлаб уларнинг ишончига кириб олдим.

Менинг бу тузоғимга Турдиой исмли аёл тушди. Бу аёлнинг ўғли ўқимишли, олий маълумотли ўқитувчи экан. Аммо келини айрим сабабларга кўра ўқий олмабди. Турдиой келинининг орзусини амалга оширай деб, бирорта университетга ўқишга киритиб қўядиган одам излаётган экан. Шундай кунларда унга мен дуч келиб қолдим. Ўзимнинг фирибгарлик маҳоратимни ишга солиб, Турдиойни алдадим.

— Келинингиз Муштарийни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетига ўқишга киритиб қўяман. Шу университетни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳақиқий дипломни ҳам олиб бераман, — дея ваъда бердим.

Орзулари осмон бўлган Турдиой менинг бу гапларимга чиппа-чин ишонди. Ўз қўллари билан мен айтган долларни чўнтагимга солди. Мен бўлса ўз ишимни давом эттирдим. Қайнона-келинни вақтинчалик бўлса ҳам хурсанд қилишга киришдим.

Муштарийнинг номига Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг қалбаки дипломини тайёрлатиб бердим. Ўша куни уларнинг хурсандчилигини бир кўрсангиз эди. Гўёки улар ўзларини еттинчи осмонда учиб юргандек ҳис қилишарди. Мени ўтқизгани жой топишолмасди.

Ишламасдан осонгина пул топиш менга жуда ёқиб қолди. Шунинг учун яна шундай одамларга тузоқ қўйиш учун «Буюк ипак йўли» метро бекатига кириш йўлаги олдида туриб, одамларни кузата бошладим.

Бир аёлнинг қизига қараб гапираётганини эшитдим.

— Албатта, ўқишга кирасан, йиғлама! Садқаи кўз ёшинг кетсин! Сиқилма! Гаплашиб берадиган одам топай, — дерди аёл қизини овутолмасдан.

Дарҳол унга пешвоз чиқдим. У аёл билан худди илгари танишдек қуюқ ҳол-аҳвол сўрашдим. Кейин мақсадга кўчдим. Аёлнинг исми Паризода экан. Менинг ўқишга киритиш билан шуғулланишимни эшитиб, кўзлари чақнаб кетди.

— Сизни бизга Худойимнинг ўзи етказди. Ёлғизгина қизимни қандай қилиб институтга киритсам экан, деб бошим қотаётганди. Юринг, сингилжон, уйимизга бориб гаплашайлик, — дея йўл бошлади Паризода.

Шундан сўнг биз Паризоданикига бордик. Бир пиёла чой устида мен унинг қизи Мунирани Фармацевтика институтига ўқишга киритиб кўйишни ваъда қилдим. Бунинг эвазига бу аёлдан нақд 9000 долларни қуртдай санаб олдим.

Бироқ Мунира талаба бўлолмади. Чув тушганини сезган Паризода ва Турдиой менинг устимдан судга шикоят қилишди.

“Ҳаром иш тез қаритар” деганларидек уларнинг бу ишидан, терговлардан сочимга оқ тушди. Ҳаромдан топилган пулнинг баракаси ҳам бўлмас экан. Қайтанга уларнинг пулини қайтараман деб қариндош-уруғларнинг барчасидан қарз олишимга тўғри келди. Афсуски, олган пулларимни тўлиғича қайтаролмадим.

Суднинг қора курсисига ўтирганимдан сўнг айрим қариндошларимиз мендан воз кечишди. Уларнинг ҳам юзини ерга қаратдим. Оиламнинг, фарзандларимнинг келажагини ўйламадим. Мени қамашга ҳукм қилишганида уч болам ортимдан “дод” солиб йиғлаб қолиш-

ди. Кўр кўзларим кеч очилди. Болаларимнинг соғинчи юрак бағримни тигляпти. Бу ердан чиқсам, ҳеч қачон эгрилик билан пул топмайман. Фақатгина ҳалол йўл билан пул топишга ҳаракат қиламан.

* * *

Бу ерда ўтирганларнинг қилиб қўйган ишлари бир-бириникидан аянчлидир. Ҳамма бир-бирига бошидан ўтган воқеаларни айтиб беради. Қилган ишларидан пушаймон эканликларини айтиб йиғлашади.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида ёнма-ён ишлайдиган Гулмира опанинг бу ерга қандай келиб қолганини ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз.

2010 йил 15 сентябрь

ЎЛИГИ ХОР БЎЛГАН ОНА

Ассалому алайкум, Гулзода! Хатларингизни олдим. Гўёки ўзингиз билан гаплашгандек бўлдим. Яқинда аям келиб кетди. Тиззаларига бошимни қўйиб алла айтиб беришини сўрадим. Ёш бола бўлиб қолгим келди. Кетаётганларида дастрўмолчасини олиб қолдим. Чунки ундан аямнинг ҳиди келади. Аямни соғинганимда дастрўмолчасини юзимга босиб йиғлайман.

Мен сизга бугун Гулмира опанинг қилмиши ҳақида ўзининг тилидан қилиб ёзиб юборяпман. Иложи бўлса, буни атрофингиздагиларга ҳам ўқиб беринг.

* * *

...Онам турмушга чиққач, ўн йил деганда мен туғилибман. Афсуски, отам менинг тўйимни кўролмасдан

юрак хуружидан вафот этди. Шунинг учун онам Самад деган йигитни ичкуёв қилиб олди. У институтда шартнома асосида ўқирди. Шартнома пулини онам тўларди. Самад бу оилада ўзини эрка куёв ҳис қилиб, фақатгина пул керак бўлгандагина келиб кетарди.

— Кўп пул керак. Домлалар имтиҳонга пул сўрашяпти. Бермасам ўқишдан ҳайдашади! Онангдан сўра! — деди бир куни у мендан.

Онамнинг хонасига кириб, ундан бир оз пул топиб беришини, эримга пул жудаям зарур бўлиб қолганини гапирдим.

— Пул, пул! Нима, менинг пул заводим борми? Айт, ўша суллоҳ эрингга! Пул заводига бомба тушибди! Ахир, яқиндагина кўшнилардан қарз олиб бергандик-ку! — деди онам.

Самад эшик ортидан барча гапларни эшитиб турган экан. Шунинг учун онамга салом берди-да, тўшакнинг бир чеккасига ўтириб безбетларча деди:

— Қайнотам раҳматлидан қолган хазиначарингизни чиқараверинг. Ахир, кимсан, раиснинг хотини бўлгансиз-ку! У ёқ-бу ёққа тилла-пилла кўмиб кетгандир. Чиқаринг шуларни. Чириб кетмасин.

— Қайнотангиз ҳақида умуман гапирманг. У киши ҳалол инсон эди, — деди онам.

— Топиб бермайсизми? Сиздан сўраяпман! Охири марта сўраяпман! Топиб берасизми, йўқми? — дея эрим важоҳат билан онамнинг ёқасидан олиб, бошини деворга ураверди, ураверди. Мен эримнинг қўлини онамнинг ёқасидан ажратолмадим. Самад мени тепиб юборди.

Девор қип-қизил қонга бўялди. Онамнинг боши шилқ этиб бир томонга тушди.

— Нима қилиб ўтирибсан? Менга ёрдамлаш! Фиқ этиб бировга гуллайдиган бўлсанг, сени ҳам сўйиб ташлайман! Овозингни чиқарма! — дея гиламчага онамни ўради.

Жасадни икковимиз кўтариб ҳожатхонага ташлаб юбордик. Самад бу ҳожатхонани кўмиб ташлаб, янги-сини қазиди.

— Ҳеч кимга бугунги воқеа хусусида оғиз очмайсан. Тушундингми? Онангинг хонасини қон теккан деворини артиб қўй! Изи қолмасин! — деди эрим.

Ўша куниёқ Самад шаҳарга кетди. Мен бўлса кўзим олдида рўй берган бу даҳшатни, боши қонга беланган онамнинг чеҳрасини кўз олдимдан кетказолмасдим.

“Онажон, бадбахт қизингизни кечиринг! Мен учун ҳамма нарсага тайёр эдингиз? Сизга муносиб фарзанд бўлолмадим. Сизни ўлдиришларига йўл қўйдим. Ўз қўлларим билан яна ўлигингизни ҳам хор қилдим. Энди бу айрилиққа қандай дош бераман! Онажон! Сизнинг ўрнингизга мен ўлиб қўя қолсам бўлмасмиди? Энди нима қиламан”, дея йиғлардим. Девордаги қон изларини артиб, шошганимча чиқиб кетдим. Чунки мени кимдир таъқиб қилаётгандек туюлаверди. Ҳайҳотдек ҳовлида етимчадек бўзлаб қолдим.

Уч кундан сўнг маҳалла оқсоқоли ва мелиса онамни сўраб келишди. Улар ҳовлимизни, барча хоналарни синчиклаб кўздан кечиришди. Участка нозири онамнинг хонасига кириб, деворнинг бир четида қотиб қолган қон изларини топибди. У дарҳол дафтарчасига бир нималарни ёзиб қўйди-да, ҳовлига чиқди. Ҳовли чеккасида дўмпайиб турган жойни бориб кўриб у ерда нима борлигини сўради. Ёлғондан сабзи ўраси эканлигини айтдим.

У кимгадир кўнғироқ қилди. Бир зумда бир талай мелисалар етиб келишди-да, девордаги қотиб қолган қон изларини қириб олишди. “Сабзи ўра”ни кавлашди.

Юрагимни ҳовучлаб ўтирардим. Шу пайт ходимлардан бири эски гиламчанинг бир учини кўриб қолди. Кейин улар секинлик билан гиламчани тортиб чиқаришди. Ичини очишган эди, ҳамма даҳшатдан қотиб қолишди. Чунки онам қонга бўялганча ётарди. Мен онамнинг жасадини энди кўриб тургандек дод-фарёд сола бошладим. Тепамда турган мелиса қаергадир кўнғироқ қилди. Улар келиб, онамнинг жасадини олиб кетишди. Мени Ички ишлар бўлимига олиб боришиб, роса сўроқ қилишди. Воқеани терговчига айтиб бердим. Ўша кунийёқ улар шаҳарга бир ходимни жўнатиб Самадни топиб келишди. Бироқ Самад қилган айбини бўйнига олмади. Ҳаттоки, у менга тухмат қилди.

Экспертизанинг хулосасидан сўнг онамни Самад ўлдиргани, бунга мен тирик гувоҳ эканлигим исботланди. Ўз онамни ваҳшийларча ўлдирган қотилни яширганим ва унга ёрдам берганим учун мени ҳам қамашди. Мен фарзанд деган номга нолайиқман...

* * *

Она фарзанди учун барча нарсага тайёр. Аммо фарзанд-чи? Авайлаб асраб вояга етказган қиз, ҳаттоки, онасининг ўлигини ҳам хор қилибди. Барчамиз ундан нафратланиб кетдик. Ҳеч кимга бундайин хўрланиб ўлиш насиб этмасин.

Кейинги хатимда Баҳор аянинг бу ерга қандай келиб қолгани ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан Адолат.

2010 йил 5 октябрь

ЎҒИЛ ОРТИДАН ҚАМОҚҚА

Салом, Гулзода! Аҳволларингиз яхшими? Синфдошларимизнинг барчаси яхши юришибдимми? Қандай янгиликлар бор? Бу гал ваъда қилганимдек Баҳор аянинг қандай қилиб қамалиб қолганлиги ҳақида ўзининг тилидан ёзиб юборяпман.

* * *

...Ҳар қандай она фарзанди учун ҳамма нарсага, ҳаттоки, ўлимга ҳам тайёрдир. Боласининг қўлига кирган зирапча гўёки онанинг юрагига санчилгандай бўлади. Фарзандимни қутқариш учун жиноятнинг жирканч йўлига кирдим. Ўғлим Искандар Россияда наркотик модда билан қўлга тушиб қамалиб қолди. Орадан бир ой вақт ўтгач, қўл телефонимга Россиядан Умир деган йигит қўнғироқ қилиб деди:

— Ўғлингиз қамалиб қолганини танишларимдан эшитдим. Сизга фарзандингизни қамоқдан чиқаришга ёрдам бераман. Бунинг учун кўпроқ пул олиб келинг. Ўзим кутиб оламан.

Ўғлимни қутқариш илинжи туғилганидан хурсанд бўлиб, дарҳол қайнотамдан қолган уйни сотиб, Термиз шаҳридан самолётда Россиянинг Домодедово аэропортига учдим. У ердан Умирга қўнғироқ қилдим. У уйига олиб борди. Ўғлим билан телефонда гаплаштирди. Болам менга “Суд ўн йил қамоқ жазоси берди” деди йиғламсираб. Адвокат ёлладик. Пермь ўлкасидаги қамоқхонага бориб, Искандарни кўрдик. Олиб борган долларни Умирнинг қўлига адвокатга бериш учун тутқазиб, Термизга қайтдим. Афсуски, бу саъй-ҳаракат-

ларим бесамар кетди. Ўғлимга берилган ўн йил қамоқ жазоси ўзгармади.

Бир куни Умир менга кўнғироқ қилиб деди:

— Озгина юк бор. Шунини Ўзбекистондан Россияга олиб келиб берсангиз, ўғлингизни қамоқхонадан тезроқ чиқаришга ёки ҳеч бўлмаганда қамоқ жазосини уч-тўрт йилга қисқартиришга ёрдам бераман.

— Қанақа юк, болам? — деб сўрадим.

— Наркотик, — деди у яширмасдан дангалига.

— Бундай нарсани қандай қилиб олиб бораман? Йўлда кўлга тушиб қолсам нима бўлади? — дедим хавотирланиб.

— Йўлда сизга ҳеч нарса қилмайди. Агар шу нарсани олиб келсангиз, ўғлингизга яхши бўлади. Ўйлаб кўринг, — деди Умир.

Кўз олдимга зах хонада мўлтираб турган ўғлим келди. Нима қилишга бошим қотди. Умир яна кўнғироқ қилиб фикримни сўради.

— Алдамайсизми, ўғлимга ёрдам берасизми? — дедим у йигитдан нажот истаб.

— Ишонаверинг. Аниқ, ўғлингизга ёрдам бераман. Эртага Денов шоҳ бекати олдига бориб кутинг. Бир одам келиб сизга пакет ташлаб кетади. Сиз қандай кийинишингизни айтсангиз мен унга тушунтираман — деди у.

Шоша-пиша уст-бошим қанақа бўлишини айтдим. Эртаси куни ўттиз ёшлардаги бир йигит ёнимга келди, исмимни сўради ва кўлидаги қора рангли целлофан пакетни тутқазди. Умирга пакетни олганлигим тўғрисида маълумот бердим.

— Пакетдагини Тошкентга олиб борасиз. У ерда сизни Зуфар деган йигит кутиб олади ва “Тошкент-Москва” поездига ўтқазиб юборади, — деди Умир.

Пакетдаги “наркотик”ни уч бўлакка бўлиб, қора жемферимнинг астари ичига жойлаштирдим-да йўлга тушдим. Тошкентда Умирнинг қайнукаси Зуфар кутиб олиб, меҳмонхонага олиб борди. Икки кундан сўнг Зуфар “Шимолий вокзал” ёнидаги автоуловлар турадиган жойга бориб таниш таксичисига мени Москва шаҳрига юрагимни операция қилдириш учун юбораётганлигини, иложи бўлса чипта топиб беришини сўради.

— Қозоғистонда “Бишкек-Москва” йўналиши бўйича қатновчи поезд орқали жўнатишим мумкин. Эртага кечки соат 23-30 даги поездга чипта бор, — деди ҳайдовчи Акмал.

Эртаси куни мени ҳайдовчи “Фишт-кўприк” божхона постига олиб бориб қўйиб, ўзи кимгадир постга кириб кетганлигим ҳақидаги хабарни етказди. У ердаги одам мени кутиб олиб, вокзалга олиб бориб, чиптамни қўлимга бериши керак эди. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади. Менинг тезроқ ўғлимни кўришга муштоқлигим шу ерда якун топди. Яъни божхона текширувида қора рангли жемферимнинг елка қисмидаги астари орасидан оқ рангли докага ўралган уч дона скотчланган ўрам, яъни “героин” гиёҳвандлик воситасини топиб олишди.

Ўғлимни қамоқдан қутқараман деб, елиб-югуриб ўзим ҳам қамоқда ўтирадиган бўлдим. Бу ишим қонунга зид эканлигини энди англаб етдим. Ёлғизгина боламнинг ортидан шу кўйга тушиб ўтирибман...

* * *

Бу аёлга ҳам ачинасан, ҳам раҳминг келади. Она боласи учун ўзини ўтга-чўққа уради. Бу ҳам жигарбанди учун, уни қутқараман дея ўзи жиноятнинг кў-

часига кириб ўтирибди. Мана энди кўзлари ярқ этиб очилди. Қилган ишидан афсусда. Она-боланинг пешонасида шу кўргиликлар ҳам бор экан.

Кейинги хатимда ошхонада битта стол атрофида биргаликда овқатланадиган Яшнар опанинг қандай қилиб бу ерга келиб қолганини ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи Адолат.

2010 йил 15 октябрь

КЕЙИНГИ ПУЩАЙМОН

Салом, Гулзода! Аҳволларингиз яхшими? Мени сўраганларга саломимни етказинг. Бугун сизга Яшнар опанинг қандай қилиб жиноятнинг кўчасига кирганлиги ҳақида ўзининг тилидан ёзиб юборяпман.

* * *

...Танишим Дамин Лазокат билан мени Қорасув даҳасидаги «Миллениум» кафесида таништирди. Лазокат куз ойларининг бирида Шокир деган йигит билан танишиб қолибди. Тез-тез учрашиб туришибди. Бир-бирларини ёқтириб қолгач, улар шаръий никоҳдан ўтиб, биргаликда яшай бошлашибди.

Бир куни Шокирни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Қозоғистон Республикасида жиноят содир этганлиги учун ушлаб, вақтинча тергов ҳибсхонасига жойлаштиришибди. Лазокат дарров адвокат ёллаб, турмуш ўртоғининг ҳолидан хабар олиб турибди. Шокирнинг опаси Гулшода ва қариндошлари уни нима қилиб бўлса-да, Ўзбекистонда олиб қолиш чорасини кўриш лозимлигини Лазокатдан илтимос қилишибди.

Лазокат дарҳол синфдоши Дамин билан учрашиб, турмуш ўртоғи Шокирни Ўзбекистонда олиб қолиш зарурлигини, иложи бўлса ёрдам беришини сўрабди.

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейдилар. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор. Кўп сиқилаверманг. Мен танишларимдан сўраб кўраман. Сизга, албатта, ёрдам бераман, — дея Дамин Лазокатни мен билан таништирди.

— Пул бўлса чангалда шўрва, дейишади. Менга бир илож қилиб ўн минг доллари топиб берсангиз, эрингизни бир умрга Ўзбекистонда олиб қолиш масаласини ҳал қилиб бераман. Бунга мана Дамин кафил! — дедим ишонч билан мен.

Бунча пулни эшитиб Лазокатнинг дами ичига тушиб кетди. Кейин турмуш ўртоғининг опаси Гулшода билан учрашиб, унга менинг таклифимни айтибди.

Гулшода укасини жуда яхши кўрар экан. Шунинг учун у яшаб турган уйини сотиб, Лазокатга уч минг беш юз долларини бериб дебди:

— Ҳозирча шуни олиб бориб беринг. Укам Ўзбекистонда аниқ қолишига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг, қолган пулларни ҳам бераман.

Кейин мен кўрқмасдан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ бошлиғи номидан қамоқхона муассасаси бошлиғи номига ёзилган, айбланувчи Шокир Абдурауфовни Ўзбекистон Республикасида олиб қолиш тўғрисидаги кўрсатма берилганлиги ҳақида сохта хатни компьютер ёрдамида тайёрладим.

Бир ҳафтадан сўнг яна «Миллениум» кафеси олдида Дамин ва Лазокат билан учрашдим. Сохта хатни Лазокатга бердим. У менга 3500 долларни кўлимга тутқазди. Яна унинг ишончига кириш учун дедим:

— Яқинда сизни турмуш ўртоғингиз Шокир билан учраштираман. Озгина сабр қилинг.

Аёлнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Менга қайта-қайта раҳмат айтиб уйига жўнади.

Лазокат бу хатни дарҳол қайнонаси ва Гулшоданинг кўлига берибди.

Орадан анча вақт ўтса-да, Лазокат эри билан учрашолмади. Унинг умидлари саробга айланди. Чунки мен бунга ҳаракат ҳам қилмадим.

Кейинчалик эшитсам, Шокир Абдурауфов аллақачон Қозоғистон Республикасига экстрадиция қилинган экан. Укаси Қозоғистонга экстрадиция қилинганлигини билиб қолган Гулшода дарҳол Лазокатга кўнғироқ қилибди. Афсуски, Лазокат унинг кўнғироқларига жавоб бермай, худди фирибгардек менинг айбим билан қочиб юрибди.

Тоқати-тоқ бўлган Гулшода бу ҳолат юзасидан Мирзо Улуғбек туман прокуратурасига унга тегишли 3500 долларни ундириб беришини сўраб ариза берибди.

«Бузоқнинг қочгани сомонхонагача» деганларидек мени қонун посбонлари ушлашди. Суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлдим.

Мени деб Лазокат билан Дамин ҳам жабр кўришди. Хайрият, Лазокат ва Даминга нисбатан амнистия қўлланилиб, жинойт иши ҳаракатдан тўхтатилди.

«Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас» деганларидек, бундан олдин ҳам уч маротаба фирибгарлик содир этиб, ўзимга тегишли жазоларни олиб, эндигина озодликка чиққандим. Афсуски, озодликнинг қадрига етмадим. Қилган ишимдан қаттиқ пушаймонман...

* * *

Ҳар бир инсон бир маротаба хато қилса иккинчи маротаба бу ишга қўл урмаслиги лозим. Бироқ Яшнар

опанинг кўзлари кеч очилди. Ҳарҳолда, бу гал у қилган ишидан астойдил пушаймон.

Кейинги хатимда рўпарамизда ётадиган Наима холанинг бу ерга қандай келиб қолганини ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан Адолат.

2010 йил 23 октябрь

ЗОЛИМ ҚАЙНОНА

Қандайсиз, Гулзода? Омонмисиз! Хатларим билан вақтингизни олмаяпманми? Бугун сизга Наима холанинг тақдирини ўзининг тилидан ёзиб юборяпман.

* * *

“...Ўғлим мен ёқтирган қизга уйланмасдан Дилсўзни ёқтириб турмуш қурди. Фарзандли бўлишди. Мен бўлсам қилдан қийиқ ахтариб, ўғлимга хотинини ёмонлайдиган, камситадиган бўлдим. Болам менинг гапларимга ишониб хотинини ҳақоратлайдиган, уриб-калтаклаб, хўрлайдиган бўлди. Дилсўз уйдаги жанжални сираям кўчага чиқармайдиган, оғир-босиқ ва сабрли эди.

Бир куни йўқ жойдан жанжал чиқариб ўғлимга хотинини мени менсимасликда, ҳурмат қилмасликда айбладим. У бўлса Дилсўзни хўрлаб тепкилади. Бунга чидай олмаган Дилсўз икки ойлик чақалоғини кўтариб онасиникига кетди. Уйдаги юмушларнинг барчаси ўзимга қолди. Тайёр дастёримдан айрилиб қолганимни тушундим. Ўғлимни турмуш ўртоғини олиб келгани жўнатдим. Болам қайнонасининг олдида Дилсўзни сўкиб, унинг тўғри келган жойига уриб, судрай бошлабди.

— Онангиз уйда ҳеч бир сабабсиз челақлаб совуқ сувни устимдан қўяди, уради, ҳақоратлайди. Камига сиз ҳам онангизнинг гапларига кириб мени хўрлайсиз. Шунинг учун онамникига келдим, — дея йиғлабди келиним.

Ўғлим бўлса, Дилсўзнинг қўлидан боласини тортиб олибди.

— Дарҳол олдимга туш, уйга юр. Агар бормасанг, болани сувга ташлайман! — дея жаҳл билан ҳовлидан чиқиб кетибди. Келиним йиғлаганича қолаверибди. Кечқурун қудаларим куёвига инсоф тилаб бизникига келишди.

— Ҳаммангни онангни... Сенларни бу ерга ким чақирди? Меникида пишириб қўйибдими? Йўқолларинг! Иккинчи қораларингни ҳам кўрмай! — дея ўғлим уларни ҳақоратлаб уйдан чиқариб юборди.

Эртаси куни қудам маҳалла оқсоқолини, хотинқизлар маслаҳатчисини олиб бизникига келишди. Эру хотинни яраштирамоқчи бўлишди.

— Ўзларингиз инсоф билан айтинглар! Эрим доим мени ҳеч бир сабабсиз уради, камситади, хўрлайди, юзимга туфлайди. Бунга ҳам қоникмасдан идиш-товоқларни отади! Кечалари ухламасдан мени бўғиб, тик туришга мажбурлайди. Бундай хўрликларга қачонгача чидашим мумкин! — дея келиним йиғлади.

— Ҳамманг кўзимдан йўқол! — дея ўғлим уларнинг барчасини уйдан қувиб солди. Мен бўлсам ўғлимни инсофга чақириш ўрнига уни қўллаб турдим. Хотин топилишини, аммо она топилмаслигини таъкидлайвердим.

Бир куни хотини уйига қайтавермаганидан дарғазаб бўлган ўғлим қайнонасиникига борибди. Қайнотасини

куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиб, уни ва қизини дўппослабди.

Қудам куёвининг устидан мелиса ходимларига арз қилибди. Бу иш судда кўриб чиқилиб, суд раиси уларни яраштириб қўйди.

Уларнинг ҳаёти бир оз изга тушгандек бўлди. Аммо энди мен хотинини ва боласини оч қўядиган, нон ва овқат бермай қийнайдиган бўлдим. Бир кун Дилсўзнинг боласи шамоллаб қолиб, кечаси билан йиғлаб чиқди. Мен ўғлимга хотининг битта болани ҳам эплай олмайди, дея гижгижладим. Ўғлим хотинини ўласи қилиб урди.

— Сен болага қарашни ҳам билмайсан! Ярим кечаси атайлаб уйқумни бузиб, болани овутолмайсан! Сен ҳам аёлмисан? — дея уни аёвсиз бўғибди. Шу пайт боласи чириллаб йиғлаб қолибди. Шундагина ўғлим уни қўйиб юборибди.

Бундай хўрликлар жонидан ўтган аёл эри ухлаши билан боласини қучганича онасиникига кетибди. Эрталаб ўғлим хотини қочиб кетганини билиб қолибди. Унга дарҳол келинни олиб келишни буюрдим. Ўғлим қудамникига бориб, айёрлик қилиб уларга яхши гапирибди.

“Эр-хотиннинг уриши — дока рўмол қуриши” дейдилар, болам. Эҳтимол, эрингга инсоф битар. Қизим, уйингга борақол. Неварагинамни отасиз вояга етишини хоҳламайман”, дебди қудам.

Шундан сўнггина Дилсўз яна уйга қайтди. Иккаловини ёлғиз қолдириб синглимникига кетдим. Индинига ўғлим мени шифохонага олиб борди. Келинимнинг аҳволи аянчли эди. Чунки унинг ҳамма ёғи куйган, яланғоч бир аҳволда ётарди.

— Аяжон, мен ўлмайман-а?.. Қийналиб кетдим... Бир кун олдин синфдошимнинг тўйига боргандим. Уйга қайтсам эрим “Нимага тўйга борасан? Нимага ўйнайсан?” дея уриб-калтаклади. Кейин менга “Ўлсанг ҳам сенинг хунингни ким сўрайди, ҳеч ким сўрамайди!” дея эрталабгача урди. Уйга исириқ тутатгани киргандим, ортимдан ўғлингиз тиржайиб кириб келди. Қўлимдаги исириқ ва гугуртни кўриб “Сен ўзингни ёқолмайсан. Аслида сен ўлишинг керак!” дея камсита бошлади. Унинг гаплари жонимдан ўтиб кетди. Ошхонада турган соляркани устимдан қўйдим-да, гугуртни чақдим. Кейин нима бўлганини билмайман, — деди Дилсўз.

— Нимага ундай қилдинг, болам? Аҳмоққа қўшилиб аҳмоқ бўлишинг шартмиди? — дедим унинг аҳволига ачиниб.

— Аяжон, айтинг, мен ўлмайман-а?! Яшашни истайман, аяжон... — дедию у ҳушидан кетди. Афсуски, Дилсўзнинг кўзлари бу ҳаётга тўймай очиқ кетди.

Суд мени ва жоҳил ўғлимни Дилсўзга мунтазам равишда вахшийларча муомала қилиб, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиб келиб, уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлигимиз учун озодликдан маҳрум қилди...”

* * *

“Бўлмаганга бўлишма” деган нақл бор. Гоҳида оналар куёвининг қандайлигини била туриб ҳам, қизларини у билан яшашга мажбур қилишади. Аёлини шунчалар камситган, хўрлаган йигитдан қандай қилиб раҳм-шафқат кутиш мумкин? Эҳтимол, ота-она қизларини вақтлироқ ажратиб олганларида бундай мудҳиш фожа рўй бермасмиди?..

Кейинги хатимда тикувчилик цехида менга тикишни ўргатган маҳкума Холпошша хола ҳақида ёзиб юбораман.

Эҳтиром ила Адолат.

2010 йил 4 ноябрь

ЁЛҒОННИ ЁЗГАН КАМПИР ИҚРОРИ

Мактубимни кўзларимда ёш билан битяпман. Дугонажон, хатингизни олиб, ўқиб, роса йиғладим. Чунки сизларни соғиндим. Бир оз кўнглимни бўшатдим. Қанийди, тезроқ ёнларингизга қайтсайдим?! Худойимдан сабр сўраб ўтирибман. Бугун мен сизга Холпошша холанинг қандай қилиб орамизга тушиб қолганини ёзиб юборяпман. Орамизда шундай инсонлар ҳам бор эканки, уларнинг қилаётган ишидан қанчадан-қанча одамларнинг асаблари бузилади. Вақтлари зое кетади. Афсуски, улар буни тушунмайди ҳам, тушунишни исташмайди ҳам. Шулардан бири Холпошша хола экан.

* * *

...Онам раҳматлини маҳалламиздагилар “ёзувчи” дейишарди. Уларга ким ёқмай қолса, дарҳол гийбат қилар, агар бирор жойда ишлайдиган бўлса, устидан имзосиз хатлар ёзарди. Бу хатларни текшириш учун қанчадан-қанча одамлар овора бўлишарди. Гоҳида аноним хатларни менга айтиб туриб ёздирарди. Отам ҳам бизнинг бу ишимизни қўллаб-қувватлаб турарди. Шу тарзда вояга етдим. Онам қилган ишларидан заррача афсусланмасди. Қайтанга хурсанд бўларди. Менга ҳам шундай қилишни маслаҳат берарди. Кейин мени бир йигитга унаштиришди. Тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Узок

Йиллар фарзанд кутдик. Аммо фарзандли бўлолмадик. Турмуш ўртоғим билан ажрашишга тўғри келди. Онам мени яна қийин-қистовга олиб, хотини ўлган, боласи йўқ бир эркакка узатди.

Хайрият, бу гал биз фарзандли бўлдик. Фақат қизимиз Мубина жудаям нимжон, касалванд туғилди. Уни одам қилгунча шифохоналарда зир югурдик. Қизим “анемия”, яъни камқон эди. Аксига олиб, бу орада турмуш ўртоғим тўсатдан вафот этди. Қизимни оёққа турғизиш учун ишладим. Кейин нафақага чиқдим. Мен ҳам ҳар доим бўлмаса-да, гоҳ-гоҳида онамнинг “ёзувчи”лик ишини қилиб турардим. Бирор жойга борсам ишим битмай қолса уларга “Устинглардан ёзаман, ана ўшанда кўраман аҳволларингни!” дея дағдаға қилардим. Кимдир менинг бу гапларимдан чўчишганидан ишимни битирар, яна бири эса “Бор, боравер, хоҳлаган жойингга арз қилишинг мумкин” дерди.

Ўтган йили Бош прокуратурага октябрь ойидан буён пенсия нафақасини олмаётганлигимни, соғлиқни сақлаш ташкилотига мурожаат қилганимни, менга ва фарзандим Мубинага тиббий ёрдам кўрсатмаётганлиги ҳақида боплаб шикоят хати ёздим.

Ундан олдин ҳам шаҳар прокуратурасига аризалар ёзгандим. Шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан менинг ёзган аризаларим юзасидан текширишлар ўтказилди. Бироқ улардан биронтасида кўрсатилган ҳолатлар ўз тасдиғини топмади. Шунинг учун Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан менга нисбатан жазима жазоси тайинлашди.

Бундан мен тўғри хулоса чиқариб олиш ўрнига баттар жазавам тутди. Аҳмоқлик қилиб роса жаҳлим чиқди. Чунки улар менга ёрдам беришармикин, деб ўй-

лагандим. Улар бўлса ўзимни жаримага тортишди-я, яшшамагурлар! Мана энди мендан кўрадиганларингни кўрасанлар, дея бўш келмадим.

Энди Олий Мажлисга мурожаат қилиб, пенсиямни ололмаётганлигимни, қизим иккалаамизга соғлиқни сақлаш ташкилотигагилар тиббий ёрдам кўрсатиш-маётганлигини ёзиб, бу ҳолат юзасидан текшириш ўтказиб, айбдор шахсларга нисбатаң чора кўришларини сўрадим.

Уч ой давомида почта алоқаси ташкилотидан пенсиямни олмаганлигим сабаби, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан апрель ойида тўхтатилган экан.

Сўнгра менинг туман бўлим бошлиғи номига ёзган аризамга кўра пенсия берилиши тикланганди. Февраль, март ойларида менга пенсиям ўтган даврлар учун тўлаб берилганди. Мен ва қизим 5-сонли шаҳар клиник шифохонасида декабрь ойларида, кейинги йилнинг январь ойида шифохонада бепул даволаниб чиқдик. Бизга малакали тиббий ёрдам берилганди. Аммо буларни тан олишни истамасдим. Юқоридагиларнинг танобини тортиб қўйишни истардим.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Мирзо Улуғбек туман бўлими мен ва қизим учун 200.000 сўм моддий ёрдам ҳам кўрсатганди.

Афсуски, шукр қилишни билмадим. Мен ҳуқуқ-тартибот ва бошқа ҳокимият идораларини чалғитиб, била туриб ёлғондан қанчадан-қанча ариза билан мурожаат қилдим. Қанчадан-қанча одамларнинг оворагарчилигига йўл қўйдим.

Ёлғон нарсаларни ёзиш ҳам, ёлғон гапириш ҳам жиноят эканлигини энди билдим. Қариган чоғимда бу ер-

ларда ўтириш мен учун ҳам иснод. Қилган ишимдан қаттиқ пушаймондаман. Ортимга назар ташласам, бирор-бир фойдали иш қилмабман. Умримни ғийбатлару, бировларнинг устидан ёзиш билан ўтказибман. Ҳеч ким мендек нотавон бўлмасин. Қариган чоғида боласини соғиниб кўз ёш тўкмасин...”

* * *

“Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил” деган машойихлар. Тўғриси айтсам, Холпошша холанинг қилган ишидан ранжидик. Ахир, ҳукуматимизнинг шунча қилган ғамхўрликларига нисбатан кўрнамаклик қилибди-да. Ана энди жазосини олиб ўтирибди.

Гулзода! Кейинги хатимда Улбўсин опанинг ҳаёти ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни ғойибона қучиб қолувчи дугонангиз.

2010 йил 11 ноябрь

ҲАЁТИНИ ЗАҲАРЛАДИ

Салом, дугонажон! Сизни соғиндим! Имкони бўлса тез-тез хат ёзиб туринг. Маҳалламиздагиларнинг барчасини соғиндим. Кўз олдимдан уларнинг чеҳраси ўтаверади. Ўтган йили кўшнимизнинг қизи Васида давлатимиз мадҳиясини кўксига кўлини кўйиб, ёд олаётганда мен ҳам ёдласам бўларкан. Яқинда бизга мадҳияни ўргатишди. Бу ерда бизни меҳнат қилишга ўргатишяпти, тарбиялашяпти. Доимий равишда бадантарбия билан шуғулланамиз. Ҳовлида спорт майдончаси бор. У ерда мусобақалар ўтказилади. Биз бу ерда кўрпа, кўрпачалар тикяпмиз. Бу иш бизни сабр-тоқатли бўлишга ундайди. Тўғриси айтсам, илгарилари сабр-тоқатни

билмасдим. Энди эса кўникапман. Осмонда учиб юрган қушларга ҳавас қиламан. Чунки улар озоддирлар, эркиндирлар. Мен озодликнинг қадрига энди етаяпман. Озодлик — бу зулматни ёриб кирган нурга ўхшайди. Ўша нурга талпиниб яшайман.

Бу хатимда сизга Улбўсин опанинг билиб-билмасдан жинойтнинг жирканч кўчасига кирганлигини ўзининг тилидан ёзиб юборяпман.

* * *

“...Турмуш ўртоғим гиёҳванд бўлиб, уйда ўтириб қолди. Ўзи азалдан ҳеч қаерда ишламасди. Қайнона-қайнотам ҳам дарҳол бизни алоҳида уйга кўчириб ўтказишди. Ана энди рўзфорнинг камини тўлдириш, оилани тебратиш менинг зиммамга тушди. Турмушнинг залворли юкини елкамга ортмоқлаб юриш осон эмас экан. Нима қилишни билмасдан, таниш-билишларимдан кийим-кечаклар олиб, олди-сотди билан шуғулланиб, рўзфоримизни бир нави қилиб тебратиб юргандим. Аммо эримнинг чекиш хумори тутганда, гиёҳвандлик моддаси топиб беришим лозим бўлиб қолди. У билан ажрашиб кетай десам отамнинг қаҳридан кўрқдим. Чунки отам жуда қаттиққўл инсон. Қайтиб борсам мени сираям кечирмасди. Шунинг учун мен таниш-билишларимдан суриштириб, Фарғона вилоятига бориб, у ердаги Ракида исмли лўли аёлдан героинни хўжайним учун сотиб олиб келиб бердим. Аммо топиш-тутушимнинг тайини бўлмаганлиги учун героин қимматга тушди. Нима қилиш ва қандай қилиб пул топиш йўлини ўйлардим. Ниҳоят, топгандек бўлдим. Олиб келган героиннинг ярмини эримга берадиган, ярмини эса мижоз топиб сотадиган бўлдим.

Маҳалламиздаги Сарвар деган йигит бир йилдан буён героинни укол қилиш йўли билан истеъмол қилишга ўрганиб қолган экан.

Кунларнинг бирида у сўраб-суриштириб бундай “мол” менда борлигини эшитиб қолиб, қўнғироқ қилиб, “дори” кераклигини айтди.

Мен бу нарсани ҳеч қачон уйда сотмасдим. Мижозлар билан бирор жойда учрашиб, кейин берардим. Шунинг учун Сарвар билан Ангрен шаҳридаги автовокзалда учрашишни келишдик. Айтилган жойга у етиб келди. Мен Сарварга саккиз дона чек героинни сотиб, уйимга қайтдим.

Турмуш ўртоғим яна ўша матоҳдан сўраб қолди. Пулга қизиқиб, “мол”нинг ҳаммасини сотиб қўйибман. Унга топиб беролмадим. Ўша куни уйимизда нақ қиёмат-қойим бўлди. Чекишнинг хумори тутган хўжайним мени ўласи қилиб урди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, мен яна Фарғонага бориб героин сотиб олиб келдим.

Маҳалламиздаги Сарвар мендан яна уч дона чек героинни сотиб олди. Бироқ эртаси куни у яна қўнғироқ қилиб тезда учрашиш лозимлигини айтди. Келишилган жойда учрашганимизда Сарвар героинни шприц билан томирига уриб истеъмол қилганлигини, бироқ “мол”имнинг сифати паст бўлганлиги учун бу ёқмаганлигини айтди. Мен унга эртагаёқ “мол”ларни алмаштириб беришни ваъда қилдим.

Кечқурун Сарвар менга қўнғироқ қилиб “мол”дан йигирма тўрт дона чек кераклигини айтди.

Келишилган куни Сарвар “Матиз” автомашинасига ўтириб, Бектемир туманидаги “ДАН” постидан ўтаётган вақтида милиция ходимлари автомашинани тўхта-

тиб, ҳужжатларини сўрашибди. Аксига олиб унинг ёнида ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан. Сарварни милиция ходимлари хизмат хонасига таклиф қилишиб, ёнида нима борлигини сўрашибди. У бир оз довдираб, ёнида ҳеч нарса йўқлигини айтибди.

Милиция ходимлари унинг кийимларини текширишганида икки дона чек героинни топиб олишиб, уни сўроққа тутишибди. Героин моддасини кимдан сотиб олганлигини сўрашибди.

Сарвар уларни алдаб бўлмаслигини англагач, тўғриси айтиб кўя қолибди. Ҳаттоки, бугун мен билан учрашишга келишганини ҳам айтиб ўтибди.

Менинг бўлса ҳеч гапдан хабарим бўлмасдан, мижозим Сарвар билан учрашиш учун Ангрен шаҳрининг автостанциясига етиб бориб, уни кутиб турдим.

Шу пайт автомашинадан иккита фуқаролик кийимидаги одамлар келиб, ўзларини милиция ходими, дея таништиришиб мени Бектемир туман ички ишлар маҳкамасига олиб боришди. Ноилож бордим. Ёнимда бўлган йигирма икки дона чекни уларга чиқариб бердим.

Сарварга суд уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Мени эса озодликдан маҳрум этишди. Қилган ишим қанчалик ёмон эканлигини энди англаяпман. Мен турмуш ўртоғимни ва бошқаларни ҳам заҳарлаб келибман. Қанчадан-қанча оилаларнинг бошига ғам-ташвиш келтирибман. Оналарнинг кўз ёшларига сабабчи бўлдим. Эҳтимол, менинг бу ишим учун кимлардир қарғагандир. Мени қарғиш уриб, фарзандлик ҳам бўлолмадим. Турмуш ўртоғимни наркология диспансерига олиб кетишди. Ўша ерда даволаняпти. Бу ишим учун қайнонам-қайнотам мендек келинидан воз

кечишди. Ўз ота-онамнинг эса бошлари эгилди. Гиёҳвандлик моддаларининг барчаси оғу экан. У турмушимизни заҳарлаган экан”.

Гулзода! Ўзингизни эҳтиёт қилинг! Қани эди қанот қоқиб ёнингизга учиб борсам. Омон бўлинглар.

Кейинги хатимда Гулшан опанинг қандай қилиб бу ерга келиб қолганлигини ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан Адолат.

2010 йил 22 ноябрь

“УЙ СОТАМАН” ДЕБ

Омонмисиз, азизам? Уйдагиларингизнинг барчаси ўйнаб-кулиб юришибдим? Сизларни жудаям соғиндим. Ҳатто тушларимга кириб чиқасизлар. Қанийди, ёнларингизга тезроқ қайтсам. Фақатгина меҳнат қилардим. Ҳеч кимнинг дилини оғритмасдим. “Жаҳл чиқса – ақл қочар” деганларидек қилиб қўйган ишимдан қаттиқ пушаймондаман. Кўзларим кеч очилди. Ёшлик ва гўрлик қилдим. Бу хатони энди ҳеч қачон такрорламайман.

“Аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлади” дея бежизга айтишмаган экан. Ёнимиздаги камерада турадиган Гулшан опанинг бу ерга келиб қолишини унинг тилидан қилиб сўзлаб берай.

‘ * * *

“... Бир куни одамларни чув тушириш мақсадида интернетга эълон бердим. Унда ўзимни “Долорис Бизнес” фирмаси раҳбари Гулшан Аввалбоева эканлигимни, асосан кўчмас мулк, уй-жойларнинг олди-сотдиси бўйича шуғулланишимни ёздим.

Кунларнинг бирида Тўлқин деган бир йигит “Интернет клуб”га кириб интернетдаги эълоним бўйича менга кўнғироқ қилди. У йигит билан учрашиб, танишиб олдик.

Тўлқинга бир неча уйларни сотиб олиш учун кўрсатдим. Аммо уйларнинг нарhini келиша олмадик.

Бир куни Тўлқин менга кўнғироқ қилиб, Ойбек кўчасида жойлашган уйни яна бир бор кўрмоқчи эканлигини айтди. У билан келишилган жойда учрашдик. Айтилган уйга бордик. Йигит обдон уйни кўриб чиқди. Хайрият, бу гал уй унга маъқул келди. Дарҳол уйнинг ҳужжатларини ҳам синчковлик билан кўриб чиқиб деди:

— Мени ҳам тўғри тушунинг. Сизга ҳам ишонаман. Аммо уйнинг эгаси билан учрашиб, нарhini келишиб, гаплашай.

Мен ҳам мижозимдан айрилишни истамасдим. Шунинг учун унга хушмуомалалик билан дедим:

— Бўлди, укажон, сиз нима десангиз шу. Мен унинг қачон вақти бўлишини билиб, кейин сизга кўнғироқ қиламан, — дея қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирдим.

Чунки мен тезроқ уйларни сотиш учун ҳар қандай қинғирликдан тоймадим. Шунинг учун мен ёнимга тез-тез келиб турадиган опамнинг дугонаси Лазокатни чақиртирдим.

— Жон, опажон, бир илтимосим бор. Фақат йўқ деманг. Сизни ҳам қуруқ қўймайман. Лайли исмли бир опам бор. Ҳозир унга пул жудаям зарур. Ўзи Туркияга кетган. Уч-тўрт кунда келади. Унинг уйини сотишим керак. Мижоз олишга тайёр. Шунинг учун сиз мижозга “Лайлининг синглициман” деб туринг, — дедим ёлвориб.

— Эртага менга гап-сўз бўлмайдими? Ҳамма ишларингиз қонуний бўладими? — деди Лазокат опа менинг бу хатти-ҳаракатимдан шубҳаланиб.

— Бу ёғидан хавотир олманг. Уйнинг ҳужжатлари қўлимда. Нотариал тартибда олди-сотдисини расмийлаштириб бераман, — деганимдан сўнггина у менинг бу таклифимга рози бўлди. Айтилган куни биз Тўлқин билан учрашдик.

— Эрим нозикроқ жойда ишлайди, пулларим кўп. Шунинг учун бир нечта уйларимни қариндошларимнинг номига расмийлаштириб қўйганман. Лайли опамнинг уйи эса аслида меники, — дея Лазокат опа бор актрисалик маҳоратини ишга солиб Тўлқинни алдаб, “заклад” пулини олди. Мен бўлсам дарҳол синглимга компьютерда тилхат ёзиб келишни буюрдим. Тилхатга долларни “қора бозор” курсида сўмга ҳисоблаб, 23.000.000 сўм дея ёзиб, қўл қўйиб, муҳр босиб Тўлқинга бердим.

— Агар хоҳласангиз, Лайли опамнинг Юнусободда яна битта сотиладиган уйи бор. Мана ўша уйнинг ҳужжатлари, — дея стол ғаладонидан битта папка олиб, уни Тўлқиннинг олдига қўйди Лазокат опа худди мен ўргатгандек қилиб.

Ўша куни Тўлқин жияни Отабек билан Лазокат опа айтган уйни кўришга боришди. Уй Отабекка ёқиб, сотиб оладиган бўлиб, уйнинг нархини келишиб олдик.

Эртаси куни мен мижозга қўнғироқ қилиб, Лазокат опага пул зарур бўлиб қолганлигини, шунинг учун 15000 доллар “заклад” пули бериши лозимлигини айтдим ва учрашиш жойини келишиб олдим.

Биз Мирзо Улуғбек тумани Салар бўйи кўчасида

жойлашган АЁҚШ рўпарасида учрашдик. Мен Отабекдан 15000 долларни санаб олиб, дарҳол Лазокат опага кўнғироқ қилиб “Опажон, сиз айтгандай 15000 доллар “заклад” пулини олдим. Энди уйни тезроқ расмийлаштиришимиз керак” дедим. Шу пайт Отабек менадан тилхат сўради.

— Сизга тилхатни офисимда ёзиб бераман. Мен сизни алдайманми? Ишонмаяпсизми менга? — дедим унга норози оҳангда.

Шундан сўнг тилхат ҳақида мижоз иккинчи оғиз очмади. Кўнғироқ қилганида мен унга минг битта баҳоналар тўқиб, алдаб келдим.

Тоқати-тоқ бўлган мижозлар на уйни, на пуллари қайтариб ололмаганликлари сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишибди.

Шундан сўнггина мен типирчилаб қолдим. Дарҳол Тўлқинга 5500000 сўм, Отабекга 9500000 сўмини қайтаролдим, холос. Тергов жараёнида эса Лазокат опа жуфтакни ростлаб қолди. Бугунги кунда у қидирувда. Мен бўлсам бу ердан. Турмуш ўртоғимни, болаларимни соғиндим. Афсуски, менинг фирибгарлигимни билиб қолган эрим судга ажрашишга ариза берибди. Фарзандларимни ота-онамникига олиб бориб ташлабди. Қилган ишимдан пушаймонман. Оддий одамларга ўхшаб, ҳалол пул топиб, бориға қаноат қилганимда эди, бу кунларни кўрмасдим...”

* * *

Вақтингизни олган бўлсам узр.

Кейинги хатимда опа-сингил Шафоат ва Гулшоднинг қандай қилиб бу ерга келиб қолгани ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2010 йил 3 декабрь

ТИЛЛА ЗИРАК ЎҒРИЛАРИ

Соғ-омонмисиз, дугонажон? Уйдагиларингизнинг барчаси саломатми? Мендан ҳол-аҳвол сўрасангиз, яхшиман. Эсингиздами, мактабда ўқиб юрган пайтимизда сиз кўп китоблар сотиб олардингиз. Бундан менинг энсам қотарди. Шунга ҳам пул сарфлабди деб. Чунки китоб ўқишни ёқтирмасдим. Бу ерда каттагина кутубхона бор экан. Бир-икки маротаба китобни кўлимга олиб ўқиган эдим, у оҳанграбодек ўзига тортди. Ҳозир ўзим китобсиз туrolмайман. Бўш вақтим бўлди дегунча китоб ўқийман. Китоб ҳаёт дарсхонаси экан. Ундан кўп нарсаларни ўрганса бўларкан. Бундан ташқари маҳкумалар ўртасида тузилган ашула гуруҳига қатнашяпман. Биз она, Ватан, юртга садоқат ҳақидаги кўшиқларни ижро этамиз. Шундай дамларда яхши-яхши ишлар қилиш ўрнига бу ерда ўтирганимга афсусланиб кетаман. Тезроқ озодликка чиқсам, нималар қилиш ҳақида режалар тузиб кўйдим. Тадбиркор бўламан. Бекорчиликдан гап сотиб ўтирган маҳалламиздаги хотин-қизлар учун тикувчилик цехи очаман. Ҳарна оиласининг бир томони ни моддий томондан кўллайди. Хуллас, орзуларим мўл. Айтганча, ўзим билан овора бўлиб опа-сингил Шафоат ва Гулшодаларни қандай қилиб бу қамоқхонага келиб қолгани ҳақидаги ҳикояни ёзиб юборишим тўғрисидаги ваъдамни унутай дебман.

* * *

“...Якшанба куни барча ота-оналар деярли уйларида бўлишади. Бу кун болакайлар иложи борича уйдан

кўчага ошиқишади. Шунинг учун мен синглим Гулшодни олиб ўйин майдончасида болаларни кузатиб ўтирдик.

Ўша куни «дом»да турадиган Фарида опа қизи Нилуфарга кичик қизи Шаҳнозани аравасига солиб, айлантириб келишни буюрди. Қизалоқ бундан хурсанд бўлди. Чунки у ҳар доим кўчага чиққанида синглисининг баҳонасида ўзи ҳам маза қилиб ўртоқлари билан ўйнарди.

Нилуфар кўчага чиқди-да, кўшнисининг қизи бўлмиш дугонаси Сарвинозни чақирди. Кейин улар биргаликда ўша атрофдаги ўйин майдончасига қараб кетишди.

Мен у ёқ-бу ёққа аланглаб, катталардан ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг синглим Гулшод билан қизалоқларнинг ёнига бориб, режа бўйича иш тутдим.

— Асалларим, ҳожатхона қаерда? Илтимос, кўрса-тиб юборинглар, — дея қизалоқларнинг жавоб беришини ҳам кутмасдан Сарвиноз деган қизчанинг қўлидан тутиб улардан нари кетдим.

Биз ўша атрофдаги боғчанинг ҳожатхонаси томонга бордик. Атрофга аланг-жалаң қилиб қараб олдим. Кейин Сарвинозни кўрқитиб, қулоғидаги зирагини ечиб олиб, ортимга қайтдим.

Синглим бўлса, ўша ерга яқин бўлган чиқиндихона томонга Шаҳноза ётган арвачани итариб кетди.

— Синглимни беринг, қаёққа олиб кетяпсиз? — деганича ортидан Нилуфар бораверди.

— Онанг мендан қарз. Қачондан бери пулимни бермай юрибди. Ана энди ўзидан кўрсин. Қани, зирагингни еч! — дея қизалоққа буйруқ берди Гулшод.

— Беролмайман, — дея қулоқларини кўли билан бекитмоқчи бўлди қизалоқ.

Синглим Гулшод чўнтагидан лезвия олиб, уни кўрқитиб, Нилуфарнинг қулоғидаги зирагини ечиб олди. Кейин юзига бир тарсаки тушириб, уни чиқиндихонага итариб юборди. Нилуфар йиқилиб тушиб, бурни қонади. Биздан кўрққанидан жойидан ҳам қимирламай йиғлаб ўтирди.

Биз тезда жуфтакни ростладик. Кейин тиллаларни сотиш учун Тошкент шаҳридаги “Чорсу” бозорига йўл олдик.

Ўша куни болаларидан хавотир олган Фарида опа катта қизи Озодадан сув бериб, улардан хабар олиб келишни тайинлабди.

Озода сингилларининг ортидан кетибди. Бу пайтда ўша ердан ўтаётган кўшни аёллар Нилуфарнинг юзини ювишаётганлигини кўриб ажабланибди. Кейин уларни уйига олиб келибди. Сарвинозни ҳам кўшнилари уйига қайтаришибди. Уларнинг оналари дарҳол бўлган воқеани эшитгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилишибди.

Биз эса бу пайтда тилла зиракларни пуллаб, ўз эҳтиёжларимизга ишлатиб юбордик.

“Ойни этак билан ёпиб бўлмайди”, деганларидек бизнинг бу қилмишларимиз фош бўлди. Мен турмуш қурган, уч фарзанднинг онаси эдим. Синглим Гулшод ҳам оилали бўлиб, икки фарзанднинг онаси. Аммо биз бирор жойда фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан “тарки одат — амри маҳол” деганларидек жиноятга кўл ургандик. Мен бундан олдин ҳам жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди, Чирчиқ шаҳар суди, Юнусобод ҳамда Бўстонлик туман судла-

рида ҳам судланиб, ўзимга тегишли жазоларимни олгандим. Бироқ бундан тўғри хулоса чиқармагандим.

Синглим Гулшод ҳам бу борада сираям мендан қолишмаган. У ҳам жиноят ишлари бўйича Юнусобод ва Бўстонлик туман судларида судланган. Тегишли жазосини ҳам олган.

Суд биздан жабрланувчиларнинг қонуний вакилларига тилла зираklarининг пулларини тўлаттирди. Олдинги судларда бизга жарима жазоси тайинлашганди. Бу гал эса озодликдан маҳрум этишди. Шу ерда ўтирибгина биз нонкўр эканлигимизни англаяпмиз. Қилган ишларимиз эса умуман аёл кишининг шаънига тўғри келмаслигини, қизалоқларнинг ўрнида эртага ўзимизнинг болаларимизни ҳам кимдир шундай тунаб кетса, қандай аҳволга тушишимизни ўйлаб, сиқилиб кетяпман. Озодликка чиқсам, уйда ўтириб бўлса ҳам ишлайман, болаларимни бир зум ҳам ёлғизлатмайман. Турмуш ўртоғимизнинг, қариндошларимизнинг олдида юзимиз шувит бўлди. Энди қандай бош кўтариб юрамиз, билмайман...”

* * *

“Шароб текин бўлса, ҳамма ичар, текинхўр виждонидан кечар” дейди донишмандларимиз. Жамиятимиздаги бундай текинхўрларнинг виждони қийналмасмикин? Тез орада хат орқали дийдорлашгунча, дугонажон.

Кейинги хатимда ашула гуруҳида танишиб қолган Одина опа тўғрисида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2010 йил 18 декабрь

СОХТА ХОДИМАНИНГ ҚИЛМИШИ

Хат ҳам ярим дийдор экан. Мактубингизни ўқиб, худди сиз билан гаплашгандай бўлдим. Раҳмат. Шунанга тез-тез ёзиб туринг. Мен ҳам сизга бу ердагиларнинг қилган қилмишлари ҳақида ёзиб юбораман. Бу гал Одина опанинг бировларни алдайман деб, ўзи чув тушганлигини ёзиб юборяпман.

* * *

“...Кунларнинг бирида Шамсия опа деган аёл билан танишиб қолдим. У ёлғизгина ўғлининг солиқ соҳасида ўқишини жудаям истаган экан. Аммо ўғли Солиқ коллежига ўқишга кира олмабди. Тушкунликка тушиб юрган вақтида улар билан тасодифан учрашиб қолдим. Аёл менга бутун дардини тўкиб солди. Ўша пайтда мен ҳеч қаерда ишламасдим, пулга муҳтож эдим. Шунинг учун аёлни чув туширмоқчи бўлдим.

— Мен “коррупция” ходимасиман. Солиқ коллежиде Зафар деган дўстим ишлайди. Фақат “мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди” деганларидек...” дея бармоқларимни бир-бирига ишқалаб сўзимда давом этдим мен. — Ҳамма дарднинг давоси пул, опажон, пул.

— Болам учун ҳамма нарсага тайёрман, синглим. Фақат қанча бўлишини айтсангиз бас. Етса молим, етмаса жоним-да, — деди у мардларча.

— Опажон, менга бир сўм ҳам пулингиз керак эмас. Минг доллар олиб келсангиз етади. Пулингизнинг ҳаммасини Зафар дўстимга бераман. Кейин ўғлингиз бемалол ўша коллежда ўқийверади, — дея аёлнинг соддалигидан фойдаланиб уни аврай бошладим.

Онаизор гўёки ўгли эртадан ўқишга бораётгандек севиниб кетди. Тезда айтилган пулни йиғишга киришди. Қарз олиб бўлса-да, бир ҳафтага қолмай менга айтган пулларимни етказди.

Афсуски, Шамсия опанинг ўгли талаба бўлолмади. Онанинг орзуси саробга айланди. Чунки мен унинг пулларини ўз эҳтиёжларим учун ишлатиб юбордим. Содда ва гўл аёлни эса “ишингиз эртага, индинга би-тади”, дея алдаб юрдим.

Бир куни мен такасалтанг танишим Қамар билан режа тузиб, Яккасарой туман ҳудудидаги тўқимачилик комбинати олдида жойлашган Ипотека банкнинг Тошкент шаҳар бошқармасига қарашли валюта айир-бошлаш шохобчасидан давлат курси бўйича доллар олиб, “қора бозор” курсида қиммат нархларда сотиш билан шуғулланувчи одамларга ўзимизни “Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимларимиз” деб таништирдик.

— Долларларни “қора бозор”га чиқариб сотаётганликларингиз тўғрисида бизда маълумотлар бор. Бу ҳолат юзасидан чора кўришимиз лозим. Агар истасанглар, ҳеч қандай чора кўрмасдан ишларингизни “босди-босди” қилишимиз мумкин. Бунинг учун бизга ҳар ойда олинадиган саккиз минг долларнинг давлат нархи билан “қора бозор” курси ўртасидаги фарқни берасиз. Шундагина биз валютафурушлик фаолиятларингизга “ҳомий”лик қиламиз”, — дедим.

— Хўп, хўп бўлади, — деди бизга бошдан-оёқ разм солган Туйғун деган йигит.

Туйғун ўша куниёқ таниши Шаҳзоднинг ёнига бориб унга бугунги бўлган воқеани гапириб берибди.

Кейин икковлон бизнинг ёнимизга келишди.

— Сизлар айтган пулларни мен топиб беришга қийналаман. Яхшиси, айтган пулларингизнинг ярмини бера қолай, — деди Туйғун.

— Йўқ. Бизнинг айтганимизни бажарасан. Душанба куни учрашамиз. Пул тайёр бўлсин, — деди шеригим Қамар. Шундан сўнг улар кетишди.

Туйғун нима қилишини билмасдан боши қотибди. Сўнгра бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериб, биз билан бўлиб ўтган сўзлашув ёзилган диктофонни ҳам тақдим этибди.

Шундан сўнг унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари диктофон тақдим этишиб, биз билан учрашганда ёзиб олишини тайинлашибди.

Бундан беҳабар мен эртаси куни Туйғунга қўнғироқ қилиб, “Халқлар Дўстлиги” майдони олдида учрашишни келишиб олдим. Айтилган вақтда улар етиб келишди.

— Ҳақиқатан ҳам сизлар Тошкент шаҳар коррупция бўлими ходимларимисизлар? — дея бизни саволга тутди Туйғун.

— Биз шаҳар Департаментиданмиз, — дедим мен.

— Кечагина коррупцияда ишлаймиз, деб айтгандингиз-ку! — дея яна савол берди Туйғун.

— Шаҳар коррупциясида “ака” ишлайди. Хоҳласангиз, суриштиринг. Коррупцияга ҳам жавоб бераман, — дея ҳеч нарсани ўйламасдан катта гапириб юбордим.

— Узр, бугун шохобча ишламади. Ишлаган заҳотиёқ айтган пулларингизни қилиб бераман, — дея бошини қўйи эгди Туйғун.

— Нима? Ўйин қиляпсанми? Агар айтган вақтга айтганимни қилиб бермасанг шохобчада бир кун ҳам

ишлатмайман, — дея унга дўқ қилдим худди ростакам коррупцияда ишлайдиган ходимдек.

— Хўп, хўп. Тушдан сўнг шохобча ишласа, албатта, айтганингизни бажараман, — дея Туйғун кетди.

У яна ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига мурожаат қилибди. Ходимлар унга қиладиган ишини обдон тушунтиришибди.

Шундан сўнг Туйғун биз билан кўнғироқлашиб “Централ” кафесида учрашишга келишиб олди.

Ўша куни орган ходимлари ҳам холислар билан бизни бир четдан кузатишаётган экан. Аммо кафега Қамарнинг битта ўзи борди. Туйғундан пулни олишга чўчиб ташқарига чиқишни маслаҳат берибди. Кафени тарк этишгач, у менга кўнғироқ қилиб, Туйғун билан гаплаштирди.

— “Подставка” эмасми? Бир ўзингиз келдингизми? Агар битта ўзингиз келган бўлсангиз пулларни ёнингиздаги шеригимга бераверинг, — дедим мен.

Қамар пулларни чўнтагига солгач, Туйғунга юзла-ниб департаментга боришини айтибди.

Айни шу пайтда Туйғун орган ходимларига ишора берибди. Шу заҳотиёқ орган ходимлари холислар билан биргаликда келиб, текширув эълон қилиб, Қамарнинг чўнтагидаги минг долларни далилий ашё тариқасида олиб қўйишиб, ўзини идорага бошлаб кетишибди. Шу зайлда мен ҳам уларнинг ҳузурига етиб бордим.

Худди ўша куни берган пулларини ололмай юрган жабрдийда аёл Шамсия опа ҳам ариза билан менинг устимдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига мурожаат қилган экан. Бу эса ўлганнинг устига тепган бўлди.

Шундай қилиб, суд бизни озодликдан маҳрум этди.

Хуллас, етган жойимиз симтўрлар орти бўлди. Қилган ишимдан пушаймон бўляпман. Одамларни алдаб, чув туширмасдан, ўзим бирор жойга ишга кириб ишласам бўлмасмиди, дея ўз-ўзимга савол бераман. Худо хоҳласа бу ердан чиқсам бу хатони бошқа такрорламайман...”

* * *

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишган Раиса хола ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб Адолат.

2011 йил 5 январь

ҚИЗЛАРНИ ДУБАЙГА СОТГАН АЁЛ

Бу мактубим шамолдек елиб кўлингизга тезроқ тушишини истайман. Кеча Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметова билан учрашув бўлди. Бу аёлни қанчалар яхши кўришимни фақат ўзим биламан. У худди онамга ўхшайди. Бирам гап-сўзлари маъноли. Бизни қизиқтирган барча саволларимизга жавоб берди. Кўшиқлар айтиб, кўнглимизни чоғ қилди. Бундай учрашувлар бу ерда тез-тез бўлиб туради. Дугонажон, ваъда қилганимдек, бу гал сизга Раиса хола ҳақида ёзиб юборяпман. Улар қандай айтган бўлса, шу ҳолида қоғозга туширдим.

* * *

“...Мен учта фарзандимни битта ўзим отасиз вояга етказдим. Чунки турмуш ўртоғим автоҳалокат туфайли вафот этганди. Тўнғич қизим Рушана тақдир тақозоси ила БАА давлатининг Абу Даби шаҳрига турмушга

чиқди. У ерда қизим бой-бадавлат бўлиб кетиб, эри билан биргаликда қаҳвахоналар очишди.

Кунларнинг бирида у мени кўргани кўлидаги қизалоғи билан Тошкентга учиб келди.

— Ойижон, иложи бўлса боламни сизга ташлаб кетсам. Ўзингиз унга бир оз қараб турсангиз, — деди ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач қизим Рушана.

— Ғалати гапларни гапирасан-а, қизим. Ундан кўра энага ола қол. Боланг ҳам тинч, сен ҳам тинч бўласан, — дедим унинг гапидан бир оз ранжиб.

— Ишончли энагани қаердан топаман? — дея у менга жавдираб қаради.

— Бундан сираям хавотир олма. Ўзим сенга меҳнаткаш, итоатгўй, содда, қишлоқ қизларидан топиб бераман. Яқинда Оққўрғон туманига, бир фолбинни кига боргандим. Кўшнисининг чиройли, ақлли дастёр қизлари кўп экан. Бир оғиз айтсам “йўқ” дейишмайди. Истасанг, ҳозироқ ўшанинг қизларидан бирини олиб келаман, — дедим ҳозиржавоблик билан.

— Майли, ойижон. Сиз барибир мен учун қайғурасиз-да. Сиздан бошқа меҳрибонни қаердан ҳам топардим, — деди қизим хурсанд бўлиб.

Эртаси куниёқ мен Оққўрғонга бориб, Ирода исмли, кўҳликкина, йигирма ёшларга кирган қизни уйимизга олиб келиб, қизим билан таништириб қўйдим.

— Онаси билан гаплашиб, розилигини олиб келдим. Ойига доллар ишлаб келса ёмонми? Ахир, бундай пулларни улар тушида ҳам кўришмаган, — дедим қизимга.

Шундан сўнг Рушана қизалоғини Ироданинг кўлига топширди. Улар биргаликда Абу Дабига учиб кетишди.

Ирода бир ҳафталар Рушананинг боласига энагалик

қилди. Сўнгра қизимнинг режасини ўзгартирдим. Уни фоҳишалик қилишга мажбур қилдирдим.

— Йўқ, ўлсам ҳам бундай ишни қилмайман! — дея йиғлабди Ирода.

— Шундай қиламанки, ўзинг рози бўлганингни билмай қоласан, — дея уни қизим бир араб йигитига ўласи қилиб урдириб, қўрқитибди. Паспортини олиб қўйибди. Қизгина бу ердан чиқиб кетолмаслигига кўзи етгач, ноилож Рушананинг айтганларини қилишга мажбур бўлибди.

— Сени бу ерга олиб келгунимча ўн минг доллар сарфлаганман. Токи шу пулларни ишлаб бермагунингча бу ердан кетишни ўйламагин, — дея уни икки йил мобайнида бир ижарахонага олиб бориб фоҳишалик қилишга мажбурлади.

Менинг кейинги тузоғимга соддагина Фаёза илинди.

— Қизим, Дубайга борсанг кам бўлмайсан. У ерда боламнинг кафеси бор. Ўзбек қизларидан официантка керак деганди. Сиз менга ёқиб қолганингиз учун бу таклифни айтяпман. Бўлмаса у ёқларга бораман деганлар қанча? — дея қизгинани аврадим.

Фаёза менинг гапларимга лаққа тушди. Мен уни айланма йўллар орқали Ўзбекистондан Қозоғистонга танишларим орқали ўтказиб юбордим. Танишларим эса уни Қирғизистонга ўтказиб, Дубай шаҳрига учуриб юборишди. Дубайда қизим Рушана уни ширинсуханлик билан кутиб олибди. Эртаси куниёқ унга фоҳишалик билан шуғулланишини айтибди.

— Гапингизга тушунмадим. Онангиз менга қизимнинг кафесида официантка бўлиб ишлайсан деганди, — дея Фаёза бу таклифдан довдираб қолибди.

— Бу ерда сенга бошқа иш йўқ. Шунинг учун ме-

нинг айтганларимни қилишга мажбурсан. Чунки онам сенинг келишингга қанча пул сарфлади. Ўша пулларни ишлаб беришинг шарт! — дея қизим унинг паспортини қайтариб бермабди.

Икки ой мобайнида Фаёза ноиложликдан унинг айтганини қилиб, фоҳишалик билан шуғулланибди. Рушананинг ишончига кириб олгач, ўзи кўчадан мижоз топиб келишини баҳона қилиб маҳаллий ички ишлар идорасига бориб мурожаат қилибди.

Шундан сўнггина алданган қизлар Ўзбекистонга қайтишга мушарраф бўлишибди. Бу ерда улар тегишли идораларга устимдан шикоят ариза ёзишиб, менга нисбатан қонуний жазо тайинлашларини сўрашибди.

Бу қилмишим учун озодликдан маҳрум қилишди. Қариган чоғимда хор бўлдим. Аслида менга нима етмаётганди? Пул кўзимни кўр қилган экан. Гулгунчадек қизларни сўлдирдим. Уларнинг ўрнида менинг ҳам қизларим бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаган эканман. Пушаймонман, пушаймон!..”

* * *

Дугонажон! Қарилик гаштини суриб, неваралар ардоғида ўтириш ўрнига фарзанди тенги қизларни алдаб сотган бу аёлни энди ким деб аташимиз мумкин, ким?!

Кейинги хатимда ошхонада рўпарамизда ўтириб овқатланадиган Каримахон опа ҳақида ёзиб юбораман. Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 14 январь

ВАЪДАСИДА ТУРМАҒАН АДВОКАТ

Ассалому алайкум, дугонажон! Ўқишлар билан чарчамасдан юрибсизми? Маза қилиб талабалик олгин

даврингизни суряпсизми? Сизга ҳавасим келади. Қанийди, мен ҳам сизларга қўшилиб ўқиганимда эди. Барчасига ўзим айбдорман. Ўқишга қизиқмадим, келажакимни ўйламадим. Оқибатда жоҳиллик қилдим. Мана энди азобини тортиб ўтирибман. Ҳа айтганча, мен ўқимишли инсонлар инсофли, диёнатли бўлади, деб ўйларканман. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, зиёлиларнинг орасида ҳам диёнатсизлари учраб тураркан. Шулардан бири адвокат Каримахон опа. Келинг, яхшиси, унинг қилмишини ўзининг тилидан сўзлаб берай.

* * *

“...Институтга кўп тайёргарликлар кўриб, кейин кирганман. Орзуим ҳақиқатгўй, адолатпарвар адвокат бўлиш эди. Орзуларим бирин-кетин амалга оша бошлади. Мана шу орзуларимни деб, уйимизга келган қанчадан-қанча совчиларни ортига қайтардим. Кейин эса совчилар эшигимизни ҳатламай ҳам қўйишди. Мен бундан хурсанд, онажоним эса хафа эди. Тўғриси айтсам, кўнглимга ёқадиган йигитни учратмадим, топмадим. Бор диққат-эътиборимни ишимга бағишладим.

Кўп вақт ўтмай “Каримахон — Адвокат” фирмасининг директори бўлдим. Ҳузуримга одамлар нажот истаб келишарди. Бошида уларга астойдил ёрдам бердим. Кейинчалик эса нафс гирдоби мени ўз комига торта бошлади. Оқибатида қонунни яхши билсам-да, жинойтга қўл уриб, тегишли жазоимни олдим. Кейин яна ҳеч нарса бўлмагандек ишимни давом эттириб юравердим. Менинг судланганлигимни эшитган таниш-билишларимга “ноҳақлик бўлди, оқландим”,

дея ўз айбимни бекитдим. Мен адвокатлар ичида зўр адвокат бўлмоқчи эдим.

Чўкаётган одам қандай қилиб бўлмасин сувдан чиқиш учун, ҳаттоки, хасга ҳам ёпишади, деган гап бор. Жиноят қилиб қўйган ёшларнинг ортидан уни қутқариб қолиш учун ўзини ўтга, чўққа урадиган ота-оналар бисёр. Чунки у жиноятнинг жирканч кўчасига кирган бўлса ҳам фарзанди-да. “Қўнғиз боласини оппоғим, типратикон юмшоғим деркан” деганидек Севдоранинг ўғлига жиноят иши бўйича эҳтиёт чораси қамоқ қўлланилиб, судланувчи тариқасида ўтаётганди. Онаизор нима қилишини билмай яқинларига, қариндош-уруғларига маслаҳат солибди. “Битта ўз ишини зўр биладиган адвокат ёлласанг, ҳаммаси изига тушиб кетади” дейишибди улар. Кимдир мени тавсия қилибди.

Шундан сўнг у “Каримахон – Адвокат” фирмаси директори бўлмиш, яъни менга мурожаат қилди.

— Пул бўлса — чангалда шўрва, дейдилар. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложиси бор. Мен сизга, албатта, ёрдам бераман. Ўғлингиз тез кунда қамоқдан чиқиб кетади. Бунинг учун жиноят иши бўйича зарарни қоплаш лозим. Ўн минг долларни туман суди депозит ҳисоб рақамига қўйиш керак. Сиз менга айтилган пулларни олиб келиб берсангиз, ишимиз осонгина ҳал бўлади, — дедим соддагина аёлни авраб.

Севдора ўғлини қамоқдан чиқариб олиш умидида тезда уйига ошиқди. Бу ҳақда турмуш ўртоғини ҳам хабардор қилди. Улар маслаҳатлашиб, қариндош-уруғлардан қарз олишди. Айтилган доллар тўплангач, Севдора дарҳол менга қўнғироқ қилди. Биз Ялонғоч мавзесида учрашадиган бўлдик. У ерга Севдора турмуш ўртоғи

билан биргаликда келди ва ўз қўллари билан ўн минг долларни менга топширди.

— Тез орада ўғлингиз уйингизда бўлади. Сираям хавотирланманг, — дея улар билан хайрлашиб, ўз йўлимдан кетдим.

Ота-оналар менинг ортимдан худди елкаларидан тоғ ағдарилгандек қараб қолишди. Мен қонунни яхши билсам-да, аммо Севдора Нурованинг ўғли Абубакир Нуровнинг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш мақсадида шартнома тузмадим, расмий равишда иштирок ҳам этмадим. Фақатгина Севдоранинг мулкини қўлга киритиб, пулларини ўз эҳтиёжларимга ишлатиб юбордим.

Суд бўлиб ўтди. Абубакир Нуров қамалиб кетди. Бундан ажабланган Севдора йиғлаганича менга берган пулларни суриштирди. Афсуски, бу пуллар суднинг депозит ҳисоб рақамига топширилмаганлигини билиб қолди.

Азият чеккан онаизор мендан пулларини қайтариб беришни талаб қилди. Аммо мен разиллик қилиб унинг пулларини қайтармадим.

Ноилож қолган Севдора менинг устимдан ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилибди. У аёлни бундай қилади деб ўйламагандим. Чунки у кўзимга жудаям содда ва гўл бўлиб кўринганди.

Шундан сўнггина менинг пайтавамга кўрт тушди. Пулларни қайтариб бермасам оқибати ёмон бўлишлигини билардим. Чунки худди шундай ишларга адвокатлик қилганман. Доимо кўрилган ишлардан ютиб чиқардим. Ўзимга яраша обрўйим бор эди. Йиллаб йиққан обрўйимни йўқотмаслик мақсадида танишларимдан қарз кўтариб, жабрланувчиларга олган пулларини қайтариб бердим.

Бироқ аввал ҳам жинойтга қўл уриб, тегишли жазоимни олгандим. Аммо “Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур” деганларидек нафс балоси мени яна жинойтнинг кўчасига етаклади.

Қилган ишимдан афсусдаман...”

* * *

Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади, дейди доноларимиз. Қонунни яхши била туриб яна жинойтга қўл урган инсонни ким деб аташимиз мумкин?..

Кейинги хатимда тикувчилик цехида чевар номини олган Тахмина опа ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2011 йил 25 январь

ҚУЛФУРУШ АЁЛ

Салом, дугонажон! Омонмисиз? Чопқиллаб, ўйнаб-кулиб, ота-онангиз бағрида яйраб-яшнаб юрибсизми? Сизларнинг оилангизга доим ҳавасим келади. Ота-онангиз ўқимишли, зиёли инсонлар. Камига барчангизнинг илм олишингизни истаб олийгоҳларда ўқитяпти. Мен ҳам, Худо хоҳласа, турмушга чиқсам, албатта, фарзандларимни ўқимишли қиламан. “Олим бўлсанг, олам сеники” деган гап бежизга айтилмаган экан. Ўқиганлар доим ўқимаганлардан бир поғона юқорида юришади. Уларнинг ўзини тутиши, фикрлаши ҳам бошқача. Хуллас, менинг профессор дугонагинам, мен учун ҳам ўқинг. Менинг армонларимни чил-чил синдиринг. Гап билан овора бўлиб, сизга Тахмина опа ҳақида ёзиш сал қолибди эсимдан чиқишига. Ўқинг, курсдошларингизга ҳам ўқиб беринг. Токи бундай аёлларга алданиб қолмасинлар.

Халқимизда “Ўзга элнинг қозиси бўлгандан, ўз элнинг тозиси бўл” деган нақл бор. Аммо ҳамма ҳам бу нақлга амал қилавермас экан. Бошқа жойда долларда маош бераркан, дейишса, қанақа ишлигини ҳам суриштирмасдан борадиганлар бор экан.

* * *

“...Икки йил Қозоғистоннинг Чимкент вилоятида ишлаб келдим, — дейди Тахмина опа бизга бир-бир қараб. — Бошида бир оз қийналдим. Аммо қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганларидек у ердаги иш берувчиларга лаганбардорлик қилиб, ўзим яхши ишга ўтиб олдим. Ишламасдан ҳам пул топиш режаси мени кечаю кундуз ухлагани йўл қўймади. Ниҳоят режа устида бош қотириб, ўзим яшайдиган қишлоққа янги ишчилар олиб кетгани келдим.

— Намунча кўринмайсан? У ёқдан тилла топдингми дейман? — дея танишларим мен билан ҳол-аҳвол сўрашишди.

— Тикув фабрикасида ишляпман. Ишлайман дейдиганлар бўлса олиб кетишим мумкин. Ойига, ким яхши ишласа, беш юз долларгача маош олади. Йигитлар учун фишт заводида иш бор. Ойига тўққиз юз доллардан беришади, — дея танишларимнинг оғзини ланг этиб очиб қўйдим, керилиб.

— Вой, ростданми? Ундай бўлса бизларни ҳам бирга олиб кетинг, — дейишди қишлоқдошларим.

Уларни осонгина ўзимнинг фириб қармоғимга илин-тирганимга қойил қолиб, қувониб кетдим. Дарҳол ишга киришдим.

Дастлаб бешта танишимни Ўзбекистоннинг чегарасига етакладим. Уларни чегарадан олиб ўтгач, дарҳол пас-

портларини олиб кўйдим. Чимкентдаги Топтус қишлоғидаги қурилиш ишига жойлаштирдим.

— Паспортимиз ўзимизда тура қолсин, — дея менга паспортларини ишонқирашмади танишларим.

— Рўйхатга кўйдирган заҳотиёқ паспортинглар кўлларида бўлади. Ўн кун ишлаганларингдан сўнг уйлариингга, албатта, юз доллардан жўнатасизлар. Меҳнатдан қочмасанглар ойига тўққиз юз доллар нақд санаб бераман, — дея уларнинг кўйинини пуч ёнғоқ билан тўлдирдим. — Сизларни бугундан бошлаб Қайрат ишлатади, дея жуфтакни ростладим.

Орадан ўн кун ўтгач, танишларим мендан аванс пулларини талаб қилишди.

— Бетон ишларини тугатганларингдан сўнг Қайрат, албатта, иш ҳақларингизни беради. Озгина сабр қилинглар, — дея алдадим уларни.

Кўпроқ пул оларканмиз, дея улар бир кунда ўн икки-ўн уч соатлаб ишлашди. Иш тугагач, мен йигитларнинг орасидан Маҳмудни ўзим билан бирга бошқа жойга ишга олиб кетдим. Қолганлар эса яна шу ерда ишларини давом эттирди. Қайрат билан мен бир неча маротаба уларнинг ёнига келиб “Уйлариингга телефон қилиб айтинглар, эртага икки юз доллар жўнатасизлар” дея алдадик.

Ахийри тоқати-тоқ бўлган йигитлар бизлардан бир сўм ҳам ололмаслигига фаҳми етгач, қочишдан бошқа иложи қолмади. Чунки кундан-кунга иш оғирлашиб ейиш-ичишнинг тайини бўлмаётганди. Бир амаллаб тўрт йигит яширин йўллар орқали Ўзбекистонга қочиб кетишди. Бунини билиб қолган Қайрат Маҳмуднинг ёнига бориб унга ўшқирди:

— Амакиларинг қани? Улар қаерга қочиб кетганини фақат сен биласан? Айт! — дея уни ўласи қилиб

урди. Кейин у менга юзланди. — Қочиб кетган одамларингнинг ўрнига одам топиб келасан ёки улар учун олган пулингни қайтарасан!

Бу гапдан жаҳлим чиқди. Маҳмудни тепкилаб ташладим. Бунга ҳам қаноат қилмай унинг қўл-оёғини боғлаб қўйиб, уйига телефон қилдирдим. Отаси ва амакиларини сўрашни буюрдим. Кейин ўзим Маҳмуднинг отасига ўғлини қўйиб юбориши учун 600 доллар жўнаиб юборишини айтдим.

Шундан сўнг Маҳмудни кундуз куни роса ишлатиб, кечкурун қочиб кетмаслиги учун қўл-оёғини боғлаб қўйдим. Ота бечора боласи учун елиб-югуриб, қарз олиб, қозоғистонлик Дусим деган йигит орқали 40.000 қозоқ тенгеси бериб юборди.

Мен Маҳмудни қўйиб юбордим. Аммо ишлаган иш ҳақини умуман бермадим. Бешаласининг ҳам ойлик маошини ўзим олдим.

Май ойларида мен яна ҳеч нарса бўлмагандек бемалол Шаҳрисабзга қайтдим. Энди аёлларни ҳам олиб кетмоқчи бўлдим. Танишим Роҳатга ишим зўрлигини, уч-тўртта одам бўлса олиб кетишимни айтиб мақтандим.

Менинг гапларимга ишонган Роҳат дарҳол дугонаси Ҳалиманинг олдига борибди.

— Дугонажон, танишим Қозоғистонда яхши ошпазлик иши борлигини айтяпти. Ойига ўттиз минг қозоқ тенгесида тўлашаркан. Ётоқ жой ва бошқа шароитларни қилиб бераркан. Хоҳласанг, турмуш ўртоғингни ҳам олвол. Бирга борамиз, — дебди Роҳат.

— Хўжайиним билан маслаҳатлашай, эртагаёқ жавобини айтаман, — дея унинг бу таклифидан қувонибди Ҳалима. Эри келган заҳотиёқ иш ҳақида оғиз очибди. Турмуш ўртоғига ҳам бу таклиф ёқиб қолибди.

Индинига мен олти киши билан Чимкентга йўл олдим. Уларни гишт ишлаб чиқарадиган заводга жойлаштирдим. Паспортларини олиб қўйдим.

— Кетадиган вақтларингиз ўзим бераман, — дея уларни тинчлантирдим.

У ерда Ҳалима билан Роҳат ошпазлик ва фаррошлик юмушларини бажарди. Турмуш ўртоқлари эса гишт заводига юк ташувчи бўлиб ишга киришди. Икки ой ишлаганидан сўнг Роҳатнинг турмуш ўртоғи касал бўлиб қолди. Шунинг учун улар ноилож уйларига қайтадиган бўлишди. Менга бир ойлик пулини иш жойидан олиш тўғрисида тилхат ёзиб беришди.

Мен уларни кузатгани чиқдим.

— Роҳат, пулларингизни менга беринг, уларни доллар қилиб бераман. Чунки бунча кўп пул билан чегарадан ўтолмайсизлар, — дея уларнинг ёнидаги 65000 қозоқ тенгеси ва “Нокиа” телефонини олиб қўйдим.

— Чегарадан ўтган заҳотингиз пулингизни ва телефонингизни қайтараман, — дедим унга.

Улар Қоплонбек пости орқали Ўзбекистон чегарасига ўтишди. У ерда беш соат мени кутишди. Аммо мендан дарак бўлмагач, ноилож уйларига қуруқ қўл билан қайтишди.

Мен эса бу пайтда яна Шаҳрисабзга қайтиб бошқа Сув-Султон қишлоғида яшайдиган танишларимдан учтасини Қозоғистонга олиб бориб, сотишга улгурдим.

Кейинги гал мен саккизта йигитларни ва аёлларни олиб бориб, паспортларини олиб қўйиб, уларни оғир меҳнат қилишга мажбурладим. Иш ҳақларини бермасдан ўзим олиб, эҳтиёжларимга ишлатиб юбордим.

Мен жами йигирма бешта одамни, айримларини ўн

саккиз ёшга тўлмаганлигини билганим ҳолда, улардан қурилиш ишларидан фойдаланиш учун Ўзбекистоннинг чегарасидан олиб ўтиб, паспортларини олиб қўйиб, зўрлик ишлатиб, кўрқитиб, иш ҳақларини ўзим олдим.

Суд мени жабрланган йигирма беш кишига етказган зарарни ундиришни ва саккиз йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилишни лозим деб топди.

Бу ерда ўтириб ўйлаб, қилган ишимдан пушаймон бўлиб кетяпман. Ўз юртдошиларимни сотдим-а?! Қанчалик разиллик қилдим. Энди виждоним қийналяпти...”

* * *

“Тегишмагин кўпга, тенг бўласан чўпга” деган экан машойихлар. Тахмина опанинг қадр-қиммати бир чўпчалик ҳам бўлмади. У ўз юртдошларини Қозоғистонга қул қилиб сотиб, бойиб кетмоқчи эди. Афсуски, унинг ўйлаган режаси пучга чиқди.

Кейинги хатимда ашула гуруҳимизда биз билан биргаликда қўшиқ айтадиган Рухшона Дагарова ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб ғойибона кучиб қолувчи дугонангиз.

2011 йил 2 февраль

НАФС БАНДАСИ

Омонмисиз, дугонажон? Хатингизни олдим. Ҳеч бир хатимга эътиборсиз бўлмаганингиз учун раҳмат. Ҳаттоки, ўз фикрларингизни, муносабатингизни ҳам аччиқ бўлса-да, ёзибсиз. Одамнинг оласи ичида деганларидек бу дунёда яхши ва ёмон одамлар бор экан. Бирини кўриб шукр қилсак, яна бирини кўриб фикр қиламиз.

Курсдошларингиз ҳам ақлли, доно, зийрак эканлар. Уларнинг хулосаларини ҳам ёзибсиз. Маза қилиб ўқидим. Билмаганларимни билиб олдим. Бу дунёга тийрақроқ нигоҳ ташлашни ўрганяпман.

Орамизда шундай инсонлар ҳам учраб турарканки, улар мансаб курсисига ўтиришганида нафсини жиловлай олмай қоларканлар. Шундайлардан бири бизнинг рўпарамиздаги камерада ўтирадиган Рухшона Дагаровадир. Унинг қилмиши ҳақида ўзининг тилидан қилиб ёзиб юборяпман.

* * *

“...Оиламиз каттагина эди. Ота-онам барчамизни институтларда ўқитишга қурби етмасди. Оиланинг кенжатоғи бўлганлигим учун мен эрқароқ ва тантиқроқ қиз эдим. Ота-онамга хархаша қилиб, хоҳлаган нарсамни олдираддим. Опаларим ва акаларим мактабда яхши ўқишгани учун мен ҳам тиришқоқлик билан ўқиб, аълочи бўлишга интилардим. Аммо синфдош дугоналаримнинг кийинишлари, танаффусларда мактаб буфетига кириб бир нималар олиб ейишлари доим ҳавасимни келтирарди. Гоҳида уйга келиб онамга “мен ҳам дугоналаримга ўхшаб мактаб буфетидан нарса егим келяпти! Пул беринг, пул!” дея хархаша қилардим. Онам аввалига хўп дерди-да, эрталаб яна ҳаммамизга нон орасига бир донадан кесилган колбаса ёки пишлоқ кўйиб, пакетчаларга ўраб бераверарди. Мен гоҳида аразлаб егуликни олмасдан мактабга кетардим.

“Гадой аразласа тўрвасига зиён” деганларидек ўша куни мен оч қолардим. Эртаси куни ҳамма қатори индамасдан онам тайёрлаган егуликни сумкамга со-

либ жўнардим. Ўзимча пулим кўп бўлишини орзу қилардим.

Институтда ўқидим. Ишга кирдим. Оила қуришга шошилмадим. Чунки ўзимга қойилмақом сеп йиғмоқчийдим.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманидаги боғчалардан бирига мудира бўлиб ишга тайинландим. Шундан сўнг ҳузур-ҳаловатимни йўқотдим. Ўз вази-фамни била туриб, қинғир йўллар билан пул топиш-ни ўйладим.

Сўнгра ўйлаб қўйган режамни амалга оширдим. Мен танишларим Муаттар Сатторовани тарбиячи, Дилнура Асадовани ошпаз, Нуржаҳон Шавкатова ҳамда Гулсанам Ҳотамоваларни эса кир ювувчи қилиб ишга қабул қилдим. Аслида буларнинг бирортаси ҳам мен мудира-лик қилаётган боғчамда ишламасди.

Мен лавозимимдан фойдаланиб юқоридаги тўртта ходимларни шу даргоҳда ишлаётганлиги тўғрисида ке-ракли бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб, бу сохта маълумотлар киритилган ҳужжатларни молия ва бошқа давлат идораларига тақдим этдим.

Бу ходимларнинг ойлик маошларини ўзим олдим. Чунки менга кўп пул керак эди. Яхши еб ичишни, чиройли, қимматбаҳо кийим-кечаклар кийишни ёқтирардим.

Боғчамдаги ҳисобчи Забаржад Акбарова ва кассир Бахшанда Икромовалар бу тўртта ходим бу ерда иш-лаш ёки ишламаслигини аниқ билишмасди. Шу дар-гоҳда ишлаётган тарбиячи Дилсора эса “Карлсон” гу-руҳига Муаттар Сатторовани ойига бир-икки маротаба келиб-кетганини кўрганди, холос.

“Карлсон” гуруҳида тарбиячининг ёрдамчиси бўлиб

ишлайдиган Мунавварга мен тарбиячи вазифасини ҳам юклаб қўйгандим. Сохта тарбиячи Муаттар бўлса ҳар ойда ведомостга қўл қўйиб, олган пулидан бир қисмини Мунавварга бериб турарди.

“Ойни этак билан ёпиб бўлмайдди” деганларидек менинг бу ишимни ҳам бекитиб бўлмади. Натижада бу “сир” фош бўлди. Ишламасдан фақатгина ведомостларга қўл қўйган тўртовлон ҳам ўз айбларини бўйнига олишди ва ишдан бўшаш тўғрисидаги аризани ёзишди.

Менинг нафсим ўпқонлиги, гирдобга тушиб қолиб чиқиб кетолмаганим, бирор киши билан маслаҳатлашмай шундай нотўғри йўл тутганим панжаралар ортига етаклади. Қилган ишимдан қаттиқ пушаймонман. Бир сўм бўлса-да, ҳалол топиб еганга не етсин...”

* * *

Шунақа гаплар, дугонажон. Айримлар лавозими кўтарилса, босар-тусарини билмай қолишади. Мансаб ҳам вақтинча эканлигини унутишади. Ҳою ҳавасларга берилиб, пулнинг ортидан қувишади. Оқибатда жиноятга қўл уришади.

Кейинги хатимда Холниса опанинг қандай қилиб бу ерга келиб қолгани ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонанг Адолат.

2011 йил 19 февраль

ПИЧОҚ КЎТАРГАННИНГ ПУШАЙМОНИ

Ушбу хатим тез кунларда етиб боришини умид қилиб ёзаяпман. Соғинчли салом хат! Яхшимисиз, дугонажон? Барча тенгқурларимиз ўйнаб-кулиб юри-

шибдими? Дугоналаримизнинг тўйларига ҳам бориб турибсизми? Менинг номимдан уларга бахт тиланг. Синфдошларимиз ҳам уйланиш ҳаракатига тушиб қолгандир. Эсингиздами, битирув кечаси қилганимиз. Лобар учаламиз бозорга бориб, бозор-ўчар қилгандик. Сотувчилар билан роса талашиб-тортишгандик. Ўзи аслида талашиб-тортишиб савдо қилсангиз ўша ҳалол бўларкан. Буни биз билан бу ерда ўтирган Холниса опа айтди. Унинг ота-онасию қариндош-уруғларининг барчаси бозорда сотувчилик қилишаркан. Айтганча, унинг жаҳл устида иккита аёлни пичоқлаб қўйганлигини ўз оғзидан эшитдим. У йиғлаб гапириб берди. Буни ўзининг тилидан қилиб ёзиб юборяпман.

* * *

“...Умсиной неча йиллардан буён пойтахтимизнинг “Ширин” деҳқон бозорида савдо-сотик билан шуғулланади. У бозордаги ҳамкасблари билан бир зумда тиллаша оладиган аёллардан. Айниқса, ёнида савдо-сотик қиладиган менинг хўжайиним Шукур ака билан апоқчапоқ эди. Биз эру хотин шу бозорда савдо қилардик. Ишим чиқиб қолса, ўрнимга турмуш ўртоғим ўтирарди. Гоҳида бу аёлдан уни рашк ҳам қилардим. Бироқ сездирмасдим.

Яқинда мени деб уларнинг ораларига совуқчилик тушиб қолди. Чунки Умсиной синглиси Манзурани ҳам ёнига олволганди. Опа-сингил эрталабдан кечгача бозорда, кўли-кўлига тегмай савдо қилар, кеч тушгач эса пулларини санаб адо қилишолмасди. Тўғриси айтсам, мен уларга ҳасад қилардим. Қанчалик тиришмай, улардек савдо қилолмасдим.

Умсиной нохуш воқеа юз бермасдан олдин ўша

куни тушликка яқин бозорда деҳқон миждози билан тўрт кути олмани савдолашиб сотиб олди-да, пулини санашга тушди. Турмуш ўртоғим иш билан қариндошимизникига жўнаганди. Шундан сўнг ичимга шайтон кириб олди. Умсинойнинг рўпарасида турган деҳқондан олма олганлигини билиб, унга қараб луқма ташладим:

— Тарозига қарадиларингми? Бу аёл тарозидан уриб қолади. Кўп одамларни алдаган. Пулларингизни ҳам санаб кўринг. Кам чиқмасин, — дея аёлнинг қитиқ патига тегиб қўйдим.

Бу гапларни эшитиб Умсинойнинг жаҳли чиқиб менга юзланди:

— Нимага мени миждозларимга ёмонлаяпсиз? Савдоимга умуман аралашманг! Ўзи нимага менинг ишимга аралашасиз, кимсиз ўзи?! Ичингиз қозоннинг орқасидан ҳам қора экан-ку, билмай юрган эканман! Қанақанги ноинсоф аёлсиз! Қачон қараманг, бировларнинг савдосини бузишга ҳаракат қиласиз! Сал кўнглингизни кенг қилинг! Ҳамманинг ҳам бу бозорда ўз ризқи бор! Бу феълингиз билан қабристонга ҳам сиғмайсиз!

Ундан бундай ҳақоратни кутмагандим. Атрофимдагилар ялт этиб менга қарашди. Бу гапларни эшитиб дарғазаб бўлиб кетдим. Тилимга шу пайтда бирор-бир жўяли гап ҳам келмасди.

— Оғзингга қараб гапир, ифлос! Қачондан бери одам бўлиб қолдинг! Бозорда ишлаётганингга неча кун бўлди? Хоҳласам, сени бу ердан қорангни ўчириб юбораман! Истайсанми, шундай қиламан! Мен билан ўчакишма, исқирт! Кўзингга кўрсатиб қўяман! — дея шаллақилик қилдим.

— Отанг кимчи, онанг кимчи, ўтир, ўзингни чимчи,

деган экан машойихлар. Осмонни кўлингизда ушлаб турган бўлсангиз, устимизга ташлаб юборинг! Намунча кариллайсиз? Ердан чиққан кўзиқоринманми сизга?! — дея Умсиной яна бижирлай бошлади.

Унинг бу гапларидан қоним қайнаб кетди. У билан ади-бади айтишиб ўтирмасдан, важоҳат билан стол устида турган пичоқни олиб ваҳшийларча Умсинойнинг юзига урдим. — Мана сенга, мараз! Яна айт-чи! — дея бақирдим.

Бундай бўлишини кутмаган Умсиной юзини чангаллаганича додлаб юборди. Мен эса уни кўлига ҳам пичоқ билан урдим. Сал нарироқда савдо қилиб турган Манзура опасига ёрдамга етиб келди.

— Нима қилиб кўйдингиз? — дея мени сўроққа тутди жонкуяр синглиси.

Энди мен Манзурага ташландим. Аёл қочди. Мен уялмасдан ҳаммага текин томоша кўрсатиб, унинг ортидан қувиб бориб, Манзуранинг белига пичоқ билан урдим. Яхшиямки, шу ердаги одамлар бизни дарҳол ажратиб кўйди. Бўлмаса, уларни ўлдириб кўйишим ҳам ҳеч гап эмасди.

Икки-учта йигитлар кўлимни қайиришиб, пичоқни олишиб, ўзимни ўша ердаги милиция пунктига олиб боришди. Бўлган воқеаларни айтиб беришди. Опа-сингилларни эса “Тез ёрдам” чақиришиб, шифохонага жўнатишибди.

Шундай қилиб, судда қилган жиноятимга иқрор бўлдим. Саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Эндиликда бозорнинг маъносини англагандек бўляпман. Бозорни озор-зор-ор дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Бозорнинг озорлари, зори бор экан. Бу ерда ор тушунчасини унутиб қўярканмиз. Жаҳл

чиқса ақл қочар деганларидек, жаҳл отига миниб, қилган ишимиздан азият чекарканмиз. Яна бозорда шундай тоифадаги одамлар борки, уларнинг гап-сўзларини эшитсангиз уялиб кетасиз. Оғзи жудаям шалоқ, аёл бўла туриб эркакчасига сўкинади. Бозорда тарбия кўрмаган кўча болалари ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Одобни беодобдан ўрган деб шунга айтсалар керак-да.

Бир пайтлар мен ҳам оғир, босиқ, хушмуомала қиз эдим. Бозорга чиқиб, гап-сўзларим, хулқим ўзгарди. Бундан жудаям пушаймонман. Арзимаган гап-сўзни деб иккита аёлга ноинсофлик қилдим. Менинг қилган ишимни эшитганлар ўзларига тўғри хулоса чиқариб олишса яхши бўларди. Ҳеч ким жаҳл отига минмасин. Кейин аттанг, деб қолади. Турмуш ўртоғим ҳам мендан хафа. Тўрт боламни бўзлатиб бу ерларда ўтирибман. Қизим доим мени кўргани келганида “Ойижон, синглим сиз ҳақингизда ёмон хабарни айтганида курсдошларимнинг орасида ер ёрилмади ерга кирмадим. Сизнинг бу ерда ўтиришингиз биз учун ҳам иснод. Дугоналаримдан уяламан. Қариндошларимизникига ҳам боролмай қолдим. Барчаси сизнинг қамоқда ўтирганингизни юзимизга солишяпти! Ўйлаб иш қилсангиз бўлмасмиди? Энди бизнинг тақдиримиз нима бўлади? Онаси қамалиб чиққан, деган тавқи лаънат бўйнимизга осилладими? Сизнинг қамалганингизни эшитган бўлажак қудангиз, фотиҳамизни бузди. Берган нарсаларини олиб кетишди. Мен нима деган одам бўлдим? Маҳалладагилар “Яхши қиз бўлса фотиҳаси бузилармиди? Онаси ҳам уришқоқ аёл экан. Бир эмас, иккита аёлни пичоқлаб кўйибди. Шунақаям ваҳший бўладими? “Онасини кўриб, қизини ол” дейишган машойихлар.

Бежизга айтишмаган”, дейишяпти. Энди одамлар бизни ҳеч қачон келин қилишмайди. Ахир, бизнинг айбимиз нима?” дея аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкиб кетади. Боламни бахтсиз қилиб қўйганимга ўкинаман. Энди менинг қизларимни ким келин қилади, ким? Қилган ишларимдан жудаям афсусдаман...”

* * *

Онасининг айби, тўй бўламан деб турган қизнинг орзуларини саробга айлантирибди. Бу аёлнинг қилмиши оила аъзоларининг бошини эгган. Ҳеч ким шундай кўйга тушмасин.

Кейинги хатимда шу ерга келиб қолган Бинафша опа ҳақида ёзиб юбораман.

Дугонажон, омон бўлинг. Хатингизни интизорлик билан кутаман.

Сени соғиниб қолувчи Гулзода!

2011 йил 28 февраль

ЧУВ ТУШГАНЛАР

Ассалому алайкум, дугонажон! Аҳволларингиз яхшими? Хатларим билан зериктириб қўймаяпманми? Уйдагиларингизнинг барчаси, маҳалламиздагилар соғсаломат юришибдими? Мени сўраганларга соғинчли саломимни етказиб қўйинг. Ўқишлар билан чарчамайпсизми?

Энди мендан ҳол-аҳвол сўрайдиган бўлсангиз, яхшиман. Бу ерга ҳам кўникиб қолдим. Яхшиямки, иш бор. Кун қандай ўтганини билмай қоламиз. Бўш қолдик дегунча ҳамма ўзининг дардини айтиш билан овора. Гўёки, анча улғайиб қолгандек сезяпман ўзимни.

Бу гал ваъда берганимдек Бинафша опанинг қилмиши ҳақида ўзининг тилидан сўзлаб бераман.

* * *

“...Банклардан кредит берилаётганини эшитган Дилдора ўзини кўярга жой тополмай қолди. Дарҳол танишбилишларини ишга солиб, мен билан танишди. У сингисининг номига кредит расмийлаштирмоқчи бўлди.

— Албатта, сизга ёрдам бераман. Ахир, танишларим илтимос қилишибди-ку. Уларнинг гапини ерда қолдирсам уят бўлар, — дедим Дилдора билан учрашгач. — Асака банкининг Автотранспорт филиалидан эллик икки миллион сўм ипотека кредитини расмийлаштиришда ўша ерда ишлайдиган Сайфулло деган танишим кўмаклашади, — дея уяли телефоним орқали дарҳол у билан боғландим, гаплашдим.

Соддагина аёл менинг гапларимга чиппа-чин ишониб, бўлиб-бўлиб менга 3000 доллар ҳамда 12500000 сўм берди. Афсуски, шундан сўнг бу аёлни алдаб, берган ваъдамнинг устидан чиқмасдан юравердим.

Бу орада кредит олиш мақсадида банкка борган Бакир ҳам менинг тузоғимга тушиб қолди. Мен Бакирдан керакли ҳужжатлар билан бирга ишини тўғрилаб беришим учун 1000 доллар олдим. Аммо уни ҳам алдашга тушдим. Бироқ Бакир ўз ҳуқуқини биладиганлар тоифасидан чиқиб қолди. Менинг устимдан ИИБга мурожаат қилибди. Шундан сўнггина мен танишларимдан пулини олиб бериш учун ўзимнинг машинамга Бакирни ўтқизиб, Дилдораникига олиб бордим. Бу аёлга ҳам кредит расмийлаштириб бераётганлигимни айтдим. “Асака” банкнинг Шайхонтоҳур филиалига бордик. У ерда танишим Сай-

фулло билан учрашдик. Хужжатларни кўрсатишди. Кейин Дилдорага тегишли бўлган хужжатлар тўпламини унга тутқазиб, бу хужжатлар билан қаерга ва кимга учрашиш лозимлигини айтди. “Ҳар эҳтимолга қарши манави қоғозчага танишим Мухтор акамнинг телефон рақамини ёзиб қўйдим”, деди.

Шу орада мен чет элга борадиган бўлиб қолдим.

Бир оз вақт ўтгандан сўнг Сайфулло Бакирга қўнғироқ қилиб тезда Мухтор акасига учрашишни тайинлабди. Афсуски, бу хужжатларнинг камчилиги бўлганлиги учун қабул қилишмабди. Бакир яна Сайфулло билан учрашибди.

— Мушук бекорга офтобга чиқмайди, дейишади. Кредит учун яна... — дея уяли телефонига “1400” рақамини ёзиб унга кўрсатиб гапида давом этибди Сайфулло. — Долларда шунча харажат қилиш керак.

— Кечирасизу, бу хужжатлар Дилдора деган аёлга тегишли. Бу аёл менга ҳеч ким эмас. Бинафша чет элга кетиб қолганлиги учун бу хужжатларни менга қолдирган эди. Унақа бўладиган бўлса бу омонатни аёлга қайтариб бераман, — дебди Бакир.

— Ие, сираям ундай қилманг. Иш пишай деб турганда-я! Нима қиласиз хужжатларни қайтариб?! Яхши-си, бу ишни биргаликда ҳал қиламиз. Сиз Дилдорага тушунтиринг. Мана шу айтган харажатларимни олиб берсангиз, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек битади, деб айтинг.

— Мен бу гапингизни у аёлга етказишим мумкин. Лекин сизларнинг олди-бердиларингизга аралашмайман, — дея улар хайрлашибди.

Кейин у Дилдораникига борибди. Яна харажати борлигини эшитган аёлнинг фифони фалакка чиқиб-

ди. Кейин иккалови маслаҳатлашишиб, мен ва Сайфуллонинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишибди. Улар эса махсус ишлов берилган 1400 долларни Бакирга бериб, нима иш қилишлиги лозимлигини уқтиришибди.

Ўша кунидеҳ Бакир Сайфуллога кўнғироқ қилиб, пуллар тайёр бўлганлигини айтибди.

– Эртага Жанубий вокзалга Бегмат исмли танишимни жўнатаман. Пулларни ўшанга беринг, – дебди у.

Бегмат бундан бир неча йиллар илгари Сайфулло билан бирга ишлаган йигит. Бир йил олдин эса Сайфулло ундан анча миқдорда қарз олганди. Шунинг учун у кўнғироқ қилиб, Бакир деган танишидан пулларни олиб қолишни, унинг телефон рақамларини ёзиб олишини сўраганида у ҳеч иккиланмасдан айтилган жойга бориб унга кўнғироқ қилибди.

Бегмат Бакирга машинага ўтиришини айтибди. Шундан сўнг Бакир пулларни унга берибди. Худди шу пайтда милиция ходимлари ҳам етиб келишиб, дарҳол текширув ўтказилиб, барчани бошқармага олиб кетишибди. Ҳужжатлар расмийлаштирилибди. Сайфуллонинг ва менинг сирларимиз фош бўлибди.

Суд иккаламизга ҳам тегишли жазо тайинлади.

Белимизни оғритмасдан, тер тўкмасдан пул топаман деб ўйлагандик. Мана оқибати. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг ҳам очилади, дейишади. Ҳозирги кунда бу иш қирқ кунга ҳам бормай фош бўляпти. Қилган ишимдан, икки кишини чув туширганимдан афсусдаман. Уларнинг ўрнида опам ёки акам ҳам бўлиши мумкин эди-ку. Опамни ёки акамни кимдир чув тушириб кетса, оила аъзоларимиз қанчалар асабийлашган, озор чеккан бўлардилар. Ишимнинг кейинини ўйламабман. “Ўйламай қилинган иш бошга

келтирар ташвиш” деб шунга айтсалар керак-да. Мана ишимнинг оқибатини кўриб ўтирибман. Тинчгина ишлаб юргандим. Шукр қилишни билмадим. Пушаймонман, қаттиқ пушаймонман...”

* * *

Кейинги мактубимда биргаликда ишлайдиган Жанонанинг қандай қилиб бу ерга тушиб қолгани ҳақида ёзиб юбораман. Омон бўлинг. Хат орқали дийдорлашгунча. Сизни ғойибона қучиб қоламан.

Ҳурмат билан дугонанг Адолат.

2010 йил 11 март

“ИШОНМАГИЛ ДЎСТИНГГА...”

Салом, азизам! Омонмисиз? Ўқишу уй ишлари билан андармон бўлиб юрибсизми? Ўқишингиз ҳам охирлаб қолгандир? Омадингизни берсин.

Мен бу хатимда Жанонанинг дугонасига қилган хиёнатини дейми, диёнатсизлигини дейми, билолмадим, ишқилиб, шунга ўхшаш иши ҳақида ёзиб юборяпман.

Донишмандларимиз “Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур” дея бежизга айтишмаган экан. Жанона нафс балосига йўлиқиб, бугунги кунда панжара ортида ўтирибди. “Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга” деганларидек, Жанонанинг пасткашлик қилиб ўз дугонасининг уйига доллар ўғирлагани борганини ўзи айтиб берди. Эшитинг.

* * *

“...Мен Самира деган қиз билан болаликдан биргаликда боғчага борганман. Чунки иккаламиз битта

маҳаллада яшардик. Кейин эса мактабга биргаликда чиқдик. Иккаламиз ўртоқ бўлганимиз учун бир-биримизникига борардик, дарсларимизни биргаликда тайёрлардик. Ота-оналаримиз ҳам бизга яхши муносабатда эди. Самира очиққўнгил, раҳмдил, жудаям яхши қиз эди. Бизнинг оиламиз катта бўлганлиги учун ота-онам менга кўп нарсалар олиб беришолмасди. Шундай дамларда мен Самирага ҳавасим келарди. Чунки у ота-онасининг яккаю ёлғиз қизи эди. Бироқ у бу билан эркалиниб кетмаганди. Коллежни тугатганмиздан сўнг иккаламиз биргаликда ҳужжатларимизни Педагогика университетининг тарих факультетига топширдик. Афсуски, омад бизга кулиб боқмади. Кейинги йили яна ҳужжатларимизни топшириш илинжида ишга кирмоқчи бўлдик. Бироқ Самиранинг онаси қизининг ишлашига қаршилиқ кўрсатди. Самира эса ота-онасини бир амаллаб мен билан биргаликда ишлашга кўндирди. Шундай қилиб иккаламиз Чилонзор туманида жойлашган мебель цехида ишлай бошладик. Ишхонамиздагилар бизнинг аҳил-иноқлигимизга ҳаваси келишарди. Орада институтга кириш учун тайёргарлик кўриш мақсадида репититорга ҳам бориб турардик. Ота-онам акамни уйлантиришганидан сўнг анчагина қарзга ботиб қолишди. Шунинг учун ҳовлимизни сотишга мажбур бўлишди. Кейин кўп қаватли уйларда яшай бошладик.

Мен бўлса тез-тез Самираларнинг ҳовлисига борардим. Чунки ҳовлида яшашни орзу қилардим. Бундан ташқари Самиралар жуда бой яшашарди. Уйида ҳамма шарт-шароит муҳайё. Аммо Самиранинг нима учун ишлаётганлигига тушунмасдим. Унга пул зарур эмасди. Уйлашимча, вақтини ўтказиш учун ишласа керак.

Бир куни оиламдагиларга доллар зарур бўлиб қолди. Ота-онам бу ҳақда маслаҳатлашишди. Қариндошлардан сўраб кўришди. Аммо доллар ўлгур топилмади. Шунинг учун мен ота-онамга ёрдам бериш мақсадида дугонам Самиранинг дадаси Холмурод акага қўнғироқ қилиб, доллар кераклигини айтдим. Холмурод ака йўқ демасдан менинг бу муаммоимни ҳал қилиб берди. Натижада, мен Самиранинг дадасидан беш юз доллар қарз олиб, ота-онамга олиб келиб бердим.

Бир куни Самираларникига борганимда биргаликда суҳбатлашиб ўтиришганимизда Холмурод ака телефонда кимгадир Сирғали туманидаги уйини 78000 долларга сотганини, 45000 долларига бошқа уй сотиб олганлигини айтиб қолди.

Шу кундан бошлаб мен қандай қилиб бўлмасин унинг уйида қолган 33000 долларни қўлга киритишни ўйлай бошладим.

Бир куни Самиранинг ечиниш хонасидаги кийимининг чўнтагидан уйининг калитини олиб, бу калитдан нусха ясашиб яна билдирмасдан калитнинг асл нусхасини жойига қўйиб қўйдим.

Орадан бир ҳафта ўтгач, кундуз куни Самираларнинг уйига бордим. Чунки бу пайтда уларнинг барчаси холасиникига меҳмонга кетишганини билардим. Яширинча ясашиб олган калит билан дарвозани очиб ичкарига кирдим. Ҳовлида ҳам, уйда ҳам ҳеч ким йўқ эди. Дарҳол пулларни излашга тушдим. Аммо топа олмадим. Холмурод аканинг ётоғини шкафининг ичидан бир дона тиллодан ишланган тилла билан узукни олиб, уйни ясаган калитларим орқали яна қулфлаб кетдим.

Бир ҳафтадан сўнг яна уларнинг кундуз куни уйига бориб, ясашиб олган калит билан дарвозани ва уйла-

рини очиб доллар изладим. Шу пайт тўсатдан хонадон эгалари келиб қолганлигини сезиб қолиб, дарҳол ётоқхонадаги шкаф ичига беркиниб олдим.

Ўн дақиқалардан сўнг шкафни Самиранинг онаси Умсин опа очиб, мени кўриб кўрқиб кетди. Бундай бўлишини кутмаганим, уни ҳовлига чиқиб ёрдам сўраб бақирмаслиги учун дарҳол ўша ерда бўлган рўмол билан юзимни бекитиб, шкафдан чиқиб, аёлни уриб гиламга йиқитдим. Кейин Умсин опани шкаф ичига ўтқизиб, кўлимга пичоқ ушлаб, унга ўшқирдим:

— Пуллар қаердалигини айтинг, бўлмаса сўйиб ташлайман!

Аёл кўрқа-писа уйда пуллар йўқлигини айтиб, менга бошдан-оёқ разм солиб, менинг бармоғимдаги кумуш узугимга тикилиб қолди. Чунки бу узук Самираники эди. У бу узукни туғилган кунимда совға қилганди.

Мен у ёқ-бу ёққа аланглаб ҳовлига чиқдим. Оёғимдаги туфлим шкаф ичида қолганини эслаб яна ётоқхонага кирдим. Шунда Умсин опа кўрққанидан қулоғидаги тилла сирғаларни ечиб, менга узатди. Аммо мен зиракни олмасдан шкафда қолган туфлимни олиб индамасдан чиқиб кетдим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, ўзимнинг қилмишимдан виждоним қийнала бошлади. Шунинг учун Самираларникига бориб, Холмурод акага қилган ишларимни айтиб узр сўрадим.

— Милиция ходимларига бориб, ўз хоҳишинг билан кечирим сўра! — дея мени уйдан чиқариб юборди Самиранинг дадаси. Мен ўз айбимга тўлиқ иқроп бўлиб, жиноят қилганлигимни милиция ходимларига айтиб бердим. Олган нарсаларимни қайтардим.

Бироқ Самиранинг онасига пичоқ ўқталиб кўрқитга-

ним, босқинчилик қилганим учун озодликдан маҳрум этишди.

Қилган хатойимни кеч тушундим. Менга яхшиликлар қилган дугонамга душманлик, нонкўрлик қилдим. Унинг ишончини суистеъмол қилдим. Ҳеч ким мендек хиёнаткор бўлмасин...”

* * *

Орамизда нонини еб, тузлиғига ҳам тупирадиганлар бор. Хайриятки, ўз хатосини тан олди. Бўлмаса яна нима ишлар қиларди, билмадим.

Кейинги хатимда ашула гуруҳимизда зўр кўшиқ айтадиган Озода ҳақида ёзиб юбораман. Хайр, хат орқали дийдорлашгунча!

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 25 март

ОҒУФУРУШ

Омонмисиз, азизам? Жаннатмакон диёримизда яйраб-яшнаб юрибсизми? Нима янгиликлар бор? Синфдошларимизнинг тўйларига бориб турибсизми? Нилуфар роса чиройли келин бўлгандир-а? Юлдузчи? Унинг ҳам тўйи шу ойдамиди? Эсиз, менга ҳам тўйхоналарга бориш насиб қилармикин? Сизларнинг орангизда бўлишни жудаям хоҳлардим. Мен ҳам оппоқ либос кийиб, тезроқ келин бўлишни хоҳлайман. Яратгандан орзу-умидларимнинг рўёбини сўраб ўтирибман. Орзулар қилиб турай. Бир куни бу орзуларим амалга ошар.

Дугонажон, бу гал сизга ваъда қилганимдек Озоданинг бу ерга қандай тушиб қолгани ҳақида ўзининг тилидан ёзиб юборяпман.

* * *

“...Болалигимдан ўғил болалар билан ўйнашни яхши кўрардим. Эҳтимол, учта ўғилдан сўнг туғилганим учунми, характерим, ўзимни тутишим, жаҳлдорлигим акамларга ўхшаб кетарди. Ҳаттоки, мактабга чиққунимча ҳам онамга қизларнинг кўйлагини киймайман, деб жанжал қилардим. Мактабдаги устозим қиз болалар, албатта, кўйлак кийишини, ўғил болалар эса бошқача кийишини яхшилаб тушунтирганидан сўнггина кўйлак кийишга рози бўлдим. Кенжатой бўлганлигим учун бирор ҳунарни ҳам ўрганмадим. Ҳаттоки, кўлимга игна ҳам ушламадим. Автомашина ҳайдашни яхши кўрардим. Бир куни машина сотиб олсам керак бўлар, деб ҳайдовчиликка ўқидим, тегишли ҳужжатларни олдим. Энди танишим Бердимуроднинг отасининг “Нексия” машинасини гоҳ-гоҳида ҳайдайдиган одат чиқардим.

Мактабни тугатгач, ўқишга киришни истамадим. Бошимни қотириб нима қиламан, шундай юрганам афзал деб ўйлабман. Аммо бекорчилик ҳам бир куни жонингга тегаркан.

Бекорчиликдан нима қилишимни билмасдан болалигимдан бирга ўйнаб катта бўлган танишим, кўшнимиз Бердимуродникига бордим. Унинг отаси Суҳроб ака билан суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳроб ака бекор юрганлигимни билгач, менга антиқа таклифини айтди.

— Бу дунёда ҳамма нарсанинг иложи бор. Осонгина пул топишнинг ҳам, — дея зимдан менга бошдан-оёқ разм солди Суҳроб ака. — Агар хоҳласанг гиёҳвандлик воситаларини айтилган жойга ва одамларга етказиш билан шуғулланасан. Мўмайгина пул ишлаб оласан.

“Нексия” автомашинамни ҳам бериб тураман. Ўзинг ҳайдайсан. Машина ҳайдаш жони дилинг-ку”.

Тўғрисиани айтсам, ота-онамдан ҳадеб пул сўрайвериш жонимга текканди. Чунки улар пулни нима учун олаётганимни миридан-сиригача сўрайверишарди. Гоҳида айтган пулимни беришмасди.

Пул зарур бўлганлиги учун Суҳроб аканинг бу таклифи менга мойдек ёқди ва шартта ўйлаб ҳам ўтирмасдан рози бўлдим. Кейин бу одам менга вазифамни тушунтира кетди. Кейин у тожикистонлик Саша исмли йигитга қўнғироқ қилиб “героинни ташувчи одам топдим. Энди бемалол юборавер” деди. Сўнгра менга Тожикистондаги “ҳамкорлар” билан алоқа қилиб туриш учун Тожикистон уяли алоқа компаниясининг “сим карта”сини берди.

Икки кундан сўнг Суҳроб ака менга деди:

— Ховос туманидаги “Шапский” деган жойга бориб героинни қабул қилиб ол! — дея автомашинасини берди.

Мен айтилган жойга бориб, ўттиз ёшлардаги йигитдан бир сумкани қабул қилиб олдим. У йигит менга қоғозчага “юрист” деб ёзилган телефон рақамини ва хизмат ҳақи сифатида 300 доллар ҳам бериб кетди. Бир килоча келадиган героинни қаерга бекитишни билмасдан Суҳроб акага қўнғироқ қилдим-да, унинг уйига олиб бориб бердим.

Эртаси куни Суҳроб ака қоғозчага ёзилган телефон рақамига қўнғироқ қилди. Телефонга жавоб берган аёлга героинни Тошкент шаҳрида топшириш ҳақида гаплашиб олди. Ўша куниёқ йўловчи машинада Сирдарё вилоятидан Тошкент шаҳрига етиб келдим. “Миллий боғ” яқинида бир аёл билан учрашиб, сумкадаги героинни унга топширдим.

Орадан бир ой вақт ўтгач, Суҳроб ака менга Сашага телефон қилишим зарурлигини айтди. Мен Саша билан гаплашиб, яна Ховос туманининг “Шапский” кўрғони атрофидаги даланинг чеккасида бир йигитдан бир килограммча оғирликдаги героинни ва қоғозчага “юрист” деб ёзилган телефон рақамини ҳамда хизмат ҳақи сифатида 200 долларни олдим. Шу куннинг ўзидаёқ қоғозчадаги телефон рақамига кўнғироқ қилиб, телефонга жавоб берган эркак киши билан “Чилонзор” метроси бекати ёнида учрашдим ва кўлимдаги сумкани унга топширдим.

Сентябрь ойида Суҳроб ака Россияга кетди. Аммо октябрь ойида у Россиядан менга кўнғироқ қилиб, Сашага кўнғироқ қилишимни тайинлади.

Мен Сашага кўнғироқ қилиб, яна Ховосга бориб, ҳар доимги жойимда бир йигит билан учрашиб, бир килограмм оғирликдаги героинни ва хизмат ҳақи учун 200 долларни олдим. Бу гал харидорнинг ўзи менга кўнғироқ қилиб, героинни Ширин шаҳри ва Бекобод тумани ўртасидаги кўприк олдига келтиришни тайинлади.

Мен айтилган жойга бордим, аммо ҳеч кимни кўрмадим. Шу пайт телефоним жиринглаб қолди. Телефон рақамига қарадим. Харидорим эканлигини билгач, дарҳол у билан гаплашдим. У одам “мол”ни кўприк чеккасига ташлаб, қайтиб кетишни буюрди. Мен шундай қилдим ҳам. Бу героинни ким олганини кўрмадим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Суҳроб ака яна Россиядан кўнғироқ қилиб Саша билан боғланишимни айтди. Мен Сашага кўнғироқ қилиб навбатдаги топшириқни олдим ва ҳар доимгидек Ховос туманига бориб айтилган жойда бир йигит билан учрашиб, ундан бир килограмм ге-

роинни ва хизмат ҳақи сифатида 300 долларни олиб, ўша куннинг ўзидаёқ Ширин шаҳри ва Бекобод тумани оралиғида қўлимдаги сумкани нотаниш одамга топширдим. Кейинги гал мен хизмат ҳаққи учун 500 доллар олдим.

Энди мен ота-онамга қарам эмасдим. Улардан умуман пул сўрамай қўйдим. Улар ҳам менинг қаерга бораётганлигим, нима учун пул сўрамаётганлигим билан қизиқишмасди. Ўзим хон — қўланкам майдон эди.

Ноябрь ойларининг охирида Сухроб ака яна менга қўнғироқ қилиб, Саша билан гаплашишимни тайинлади. Мен тезда Саша билан қўнғироқлашиб, “мол”ни жўнатиш тўғрисида гаплашиб олдик. Ўша куни 22:30 ларда Ховос тумани “Шапский” кўрғони атрофидаги дала жойга “Нексия”да бориб, автомашинанинг ойналарини тушуриб, буюртмани кутиб турдим. Шу пайт ҳар доимги йигит келиб, машинанинг ойнасидан битта сумкани ўриндиқ устига ташлаб, ортига қайтиб кетди.

Мен дарҳол сумкани ичини очиб, ундаги олти дона целлофан ўрамалардан иккитасини ўзим ўтирган ўриндиқ остига, қолган тўртта ўрамани олд йўловчи ўриндиғи остига яширдим. Мен бу героинни “Кома” лақабли одамга етказиш учун Тошкент шаҳрига йўл олдим. Кечқурун соат 22:20ларда “Эркин” ЙПХ масканига келган вақтимизда милиция ходимлари олдиндаги автомашиналарни чуқур текширувдан ўтказаетганлигини кўриб бир оз довдираб қолдим. Кейин қўлга тушиб қолишдан қўрқиб, машинани орқага ҳайдаб қочиб кетмоқчи бўлдим. Фалокат оёқ остида, деганларидек мен ортимда турган бошқа машинани уриб юбордим. Шу сабабдан ЙПХ маскани ходимлари мени тўхтатиб, ушлаб олишди. Ва автомашинани четга чиқариб, МХХ ходимлари би-

лан биргаликда холислар иштирокида кўздан кечиришди. Менинг бекитган “мол” имни топиб олишди.

Суҳроб аканинг “Нексия” автомашинаси жиноят куроли деб топилиб, давлат эгалигига ўтказилди.

Суд мени узоқ йилларга озодликдан маҳрум этди. “Ёшлик бебошлик” дейдилар. Айни илм олиб, касбунаар ўрганадиган пайтимда мен бу ерда ўтирибман. Қилган хатойимни жуда кеч англадим, кеч...”

* * *

Пул учун одамлар нималарга қўл уришини билиб олдим. Оғу ҳақида газета, журналларда ёзишди, ойнаи жаҳонда кўрсатишди. Бироқ айрим одамлар билиб туриб ҳам шундай қабиҳликка қўл уришаркан.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишган Ашурой опа ҳақида ёзиб юбораман

Сени соғиниб қолувчи дугонанг.

2011 йил 10 апрель

МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР...

Салом, дугонажон! Яхши юрибсизми? Хатларим билан бошингизни оғритмаяпманми? Мактубингизни олдим. Ўқиб жудаям хурсанд бўлдим. Дарҳол ўтириб жавоб ёзишга киришдим.

Бу гал сизга ваъда қилганимдек Ашурой опанинг ўзи айтиб берган қилмиши хусусида ёзаяпман.

* * *

“Ҳуқуқини билган хор бўлмас” дейдилар. Аммо орамизда ўз ҳақ-ҳуқуқию қонунни билмайдиганлар учраб туради. Шундайлардан бири бу Бобокалон бўлиб чиқди.

Кунларнинг бирида Бобокалоннинг бир уйнинг олди-сотди ишлари Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро судида кўриб чиқилиб, қарор чиққанди. Афсуски, бу иш унинг фойдасига ҳал бўлмади. Унинг елиб-югургани натижа бермади. “Чиқмаган жондан умид”, дея у бу ишни ортга суриб қўймади. Яхши адвокат излаб-излаб, мени топди.

У менга бу ишни ипидан игнасигача айтиб берди. Шундан сўнг икковимиз ўтирволиб, вилоят судига шикоят ёздик. Афсуски, бизларнинг бу саъй-ҳаракатларимиз ҳам зое кетди.

“Йиқилган курашга тўймабди” деганларидек, мен бу ҳақда энди Олий судга ёздим. Афсуски, бу гал ҳам рад жавобини олдик.

Кунларнинг бирида Бобокалонга худди бу ишни қойил қиладигандек дедим:

— Ҳар эҳтимолга қарши доллар олволинг, Тошкентга борамиз.

Келишилган куни биз пойтахтга йўл олдик. Мустақиллик майдонига бордик. Мижозимдан 2500 долларни олиб, танишимнинг олдига бориб келиб, унга дедим:

— Худо хоҳласа, энди ишларимиз “беш”. Бемалол уйга қайтсак ҳам бўлади, — дея ортимизга қайтдик.

Орадан бир ой вақт ўтгач, Бобокалоннинг уйига ёзган шикояти қайтиб келибди. Яна иши битмабди. Нажот истаб менинг ёнимга борди.

— Бу иш жудаям чигаллашиб кетди. Яна озроқ доллардан олволинг. Ўзим сизга Тошкентдан зўр адвокат топиб бераман. Кейин, албатта, бу ишингиз ҳал бўлади, — дея унинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирдим. Бу ишдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигини билиб туриб, уни алдадим.

Кейин яна пойтахтга қараб йўл олдик. Яккасарой туманида жойлашган “Адолат синмасин” адвокатлик фирмасига бордик.

— Мана сизга пойтахтнинг энг зўр, тутган жойидан кесадиган, тажрибали адвокати, — дея ўша ерда ишлайдиган курсдошим Маматқобил Тўхтасиновни Бобокалонга таништириб кўйдим.

Биз узоқ суҳбатлашдик. Мен янги адвокатга бўлиб ўтган воқеаларни қисқача гапириб бердим. Кейин Бобокалонни олиб ташқарига чиқдик. Мижозимдан олган пулларимдан 1200 долларини Маматқобилга бердим.

— Курсдош, сизга ишондик. Иложи борича энди бу мижозимизнинг ишини қойилмайқом қилиб, фойдасига ҳал қилиб берасиз, — дея хайрлашдик.

Орадан бир оз вақт ўтгач, мен Россияга кетиб қолдим. Мижозимнинг иши бўлса, ўлда-жўлда қолиб кетди.

Бир куни Бобокалонни янги адвокати Маматқобил хузурига чорлабди.

— Ука, ишингизни ҳал қилиш учун югуриб-елишим керак. Аммо берган пулингиз ҳеч вақо бўлмайди-ку. Бу алфозда қандай қилиб мен бу ишингизни сизнинг фойдангизга ҳал қилиб бераман? — дебди.

— Тушунмадим, ака, бу нима деганингиз? Ахир, мен курсдошингизга уч минг беш юз доллар берганман? — дебди у.

— Йўғ-е! Наҳотки! У менга бор-йўғи бир минг икки юз доллар берди, холос. Қолган пуларингизни кўрганим йўқ. Аммо кўлимдан келганича майли, савоб учун бўлса ҳам ёрдам бераман. Курсдошимни бу қадар пасткашликка боради деб ўйламагандим. Очиғини айтганида олам гулистон эди. Майли, у ҳам сизнинг

бу ишингиз учун елиб-югургандир. Йўл харажатларига ҳам кетгандир. Шуни менга тўғриси айтса бўларди-ку. Келинг, ука. Сиз хафа бўлманг. Руҳингизни чўктирманг. Мен ёрдам бераман, — дея мижозини кўнглини тўқ қилиб хонасидан кузатиб чиқибди Маматқобил.

Аммо Бобокалон кетгач, анча вақтгача у ўзига келолмай ўтирибди. Курсдошим мен мижозини алдаганимни ўйлаб, ўзини айбдордек ҳис этибди.

Афсуски, Бобокалон кейин келганида адвокати Маматқобил Тўхтасинов билан дийдорлашиш насиб этмабди. Чунки у тўсатдан вафот этибди.

Бу шумхабарни эшитгач, унинг устидан биров худди бир челак сувни кўйиб юборгандек бўлибди. Уйига худди сувга тушган мушукдек кириб борибди. Ўйлай-ўйлай, менинг устимдан пулларини ундириб беришларини илтимос қилиб судга ариза ёзиб берибди.

Бу орада мен ҳам Россиядан қайтиб келдим. Кейин зўрға мижозимнинг 2200 долларини қайтариб бердим.

Суд судланувчи томонидан келтирилган моддий зарар қопланганлигини инобатга олган ҳолда суд манфаатдор томонларга маънавий зарарни ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришди.

Шундай қилиб мен беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим.”

* * *

“Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга солодур” деб бежизга айтишмасалар керак-да... Нафси очлик қилган Ашурой опа адвокатлик номига доғ туширди...

Дугонажон, адвокатларнинг ҳам ҳаммасига ишониб

бўлмас экан. “Гуруч курмаксиз бўлмас” деганларидек, айримлари ишингиз ҳал бўлмаслигини билиб туриб ҳам сизни чув тушириш мақсадида пулингизни ҳавога совриб иш қилишаркан.

Кейинги хатимда ашула гуруҳимизда биргаликда кўшиқ айтадиган Жасмина Зафарованинг бу ерга тушиб қолганлигини ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан Адолат.

2011 йил 24 апрель

ЛИЦЕЙДАГИ ПОРАХЎРЛИК

Салом, азизам! Омонмисиз? Уйдагиларнинг барчаси соғ-саломат юришибдими? Ўзингизда қандай янгиликлар бор? Мендан ҳол-аҳвол сўрайдиган бўлсангиз, ҳаммаси яхши. Ишдан қайтишим билан сизнинг хатларингизни ўқишга тутинаман. Гоҳида қайта-қайта ўқийман. Сиз билан ғойибона суҳбатлашгандек бўлман. Сизларни соғиндим.

Айтганча, бу хатимда Жасмина Зафарованинг қандай қилиб бу ерга келиб қолгани ҳақида ўзининг тилидан қилиб ёзиб юборяпман...

* * *

“...Мен Тошкент Давлат Техника университети қошидаги 3-сонли академик лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлардим. Лицейда ўзимга яраша обрўйим, қадрим бор эди. Ўқувчиларнинг ўқув жараёнига тўлиқ жавоб беришим лозим эди. Айрим ўқувчиларнинг узрли сабабсиз ўқув машғулотларига қатнашмаётганлиги мени қаттиқ ранжитарди. Чунки шундай чиройли шарт-ша-

роитлари бор лицейнинг қадрига етишмаётганлиги алам қиларди. Мен бошқаларга сабоқ бўлиши учун айрим ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашмаганлиги, академик лицейнинг ўқув режасида белгиланган барча фанларни давлат таълим стандартлари даражасида ўзлаштирмаганлиги сабабли ушбу битирувчиларга имтиҳонларни топширишга рухсат берилмаслигини айтардим.

Шундан сўнг ота-оналар типирчилаб қолишарди. Чунки уч йил ўқиб, фарзанди имтиҳонга қўйилмаса, уч йил умри зое кетишини яхши билишарди.

Кунларнинг бирида 3-курс битирувчиси Самир Камоловнинг отаси Шожалил ака менинг ҳузуримга ошиқиб келди.

— Опажон, ўғлим лицейга боряпман, деб ишлаб юрган экан. Билмай қолибман. Энди бирорта олийгоҳга ҳужжат топшириши керак. Дарсларга қатнашмаганлиги учун имтиҳонга қўймаётган экансиз, деб эшитдим. Илтимос, Самирга диплом ёздириб беринг. Илтимос, опажон. Ўғлим қулоқсизлик қилиб дарсларга келмабди. Шунинг учун олдингизга катта бошимни кичик қилиб келдим. Фарзандимга диплом керак. Бир иложини қилинг. Ўғлим диплом олмаса бўлмайди, — деди у хуноби чиқиб.

— Бу илтимосингизни директоримизга айтиб кўраман. У билан гаплашмасдан бирор нима дея олмайман. Аммо мушук бекорга офтобга чиқмайди-да, акажон. Диплом олишнинг ўзи бўладими? — дея мен Шожалил акага бошдан-оёқ разм солдим.

— Ҳаммамиз ҳам болам-чақам деб юрибмиз, опажон. Фарзандларимиз учун ҳеч нарсани аямаймиз. Икки юз доллар бераман. Бир ёрдам қилиб юборинг.

Бизда ҳам бу қилган яхшилигингиз қолиб кетмас. Ҳозирча манави юз АҚШ долларини олиб қўйинг. “Бу “заклад”. Иш битгач, яна бераман, — деди Шожалил ака.

— Бўпти. Келишдик. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Бу ҳақда директор билан ўзим гаплашиб, сизга ижобий натижани айтаман, — дея уни кузатиб қўйдим.

Кейин директорга бўлиб ўтган диплом ҳақидаги гапни айтиб, юз долларни бердим.

Бир соатдан сўнг менинг ёнимга Самирнинг ўзи келди.

— Домла, отам мен билан келишмасдан сизга юз доллар берибди. Илтимос, пулимни қайтариб беринг. Менинг бошқа режаларим бор, — деди у кўзларини ерга тикканича.

Унинг бу гапидан мен довдираб қолдим. Ахир, директоримизга кириб бояги пулни қайтариб беринг деёлмайман-ку. Шунинг учун уйимга бориб, Самирга юз долларини бериб юбордим. Кейин талабамнинг отаси Шожалил акага кўнғироқ қилиб, ўғли мендан юз долларини қайтариб олиб кетганлигини айтдим.

— Опажон, сиздан илтимос. Ўғлимнинг дипломини амаллаб туринг, пулингизни қандай қилиб бўлса-да, ўзим қилиб бераман. Фарзандим ёшлик қилиб қўйибди. Уни кечиринг, — деди у.

Шундан сўнг орадан ўн беш кунча вақт ўтгач, Шожалил ака лицейга келиб менга юз доллар олиб келиб берди.

Кунларнинг бирида мен хонамга лицей битирувчиси Нозима Мансуровани чақиртирдим.

— Қизим, “Қизил диплом” олишни хоҳлайсанми? — дея сўрадим ундан.

— Иложи бўлса қанийди, устоз. Жон-жон деб олардим. Афсуски, баҳоларим ҳамма фанлардан “5” эмасда, — деди Нозима.

— Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейишади, қизим. Бугунги кунда ҳамма нарсанинг иложи бор. Битта фанни тўғрилаш учун элик минг сўм олиб келиб берсанг, баҳоингни тўғрилаб бераман, — дедим бамайлихотир унга.

Нозима “Қизил диплом” олишга иштиёқманд бўлганлиги учун у айтган пулни эртаси куниёқ етказди. Бу хушxabарни тезда яқин дугонаси Мадинага айтибди. Мадина ҳам “Қизил диплом” олиш илинжида менинг хонамга кириб, унга қўйилган “3” баҳони ўзгартириб беришини илтимос қилди.

— Ўйлаб кўраман, — дедим унга.

Уч кундан сўнг Мадинани хонамга чақириб, баҳосини тўғрилаб бериш эвазига 50000 сўм сўрадим.

Мадина ҳам ўз навбатида жон-жон деб, мен айтган пулни келтириб берди.

Осонгина пул топиш йўлини билиб олдим. Энди бирорта талаба илтимос билан хонамга кирса, ундан пул талаб қиладиган бўлдим.

Ўқувчилар имтиҳонларни топшириб бўлгач, уларга дипломлар тарқатилди. Аммо рўйхатда Парпининг номи чиқмади. Шунинг учун у менинг ёнимга келиб деди:

— Домла, мен дипломимни олишим учун хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Акмал Дагаровга юз доллар берганман.

Унинг бу гапидан жаҳлим чиқиб дедим:

— Нимага унга берасан? Бир оғиз мен билан маслаҳатлашмайсанми? Хей, аҳмоқ! — дея Акмал домланинг олдига бориб, Парпи айтган гапнинг рост ёки ёлгонлигини сўрадим.

— Илтимос, опа, шу йигитчага ёрдам беринг. Мен сизга айтиб қўйиш хаёлимдан кўтарилибди. Дарсларга ўз вақтида келмаган экан, — деди Акмал.

Мен ундан ранжиб, директорнинг олдига бориб, бўлиб ўтган воқеани айтиш уяун хонасига кирдим. Директор Парпи Султоновнинг қайта имтиҳон топширишига рухсат берди.

Парпи эса менинг олдимга яна келиб дардини айтди.

— Дарсларга қатнашмаган экансан. Яна биздан диплом олишни иддао қиляпсанми? Ҳеч замонда берган пулингга диплом олиш мумкинми? Шу ҳақда ўйлаб кўрдингми? Ундан кўра яна юз доллар олиб кел. Шундагина ишинг битади, — дея уни хонамдан чиқариб юбордим.

Нима қилишини билмай боши қотган йигитча бу ҳақда миллий хавфсизлик хизмати ходимларига ариза билан мурожаат қилибди. Шундан сўнг Парпи хонамда менга юз доллар бераётганида пора билан қўлга тушдим.

Шундан сўнг бошқа ўқувчилардан ҳам пора олганлигим фош бўлди.

Суд лицей директорини, мени ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда олдиндан ўзаро тузилган режага биноан таъмагирлик йўли билан қонунга хилоф равишда пора олганлигимизни ҳам аниқлади. Шунинг учун суд лицей директори Жамшид Усмоновни, Акмал Дагаровни ва мени озодликдан маҳрум қилди. Икки йил муддатга Олий ва ўрта-махсус таълим муассасаларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилди. Поранинг иши доим қора бўлиб кел-

ган. Афсуски, буни таълим даргоҳимиздагилар унутган экан. Қилган ишимдан қаттиқ хижолатдаман...”

* * *

Ана шундай воқеалар, дугонажон. Гоҳида илмли, маърифатли инсонлар ҳам шайтоннинг измига бўйсуниб, жиноятга қўл уришаркан. Бу ҳаётда ҳеч ким ҳақ йўлдан адашмасин.

Янаги хатимда тикувчилик цехида бирга ишлайдиган Интизор опа ҳақида ёзиб юбораман. Омон бўлинг!
Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 9 май

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

Салом, азизам! Омонмисиз? Хатларимни ўқиб, ўз фикрларингизни билдираётганингиздан хурсандман. Бу ердагиларнинг қилган қилмишлари сизни бефарқ қолдирмаганидан ҳам мамнунман. Аслида ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Аммо хом сут эмган бандамиз-да. Билибми, билмайми, хато қилиб қўйиб, кейин аттанг қиламиз. Бизнинг ёнимизга яқинда келган Интизор опанинг айтганларини ёзиб юборяман...

* * *

“Мен Бурҳониддинни учратган кунимга лаънатлар айтаман. Қаёқданам ўша йигитга дуч келдим, билмайман. Бир томондан кўнгилга буйруқ бериб бўлмаслигини тушуниб етдим. Чунки ота-онам мени мажбурлаб, қариндошимизнинг ўғлига узатишган эди. Афсуски, турмуш ўртоғим гиёҳванд бўлиб чиқди. Уч

ойгина у билан бирга яшаб, унинг хурмача қилиқларидан, калтакларидан зада бўлиб, ажрашишга мажбур бўлгандим. Ота-онамга энди ўзим кўнгил қўйган йигитга турмушга чиқишимни айтдим. Улар менинг раъйимга қарашди. Ҳаттоки, бир хонали уй ҳам сотиб олиб беришди.

Мен энди ўзим билганча ҳаёт кечира бошладим. “Пайнет” шохобчасига ишга кирдим. Ўшанда Бурҳониддин билан танишиб қолдим. У деярли кун ора менинг ёнимга келар, узоқ суҳбатлашардик. Мен унга боғланиб бораётганлигимни сезмасдим. Аслида у йигит бошқа бир қизни севишини билсам-да, унга кўнгил қўйгандим. Бурҳониддиннинг айтишича, қаҳратон қиш кунларининг бирида у Нафосат деган қиз билан танишиб қолган экан. Шундан сўнг улар тез-тез учрашиб турадиган бўлишибди. Нафосатнинг уйида оила аъзолари йўқ пайтида улар ишқий муносабатда бўлишибди. Тўқликка шўхлик қилган ёшлар келажагини ўйлашмабди. Уларнинг муносабатларини билиб қолган Нафосатнинг ота-онаси Бурҳониддинга қизини тинч қўйишини сўрашибди. Аммо ёшлар кейинроқ турмуш қуришмоқчи бўлишганини ота-оналаридан сир тутишибди.

Кунларнинг бирида Нафосатларнинг Қибрай туманидаги уйи ёниб кетибди. Ёнғин сабабли уларнинг оиласи Тошкент шаҳрига, қариндошлариникига вақтинчалик кўчиб кетишибди.

Шундай кунларнинг бирида иккала ёш тил бириктиришиб, биргаликда қочиб кетишибди. Бир хонадонни ижарага олишиб биргаликда яшай бошлашибди.

Бурҳониддиннинг ва қизининг бу қилиғидан ранжиган Нафосатнинг онаси Гулнавоз ҳуқуқни муҳофа-

за қилувчи идораларга ариза билан мурожаат қилибди. Оқибатда, Юнусобод туман ИИБ ходимлари Бурҳониддинни ушлашиб, тергов қилишиб, жавобгарликка тортишибди.

Шундан сўнг Бурҳониддин аламзада бўлиб, қулай фурсатни кута бошлабди. Шундай пайт келганида у Нафосатларнинг оиласидан аламини олмоқчи бўлган экан.

Кейин у мен билан танишди. Аввалига биз дўст бўлдик. Бурҳониддин менга Нафосат ҳақида ҳамма гапларни айтиб берди. Мен унинг ҳолатини тушунишга ҳаракат қилдим. Бизнинг дўстлигимиз севгига айланиб бораётганини англаб етмасдим. Уни бир кун кўрмасам ёки овозини эшитмасам кун бўйи қадрли бир нимами йўқотгандек бўлиб юрардим. Шундай қилиб, биз тез-тез учрашиб юрадиган бўлдик. Кейин яширинча никоҳ ўқитиб, биргаликда яшай бошладик.

Кунларнинг бирида Бурҳониддин шум режасини ўйлаб, Нафосатга ҳар хил тушган расмларини телефонига ММС орқали жўнатишини сўрабди. Қайта-қайта кўнғироқ қилиб сўрайверганидан сўнг, Нафосат ички кийимларда, турли ҳолатда тушган расмларини унга жўнатибди.

Бир куни мен Бурҳониддиннинг уяли телефон апаратини очгандим, унда Нафосатнинг турли ҳолатда, ярим яланғоч, ич кийимларда тушган расмларини кўриб, жаҳлим чиқиб кетди-да, унга бақирдим:

— Сени севаман дейсизу кўнглингиз ҳалиям анави ялмоғиздами? Нимага бундай беҳаё суратларини олиб юрибсиз?

— Жаҳлинг бурнингни учида туради-я, асалим. Хафа бўлма. Мен бу расмларни Нафосатнинг онасига кўрса-

таман. Унинг оила аъзоларидан қасдимни ва алаимни оламан. Бу расмлар орқали улар менга ҳали кўп ялинишади, ёлворишади. Ўшанда уларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Мени қанчалик оёқ ости қилганликларини тушуниб етишади. Мен уларнинг қилган қилмишларига кўл силтаб кетадиганлардан эмасман. Энди менга Нафосатнинг умуман кераги йўқ. Сендан бошқасига қайрилиб ҳам қарамайман. Ёлғиз ёрим сен бўласан! Шуни унутма! — деди Бурҳониддин бамайлихотир.

Шундан сўнггина кўнглим хотиржам бўлди. Кейин иккаламиз биргаликда кўчага чиқдик. Фотосалонга бордик. У ерда Бурҳониддин Нафосатнинг расмлардан икки нусхадан чиқартирди. Фоторасмлардан бирининг орқасига “Бу расмлар ҳаммада бўлиши мумкин эди... Лекин ҳар доим келишиш мумкин, ўйлаб кўриш лозим. Менимча, расмларнинг тарқалишини ҳеч ким хоҳламайди, келишамизми?” дея исмининг бош ҳарфини ёзиб, бир қисмини конвертга жойлади. Қолганини сумкасига солиб қўйди.

Эртаси куни Нафосатнинг укаси Шоазизга кўнғироқ қилиб, зарур гапи борлигини айтиб, учрашадиган жойини келишиб олишди.

Мен аҳмоқ бўлсам унинг жиноятига шерик бўлиб ўтирибман. Унинг шум режасига кўра мен Юнусобод туманида жойлашган “Универсам” дўкони олдида Бурҳониддин берган конвертни Шоазизга тутқазиб, онасига бериб қўйишни тайинлашим шарт эди. Шундай қилдим ҳам.

Бир четда бизни кузатиб турган Бурҳониддин кўнгли жойига тушиб, уйга қайтдик. Бир оздан сўнг Бурҳониддинга Шоазиз жаҳли чиқиб, кўнғироқ қилиб деди:

— Ҳой йигит! Сичқон-мушук ўйнамайлик! Яхшиси, ҳамма масалани эркакчасига ҳал қилайлик!

Бурҳониддинга худди шу гап керак эди.

— Суратларни кўрган бўлсанг, тезроқ ҳаракатингни қил. Менга уч минг долларни соат саккизгача топиб кел! — деди Шоазизга

Бу гапдан Шоазиз бир оз довдираб қолди. Сўнгра ялингансимон овозда унга деди:

— Бир оз вақт бер, таниш-билишларимдан қарз сўраб минг доллар топиб бераман.

Бу гапдан Бурҳониддин ҳаволаниб кетди-да, унга ўшқирди:

— Мен ёш болалар билан гаплашмайман. Яхшиси телефонни онангга бер!

Шоазиз телефонни онасига тутқазгач, Гулнавоз опа Бурҳониддиннинг гапларини эшитиб, бисотидаги барча қарғишлар билан уни “сийлади” ва қизининг фотосуратлари учун 400 доллар беришга аранг рози бўлди.

— Наҳотки, қизингизнинг қадр-шаъни, ор-номуси бор-йўғи тўрт юз доллар бўлса! — дея онаси тенги аёлни, яъни Гулнавоз опани мазахлади Бурҳониддин. — Майли, шундай бўлақолсин. Ёнингизга Интизор деган қизни юбораман. Ўшандан пулларни бериб юборинг, — дея телефонини ўчирди у.

Бурҳониддиннинг бу гапларидан сўнг она-бола нима қилишни билмай бир оз каловланиб қолибди. Кейин улар маслаҳатлашиб, бу ҳақда ички ишлар идорасига мурожаат қилишни лозим деб топишибди. Чунки улар айтилган бунча пулни топиб беролмаслигига кўзи етибди. Пулни бермаса, қизи шарманда бўлишини англашибди. Шундан сўнг милиция ходимлари тадбир ўтка-

зилишга ҳозирлик кўришиб, она-болага нима қилиши лозимлигини ўргатишибди.

Мен эса Бурҳониддиннинг ширин гап-сўзларига, алдовларига учиб, Нафосатларнинг маҳалласига бориб, у айтган уйни топиб, эшигининг кўнғироғини босдим. Ичкаридан Нафосатнинг онаси Гулнавоз опа чиқдида менга қараб ўшқирди:

— Анави ер етгур айтган қиз сенмисан? У ўзи биздан нимани хоҳлаяпти?

Мен эса Бурҳониддин ўргатган гапларни унга айтдим:

— У аламини ва қасдини оляпти. Мана, у бериб юборган расмлар. Энди айтилган пулни беринг!

Гулнавоз опа менга конвертга солинган юз долларни бериб, қизининг расмларини олди.

Хурсанд бўлганимча юз доллар билан ортимга қайтаётганимда мени мелисалар ушлашди.

Шундай қилиб, Бурҳониддиннинг таъмагирлигига шерик бўлиб, бу ерга келиб қолдим. Севган йигитимни деб, жиноятга қўл урдим. Севги деганлари шундай кучли туйғу бўларканки, ҳатто муҳаббатни деб жиноятнинг кўчасига қандай қилиб кириб қолганингни билмай қоларкансан.

Суд мени ҳам, Бурҳониддинни ҳам 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. “Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини” деганларидек энди қилган ишимдан пушаймон бўлиб ўтирибман. Ота-онамнинг, қариндошларимнинг олдида юзим шувит бўлди...”

* * *

Энди Интизор опа афсус-надомат чекиб ўтирибди. Ҳарҳолда қилган ишидан тўғри хулоса чиқаряпти.

Энди ҳеч қачон бундай номақбул ишларга қўл урмасликка сўз берди. Бошқалар ҳам ҳаётга тийракроқ назар солиб, келажагини ўйлаб иш қилсалар, яхши бўларди.

Кейинги хатимда ошхонада ёнимизда овқатланадиган Шарофат холанинг бу ерга қандай келиб қолгани хусусида ёзиб юбораман. Хайр, хат орқали дийдорлашгунча.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз.

2011 йил 20 май

КЕЛИН ИСЁНИ

Салом, Гулзода! Аҳволларингиз яхшими? Хатингизни олган заҳотим ёнимдагиларга ҳам ўқиб бердим. Маҳалламиздаги барча янгиликлардан воқиф қилаётганлигингиз учун ҳам раҳмат. Мен сизга ваъда қилганимдек бу гал Шарофат холанинг бошидан ўтган воқеаларни ўзининг тилидан айтиб бераман.

* * *

“...Яккаю ёлғиз ўғлим Барот менинг кўз остимга олган қизга уйланмасдан Мушарраф деган синфдошини севиб, турмуш қуришди. Келиним Мушарраф менинг хизматларимни елиб-югуриб адо этишга ҳаракат қиларди. Бироқ бу менга ёқмасди. Келинимни писмиқликда, ўғлимнинг бошини айлантириб, тегиб олганликда айблаб, қилдан қийиқ ахтариб, уни камситишга тушардим:

— Ҳой келин, манавиларни ким йиғиштиради? Тезтез, чаққон-чаққон қимирласангиз-чи? Намунча ипирисқи бўлмасангиз! Хаҳ оёқларингиз товуқникига ўхшамай ўлсин! Ўғлим ҳам худди қиз қуриб қолгандай

шунга уйланди-я, сўтак. Кўз остимга олиб қўйганларим қанча эди-я. Орзуларимни бир пул қилди, ярамас бола! — дея ношукрлик қилдим.

Келиним Мушарраф менинг гапларимни эшитмасликка олиб, юмушини давом эттириб кетаверарди. Чунки ўғлим Барот менинг феъл-атворимни унга хўп тушунтирган экан-да. Шунинг учун Мушарраф менга лом-мим демасди. Ўғлимни севгани учун ҳамма нарсага чидашга тайёр эди.

Секин-аста Мушарраф менинг ҳар кунги жаврашларимга кўникди.

Бир куни менинг мана шундай бемаъни қарғашларим устига қизим Ойгул келиб қолди. У янгасини беозор, одобли, ақлли эканлигини жуда яхши биларди. Шунинг учун мендан ранжиб деди:

— Ассалому алайкум, ойижон. Намунча? Келинингиз арпангизни хом ўрдими? Нимага уни ёмонлайверасиз? Ахир, у бечора сизга нима ёмонлик қилди? Қаранг, бечора, сизга бир оғиз гап қайтармаса, ҳамма ишларини билиб-билиб бажарса! Сизга яна нима керак? Ўзи қанақа келинни хоҳлайсиз? — дея мени кучди у.

— Сен аралашма менинг ишларимга. Ўз оилангнинг тинчини бил, — дея мен ошхона томонга қараб бақирдим: — Ҳой келин! Қайнсинглингиз келди. Тезроқ чой-пойингизни келтиринг. Имилламанг!

— Ойи, илтимос, шу бечорани мен келганда уришманг. Хижолат бўлиб кетаман, — деди қизим.

— Мана шу шумоёқ уйимизга келин бўлиб тушгандан буён бу хонадóндан файз-барака кўтарилди. Ўғлимнинг тояганида ҳам барака йўқ. Бу индамас, писмиқ яккаю ёлғиз ўғилгинамнинг бош-кўзини айлантириб тегиб олди. Энди менинг уйимга келиб хўжайинчилик

қиладимми? Чучварани хом санабди. Акангнинг ҳам кўзи қаёқда экан, билмадим. Танлаган қизига қара! На хусни бор, на ақли. Бўйини қара, бўйи. Нақ бир қарича. Бирор жойга олиб боришга ҳам уяламан. Келининг бор деса дегулик эмас-да! Нимага мени тушунмайсан?! Ёнаётган юрагимни баттар ёндирасан? Отангнинг куйдириб кетгани етмаганидек!

— Ойи, янгамни камситманг. Ахир, у ҳам бировнинг дилбанди. Онаизори бу гапларингизни эшитса хафа бўлади-я. Бир томондан энди унинг кўнглига ҳам қаранг-да. Ахир, янгам ҳомиладор. Отамнинг эса умри қисқа экан. Илоё, жойлари жаннатда бўлсин.

— Нотавон кўнгилга кўтир жомашов! Тушундингми? Менга ўргатма! Келин меники. Нима десам ҳам ҳаққим бор. Мен ҳам келин бўлганман, тандир-тандир нонлар ёпганман. Далага чиқиб, пахталар терганман. Ҳеч қачон қайнонам мени авайламаган. Янганг нимани қойиллатиб кўйибди? Оғзи овқат ейишдан бўшамайди. Қачон қарасанг кавшангани-кавшанган, — дея қизимга ундан нолидим.

— Ахир, ҳомиладор бўлганидан кейин энди икки кишининг овқатини ейди-да. Сиз у шўрликни тинчгина овқатланишига ҳам кўймаётгандирсиз? — дея қизим янғасининг ҳолатига раҳми келди.

Унинг бу гапларидан баттар ғашим келиб унга дедим:

— Ўчир овозингни! Ўзингни иззатингни бил. Кўп менинг жағимни очма!

Қизим менга гап уқдириш бефойдалигини тушуниб етгач, индамай кўя қолди. Бу пайтда янғаси хонтахта устига патнисда нон, чой, қанд-курс келтириб кўйди-да, қайнсинглиси билан ҳол-аҳвол сўрашиб, ўз юмушлари билан овора бўлди.

Қизим мени чалғитиш мақсадида гап мавзусини кўни-кўшниларга, маҳалладаги янгиликларга бурди. Биз анча суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин у кетишга чоғланди. Шунинг учун янгасининг хонасига кирди. Эшик ортидан туриб улар нима ҳақида гаплашаётганини эшитиб турдим. Қизим унга юзланиб:

– Янгажон, ойимнинг аҳволини кўриб турибсиз Шунинг учун уларнинг гапларини кўнглингизга олманг. Ўзингизни авайланг. Ойим ҳар нарса деяверади. Асло сиқилманг. Омон-эсон қутулиб олсангиз, зора неварасини кўлига олгач, меҳр уйғонса.

– Сиз сираям хижолат бўлманг. Ойимдан хафа эмасман. Ҳар доимги хархашалари, инжиқликлари. Энг муҳими, менинг ёнимда тушунадиган, кўллаб-қувватлайдиган меҳрибон, оқкўнгил акангиз бор. Шунинг ўзи етади, – деди Мушарраф.

– Эркак киши даланинг одами. У ҳар доим ҳам ёнингизда бўлавермайди. Шунинг учун ўзингизни, бўлажак жиянимни авайлаб-асранг, – деди қизим унга ғамхўрлик қилиб.

– Хўп бўлади. Фақат сиз мен учун ойингиз билан жанжаллашманг. Қачонлардир ойингиз ҳам мени тушуниб қолар, дея умид қиламан, – деди у.

– Бўпти, янгажон, яхши ўтиринглар. Акамга салом деб кўйинг. Мен уйга бора қолай. Бирровга киргандим, – дея қизим янгаси билан хайрлашди. Мен дарҳол ҳовлига чиқдим.

Кейин у мен билан ҳам хайрлашиб, ортига қарай-қарай уйига равона бўлди. Менга гап уқтиролмаганидан ўкинди.

Менинг келинимга нисбатан зуғумим ошса ошдики, камаймади. Итда тиним бор, қушда тиним бор,

аммо Мушаррафда тиним бўлмади. Мен унга иложи борича йўқ жойдан ҳам иш топиб, бир зум бўлсада тинчлик бермадим. Бечора Мушарраф кечга томон худди биров калтаклагандай тўшакка зўрға чўзиларди. Эрталаб эса ҳар доимгидек менинг камситишларимни эшитиш билан бу ҳовлида ҳаёт қайнарди.

Орадан ойлар ўтиб, унинг туғруқ даври ҳам яқинлашди. Бироқ мен атайлабдан унга оғир юмушларни ҳам буюраверардим. Чунки қайнонам мени ҳеч қачон авайламаган. Келин бўлиб рўшнолик кўрмаганман. Ҳаттоки, қайнонам сочимдан бураб, судраб урарди ҳам. Мен ҳам худди раҳматли қайнонамдек бўлишга аҳд қилгандим.

Бир куни келиним ҳовлида белини ушлаганича йиқилди. Яхшиямки, ўша куни уйда ўғлим Барот ҳам бор эди. Дарҳол “Тез ёрдам” чақиртирди. Мушаррафни туман шифохонасининг туғруқ бўлимига олиб кетишди. Ниҳоят улар интиқиб кутган фарзанд ҳам дунёга келди. Қиз экан. Унга Зарина дея исм қўйишди. Бироқ Мушаррафнинг аҳволи ҳам, чақалоқнинг аҳволи ҳам яхши эмасди. Шунинг учун она-болалар бир ойча шифохонада ётиб даволанишди. Келиним мендан чўчиганидан ҳомиладорлик вақтида тузук-қуруқ овқатланмасдан камқонлик касаллигига дучор бўлганди. Шифокорлар уни ҳам, мени ҳам огоҳлантиришганди. Мен унинг шифохонада ётиб даволанишига рухсат бермадим. Шунинг учун қизалоқ ҳам худди шу касаллик билан туғилди.

Бир куни унинг ортидан шифохонага бориб яна шанғиллай кетдим:

— Ҳадеб оёғингни кўтариб ётаверасанми? Ҳар куни сенинг олдинга келишга менинг вақтим борми? Нима бало, сил касалмисан?

Палатадошлари олдида уялган келиним унсиз йиғлашга тушди.

— Йиғлаб мени енгаман, деб ўйлама! Энди келмайман! Меҳрибон онажонинг хабар олсин! — дея мен унга жаҳл қилиб эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетдим.

Мушарраф бечора бўлса бор аламини йиғидан олибди. Худди шу пайт Мушаррафнинг онаси Сожида келиб қолибди. Нима гаплигини билгач, қудасига инсоф тилаб, қизини овутибди. Аммо мендан қаттиқ ранжибди.

Ўғлим уни кўргани борганида ҳам Мушарраф менинг айтган гапларимни айтмабди. Чунки унинг ҳам сиқилишини истамабди.

Эртаси куни ўғлимнинг қистови билан мен уни кўргани келиб, дедим:

— Ҳа, келин, тузукмисан? Ҳалиям осмонга қараб ётибсанми? Бетимнинг қаттиғи, жонимнинг ҳузури деб. Бўлди-да энди, шунча ётганинг. Уйдаги юмушлар кутиб қолди. Юр, энди.

Мушарраф менга бир сўз демасдан пиқиллаб йиғлашга тушди.

— Ҳадеб пиқиллайверма. Дўхтирингга айт-да, тезроқ уйга қайт! — дея мен келинимга бошдан-оёқ разм солдим-да, хумрайганимча хонадан чиқиб кетдим.

Ўша куни қудам ҳам боласини кўргани борганида қизи онасига ёлвора бошлабди:

— Жон, ойижон, дўхтир билан гаплашиб, мени бу ердан олиб кетинг. Сиқилиб кетдим.

Онаизор дарҳол палата шифокори билан гаплашиб, қолган даволаш муолажаларини уйда олиш шарти билан Мушаррафни ва қизалоғини у ердан олиб чиқибди.

Сожида бу ҳақда мени ҳам хабардор қилди. Аммо қаҳрим қаттиқлигидан мен неварамни ва келинимни бир бор кўргани ҳам бормадим. Қудам қизини ва неварасини икки ой ўзи парвариш қилди.

Бу орада ўғлим Барот улардан тез-тез хабар олиб турди.

Қизи соғайгач, қудам уни ва неварасини олиб меникига келди.

Уларни хушламайгина кутиб олдим. Мушарраф хонасига кириб ҳанг-манг бўлиб қолди. Кейин онасини имлаб чақирди. Қудам ҳам қизининг хонасига кириб, у ердаги кўрпа-тўшаклару, қизининг жавондаги кийим-кечаклари йўқлигини кўриб жаҳли чиқиб менга юзланди:

— Ҳой қудажон, бу нима аҳвол? Илтимос, қизимнинг нарсаларини қайтаринг. Бу нима қилганингиз ахир?

— Менга уйда ўтириб, келинлик вазифаларини бажарадиган келин керак. Касал келин керакмас! Қизингиз шукр қилиб яшайверсин. Мендан ҳеч нарсани талаб қилманглар! — дедим қаддимни ғоздек тутиб.

Қудам Сожида оғир-босиқлик билан мени мурасага чақирди. Яхшиямки, ўша куни қизим келиб қолди-да, бу вазиятни юмшатиб, янгасининг кўрпа-тўшакларини ва кийимларини мендан олиб берди.

Энди бу ҳовлида яшаш келинимга оғир кечди. Мен ҳар бир гапида унинг касаллигини пеш қилиб, гап билан чақиб-чақиб олардим.

Бир куни Мушарраф уйига йиғлаб борибди. Бу гал мен унинг кийимларини олиб қўйиб, ҳақорат қилгандим. Онаси яна менга Яратгандан инсоф сўраб, қизини уйда олиб қолди.

Мушарраф бир ҳафта онасиникида яшади. Аммо чиққан қиз чиғириқдан ташқари деганларидек, яна у ерга ҳам сиғмади. Шунинг учун боласини кўтариб қайтиб келди.

Менинг эса унинг кетиб қолишидан тоқатим-тоқ бўлганди. Шунинг учун энди уни баттар гап-сўзлар билан эза бошладим.

Бир куни қизим келди. Янгасининг хамир қоришга ҳоли бўлмаётганини кўриб, ўзи енг шимариб хамир қоришга киришиб кетди.

Буни кўриб тутақиб кетдим:

— Бу уйда ким келин ўзи? Қизим сенга малайми? Хамирни ўзинг қил! Битта нонни қилолмасанг, нима керагинг бор ўзи? Сил касал бўлсанг, айт, тезроқ жавобингни берворайлик!

— Ойи, бўлди-да энди, — деди қизим менга қараб.

Шу пайт ичкаридан неварамнинг биғиллаб йиғлагани эшитилди. Мен яна бор захримни келинимга сочдим:

— Ўл-а, битта болани ҳам эпллолмасанг! Туғиб нима қилардинг! Уф, болангдан ҳам, ўзингдан ҳам безор бўлдим. Ўчир болангнинг овозини! Битта болани ҳам эпллолмайди бу! Ўчир болангнинг овозини, ер юткур! Хаҳ келин бўлмай келисоп бўлгур!

— Ойижон, нима қилай, овутолмаяпман! Эҳтимол, бирор жойи оғриётгандир, — деди кўрқа-писа келиним менга.

— Ўзинг касалванд бўлганингдан кейин, боланг ҳам касалванд бўлади-да! Бор, чиқ уйимдан. Жонга ҳам тегиб кетдинг-ку! Йўқол! — дея уни кўлидан ушлаб судрай бошладим.

— Ойижон, ҳайдаманг. Уйдагиларга нима дейман ахир?! — дея Мушарраф зорланиб йиғлай бошлади.

— Ундай бўлса, сени кўчага яланғоч қилиб, шармандаларча ҳайдайман. Ҳозирча шу ерда ўтира тур, — дея мен жаҳл билан келинимнинг хонасини қулфладим.

Ичкарида Мушарраф боласига кўшилиб, ўзи ҳам ўксиниб йиғларди.

Қизим бўлса менинг инсофга келишимни, янгасини хўрламаслигимни айтиб, мендан аразлаб кетиб қолди.

Келиним энди ҳар кунги жанжалларга ҳам, ҳақоратларга ҳам чидаб яшай бошлади.

Бироқ бир куни Мушаррафни урдим, хонасига қамаб қўйдим. Ўша куни у оёқ яланг онасиникига кириб борибди.

— Вой ўлмасам! Нима бўлди, болам, тинчликми? — дея уни бағрига босибди қудам.

— Қайнонам болам йиғлагани учун, уни овутолмаганим учун мени урди. Касалванд келин керакмас менга, дея бақирди. Мени яланғоч ҳолда ҳайдамоқчи бўлиб, хонамга қамаб қўйди. Деразамизни бир амаллаб очиб, қочиб келдим. Онажон бу ҳаётдан тўйиб кетдим. Қайнонамнинг бу қилиқларига қачонгача чидайман ахир! — дея Мушарраф ўксиниб-ўксиниб йиғлабди.

У онасиникида уч кун телбаларча юрибди. Сўнг ошхонага кирибди-да ўчоқ ёнида турган соляркани ўзига сепиб, гугурт чақибди. Бир зумда у гулханга айланибди.

“Тез ёрдам” машинаси дунёни бузгудек бўлиб чин-қириб уни олиб кетибди. Афсуски, унинг жонини сақлаб қолишнинг имкони бўлмабди. Келиним менинг зулмимдан ўзига гулхандан макон ясади.

Мушаррафнинг ўлиmidан сўнг мен жиний жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилдим. Неварамни эркалатиб ўтириш ўрнига бу ерда ўтирибман.

Мен жуда катта хато қилдим. Мўмин-қобил келинимнинг уволига қолдим...”

* * *

Орамизда шундай жоҳил, қаҳри қаттиқ қайноналар ҳам бор экан. У гулдек келинининг умрига зомин бўлди. Фақат қилган хатосини энди тан оляпти. Афсуски, энди кеч. Бу қилган хатосини фарзанди, қудалари кечира олармикин?

Кейинги хатимда тикувчилик цехида бирга ишлайдиган Лола опа ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 1 июнь

СОХТА “КОКА-КОЛА”ЛАР

Салом, дугонажон! Хатингизни олдим. Ундаги янгиликларни ўқиб жудаям хурсанд бўлдим. Мен сизга бу хатимда Лола опанинг бу ерга қандай тушиб қолгани ҳақида ўзининг тилида ёзиб юбораман...

* * *

“Мен ноқонуний равишда “The Coca-Cola company” савдо маркаси остида ишлаб чиқарилган сохта салқин ичимликларни аҳолига сотиш йўли орқали ноқонуний бойлик орттириш мақсадида ўз уйимда яширин цех очдим. Бу ишга, ҳаттоки вояга етмаган ўғлимни ҳам жалб этдим.

“Coca-cola” ва “Fanta” маркали салқин ичимликларни ишлаб чиқариш учун концентрат, сахарин, лимон кислотаси, шакар, углекислый газ балондан, учта электрик паялник, битта бензинли паялник, турли

металл ва пластмасса идишларидан фойдаланардим. Мен “Coca-cola” ва “Fanta” савдо маркали бўш баклашкаларни “Кўйлик-7” мавзесидаги “Эльбрус” ва “Водий” кафеларидаги фаррошлардан ва “Кўйлик” бозоридан, “Кола” ва “Оранж” ичимликларининг сахаринлари ва концентратларини “Геомакс” офисидан сотиб олардим.

Шерикларим Раҳмиддин, Маматқул, Мусаллам, Файзулла, Ўлмас, Муножот ва ўзимнинг вояга етмаган ўғлим Ҳамидлар билан ноқонуний савдо фаолияти билан икки йил шуғулландим. Жуда кўп миқдорда назорат қилинмайдиган фойда олишга, ўзганинг мулкини алдаш билан кўлга киритишга, аҳолининг дунёга машхур савдо маркасига бўлган ишончини суиистеъмол қилиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, соғлик ва ҳаёт учун хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан шуғулланадиган гуруҳ ташкил этдим.

Икки йил мобайнида менинг йўлбошчилигимда Ўлмас, Мусаллам ва Маматқул томонидан ишлаб чиқарилган сохта салқин ичимликларни Раҳмиддин ва Файзуллалар томонидан дунёга машхур “The Coca-Cola company” савдо маркаси томонидан ишлаб чиқарилган салқин ичимлик” деб республикамизнинг турли савдо шохобчаларида нақд пулга муомалага киритдим.

Биз икки йил давомида ноқонуний равишда ишлаб чиқарилган “Coca-cola” ва “Fanta” савдо маркали сохта салқин ичимликларни уй шароитида, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаган ҳолатда, ишлаб чиқариб, узоқ муддат давомида ўзимизни “Coca-cola Bottlers Uzbekistan Ltd” МЧЖнинг ходимлари деб таништирдик.

Ишларимиз авж олаётганидан завқланган Ўлмас Сергели туманидаги Муножотнинг уйини ижарага олиб, укасини, танишлари Тўлқин, Муножот, Раҳмиддин ва Файзуллаларни бу ишга жалб этди. Бу уйда ҳам тўрт ой мобайнида сохга салқин ичимликлар ишлаб чиқарилиб, сотилди.

Бир куни Н.Сафаров ўзига тегишли бўлган Чилонзор туманидаги дўконида ўтирган экан, у ерга йигирма ёшлардаги йигит кириб келибди-да, ўзини “Coca-cola Bottlers Uzbekistan Ltd” МЧЖнинг ходими Бунёдман дея таништирибди:

— Нақд пулга, арзон нархга салқин ичимликлар сотаман, — дебди.

— Кечирасиз, ука, ҳозирча айтган ичимликларингиздан дўконимизда етарли. Мабодо тугаб қолса, айтармиз, — дебди дўкон эгаси.

— Ундай бўлса манави менинг қўл телефоним. Хоҳлаган пайтингизда қўнғироқ қилиб керак бўлиб қолса, сўрашингиз мумкин, — дея йигитча қўлидаги ташриф қоғозини сотувчига узатиб кетибди.

Ойнинг охирларида эса ўзини Файзулла деб таништирган йигит Н.Сафаровнинг дўконига борибди.

— Мен Бунёднинг ҳамкасби бўламан. Нақд пулга салқин ичимликлар сотишни таклиф қилган экан. Шунга келгандим, — дебди у.

— Ҳа, майли. Яқинда укамнинг туғилган куни. Шунча йўлдан овора бўлиб келибсиз, қуруқ қайтманг энди. Уч блок “Coca-cola” ва бир блок “Fanta” ичимлигингиздан бера қолинг. Айтганча, ичимликларингизнинг нархи қанчадан? — деб сўрабди у.

→ Амаки, сизга арзон нархда бераман. Хурсанд бўласиз. Ҳар бир баклажкаси бир минг уч юз сўмдан,

— дея Файзулла эпчиллик билан дўкон олдида турган оқ рангли “Дамас” машинасидан йигирма тўрт баклажка салқин ичимликларни туширибди. Н.Сафаров ўзининг шахсий пулларида Файзуллага 31200 сўм санаб берибди.

Кечкурун хурсанд бўлганича бу ичимликларни укасининг туғилган кунига совға сифатида олиб боришни мўлжаллаб уйига бекитиб қўйибди.

Орадан тўрт-беш кун ўтгандан сўнг унинг дўкони ёнига “Coca-cola Bottlers Uzbekistan Ltd” МЧЖнинг агенти “Матиз” русумли “фирменный” машинада келиб, унга мурожаат қилибди:

— Охирги кунларда нақд пулга ўзини “Coca-cola Bottlers Uzbekistan Ltd” МЧЖнинг ходимиман деб таништирган шахслардан салқин ичимликлар сотиб олдингизми?

— Ҳа, йигирма тўрт баклашкасини сотиб олгандим, тинчликми? — дея ҳайрон бўлибди Н.Сафаров.

— Улар ҳозир қаерда? Бизга кўрсата оласизми? — дебди нотаниш йигит.

Н.Сафаров дарров дўконни қулфлаб, агент билан биргаликда уйига бориб, олган маҳсулотларини унга кўрсатибди. Агент бу маҳсулотлардан бирини қўлига олиб синчковлик билан кўрибди-да, дўкончига юзланибди:

— Бу бизнинг заводда ишлаб чиқарилмаган. Қаранг, этикеткаси эски, қопқоғи паять қилинган, ранги ва сифатида фарқ бор.

Н.Сафаров дарҳол битта салқин ичимликдан бирини очиб, татиб кўрибди. Ҳақиқатан ҳам бу ичимликнинг мазаси, ҳиди ва яхши газланмаганлиги, сифати яхши эмаслигидан уни қўлбола усулда ишлаб чиқа-

рилганлигига ишонч ҳосил қилибди. Агент бу маҳсулотлардан бир донадан намуна сифатида олиб, у билан хайрлашиб жўнаб кетибди.

Менинг олғир тадбиркорларим эса кетма-кет сотувчиларни ўз қармоғига илинтиришга ҳаракат қилишарди. К. Аблаев ҳам Маматқулнинг тузоғига тушди. У Чилонзор туманида жойлашган дўконда ишловчи қариндошига ёрдам бераман деб ўтирган экан. Унинг олдига борган Маматқул салқин ичимликларни нақд пулга олишни таклиф қилибди.

— Йўқ, ололмайман. Чунки биз бу ичимликларни шартнома тузиб, пул ўтказиш йўли орқали сотиб оламиз, — дебди К. Аблаев.

— Ие, қизиқ экансиз. Нақд пулга арзон тушади-ку. Ўзингиз ҳам анча-мунча фойда қиласиз. 1,5 литрли ичимликлар атига 1.200 сўмдан, — дея уни аврабди Маматқул.

— Яқинда оғайниларим билан “гап”имиз бор. Шунга ўзимга ола қолай. Ўттиз дона “Coca-cola” бера қол, — дея у Маматқулга 36000 сўмни санаб берибди.

Кейин улардан бирини очиб ичиб кўрибди. Бунинг сохта эканлигини англагандек бўлибди ва қариндошига телефон қилибди. Қариндоши етиб келгач, бўлган воқеани тушунтирибди.

— У бирор бир алоқа телефонини ташлаб кетмадимми? Демак, “Coca-cola” компаниясининг сотувчиси эмас. У бор-йўғи фирибгар, — дебди қариндоши.

Шундан сўнг К.Аблаев сохта салқин ичимликларини ахлатхонага олиб бориб ташлабди.

Июль ойидан бошлаб “Coca-cola Bottlers Uzbekistan Ltd” МЧЖнинг номига кўплаб истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати яхши эмаслиги, сохта ичимликларни муомалага ки-

ритишаётган шахсларнинг автомашиналарининг давлат рақамларини кўрсатишиб, мурожаатлар келиб тушибди. Шундан сўнг ушбу МЧЖнинг лабораториясида сохта салқин ичимликларидан намуналар олиб кўришибди. Уларни текшириш жараёнида шу нарса аниқланибдики, ҳақиқатан ҳам бу салқин ичимликлар уларнинг МЧЖда ишлаб чиқарилмаганлиги аён бўлибди.

“Coca-cola Bottlers Uzbekistan Ltd” МЧЖнинг юрист-консультанти Б.Усмонов ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга шу хилдаги сохта салқин ичимликларни муомалага киритилишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар қилишини сўраб мурожаат қилибди.

“Кўза кунда эмас, кунда синади” деганлари рост экан. Сентябрь ойида бизнинг бу ишимизга чек қўйишди. Ўша куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани бўлими ходимлари томонидан Раҳмиддин Мамаюсуповга тегишли автомашина текширилганда автомобилнинг юкхонаси ва саломида мен яшаб турган уйда ноқонуний равишда ишлаб чиқилган, муомалага киритиш учун тайёрлаб қўйилган “Coca-cola”, “Fanta” савдо маркали сохта салқин ичимликлар борлиги аниқланди. Тезда департаментнинг ходимлари Раҳмиддин айтган манзилда текширув ўтказишди. Менинг уйимда “Coca-cola” ва “Fanta” савдо маркали сохта салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўлбола дастгоҳ ва анжомлар, сатураторлар, совуткичлар ва пальниклар, тўрт дона углекислый газ баллони, концентратлар, бўёқлар, бўш баклашкалар, қопқоқлар ҳамда муомалага киритиш учун тайёрлаб қўйилган сохта салқин ичимликлар борлиги аниқланиб, улар олиб қўйилди.

Кўйлик бозорида нақд пулга “Coca-cola”, “Fanta” савдо маркаси остидаги сохта салқин ичимликларни сотаётган Раҳмиддин ва Маматқуллар ҳақида СВОЖЖ-ДЛҚК Департаментининг Миробод туман бўлимига маълумотлар келиб тушибди. Сергели туман ДСИ томонидан ноқонуний равишда ишлаб чиқарилган сохта салқин ичимликлар бўйича аналитик маълумотга асосан, менинг иш жараёним давомида сохта ичимликлар ишлаб чиқарганлигим ҳамда сохта салқин ичимликларни ишлаб чиқаришга ва муомалага киритишга тайёрлаб қўйганлигим маълум бўлди.

Мен ва менинг жинойи гуруҳ аъзоларим уй шароитида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаган ҳолда сохта салқин ичимликлар ишлаб чиқариб, аҳолининг соғлигига ва ҳаётига хавф солиши мумкинлигини била туриб, уларни истеъмол қилиш оқибатида одамларнинг оммавий заҳарланиши, инфекциян касалликларни, ўта хавфли онкологик хасталикларни келтириб чиқариши мумкин бўлганлигини эътиборга олмасдан сифати яхши бўлмаган бу маҳсулотларни бозорларга чиқардик.

Давлат санитария-эпидемиология назоратининг Миробод тумани марказининг хулосасига кўра менинг уйимнинг биноси санитария-гигиена нормаларининг талабларига умуман тўғри келмай, салқин ичимликлар ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаганлиги, ишчилар тиббий кўрикдан ўтишмаганлиги, маҳсулот учун сифат сертификатлари тақдим этилмаганлиги аниқланди.

Сергели туманидаги яна битта яширин цехимиз ҳам фош этилди. Бу ерда “Coca-cola” савдо маркаси остидаги “Fanta”, “Bonaqua” ичимликлари, бўш баклаш-

калар, қопқоқлар, концентратлар, шакар, сахарин, целлофан пакетлар, битта сатуратор ва иккита кислород баллонлари борлиги аниқланди. Бу цехнинг ташкилотчиси ва раҳбари менинг шогирдим Ўлмас Қудратов эди. У ўзининг фаолияти давомида сохта салқин ичимликлар ишлаб чиқаргани ва сотгани маълум бўлди. Шундай қилиб биз сохта тадбиркорлар қўлга тушдик.

Раҳмиддин Мамаюсуповга тегишли бўлган автоулов жиноят қуроли деб топилиб, давлат фойдасига мусодара қилинди.

Мен ва шерикларим озодликдан маҳрум қилиндик.

Нонкўрлик қилдим. Чунки юртбошимиз тадбиркорларимизга кенг шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиб берди. Аммо бундан тўғри фойдаланишни билмасдан қабиҳлик қилиб эгри йўлни афзал деб билдим.

Бу ерда ўтириб қилган ишларимдан пушаймон бўлиб кетяпман. Ахир, ўша ичимликларни ўзимиз ёки қариндошларимиз ҳам ичиши мумкин-ку. Нимага шуни вақтлроқ ўйламаган эканман? Жуда кўпчиликнинг соғлигига зиён етказдим. Афсусдаман. Бу ердан озодликка чиқсам, албатта тадбиркор бўламан. Фақатгина ҳалол йўл билан пул топаман...”

* * *

Дугонажон, кўрдингизми, орамизда шундай сохта тадбиркорлар ҳам борлигини! Унинг қилган ишларидан нафратланиб кетяпман. Агар улар қўлга тушмаганида яна қанчадан-қанча одамларнинг соғлигига путур етказган бўларди. Хайр.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишиб қолган Робия опанинг бу ерга қандай тушгани ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 18 июнь

“КЕП ҚОЛИНГ, СОТАМАН...”

Ассалому алайкум, дугонажон? Соғликларингиз яхшими? Чопқиллаб юрибсизми? Мендан ҳол-аҳвол сўрасангиз, ҳаммаси жойида. Бу гал сизга ваъда қилганимдек, Робия опанинг бу ерга келиб қолгани ҳақида ўзининг тилидан ёзиб юборяпман...

* * *

“Мен бундан тўрт йил олдин қилган илк жиноятим учун қамалгандим. Қашқадарё вилоятининг турмасида, жазони ўтаётган вақтимда, тожикистонлик Муршида деган аёл билан танишдим.

— Бу ердан озодликка чиққанингиздан сўнг, бизникига — Тожикистонга борсангиз, мен сизга героин топиб бераман. Фақат кўпроқ пул олволинг. Кетган пулингизга ачинмайсиз. Бир сўм сарф қилсангиз пулингиз ўн сўм бўлиб қайтади. Героинни сотиб, ишласдан ҳам бемалол бойиб кетишингиз, моддий эҳтиёжларингизни қондиришингиз, керакли нарсаларни сотиб олишингиз мумкин, — деди бир куни Муршида у ёқ-бу ёққа аланглаганича.

— Ростданми? Уни олиб юриш хавфли дейишадику? — дедим ажабланиб.

— Ие, қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деганлар. Бу ёғини амаллайсиз-да энди. Бекобод шаҳрининг чегарасига бориб ўша ерда яшайдиган аёллардан мени сўрасангиз, дарҳол топиб беришади, — деди Муршида.

Шундан сўнг биз бирин-кетин озодликка чиқ-

дик. Орадан анча вақт ўтди. Қамалиб чиққанимни эшитганларнинг бирортаси мени ишга қабул қилишмади. Ўзимни кераксиз инсондек ҳис қилдим. Бундан жудаям хафа бўлиб кетдим. Ахир, қилган хатойим учун жазоимни олиб чиқдим-ку. Нимага улар мени тушунишмайди, дея нима қилишимни билмай хаёл суриб ўтиргандим, ёдимга Муршида тушиб қолди. Ахир, у менга астойдил ёрдам бераман, олдимга бор, ишламасдан ҳам бойиб кетишинг мумкин деганди, дея моддий томондан қийналиб турганим учун осонгина пул топиш илинжида опамдан савдо-сотиқ қиламан, пулингизни бир ой ичидаёқ қайтараман, деб 400000 сўм олиб, Бекободга йўл олдим. Чунки қариндошларимдан қарз олиб яшаш жонимга текканди. У ердан Тожикистон чегарасига бориб, ўша атрофдаги аёллардан Муршидани сўрадим. Икки соатлардан сўнг Муршида ҳам етиб келди. Биз худди қадрдон опа-сингиллардек қучоқлашиб кўришишдик. Бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашгач, мен муддаога ўтдим:

— Ўзингиз айтганингиздек, анави “матох”га келдим. Уни сотиб пул ишламоқчиман. Фақат йўл-йўриғини кўрсатсангиз, ўргатсангиз бас.

— Гап йўқ, Робияхон. Сиз учун ҳозирнинг ўзидаёқ ернинг тагидан бўлса ҳам ўша “матох”дан топиб келиб бераман. Озгина кутиб туринг, — дея Муршида тез-тез юриб кетди.

Қаергадир бориб, ярим соатлардан сўнг юзида табассум билан қайтиб келиб деди:

— Манави сизга, Робияхон. Бунинг ичида йигирма грамм героин моддаси бор. Бир граммдан бўлиб-бўлиб сотсангиз ҳам анчагина бойиб қоласиз, пичоғингиз мой устида бўлади.

Шундан сўнг мен героинни 260 минг сўмга савдолашдим. Муршида менга жуда эҳтиёт бўлишимни уқтирди. У билан хайрлашиб, дарҳол ўша ердан такси ёллаб, Наманганга қайтиб кетдим.

Уйга келгач, уни қандай қилиб, кимга сотишни ўйлаб қолдим. Афсуски, уни сотишнинг ўзи бўлмас экан.

Эртаси куни Тошкентда яшайдиган, Қашқадарёда турмада бирга ўтирган, героин савдоси билан шуғулланган, ҳаттоки ўша заҳри қотилдан истеъмол қилиб турган, камерадошим Майсара кўнғироқ қилиб қолди:

— Ҳойнаҳой, ишга жойлашолмай хуноб бўлиб ўтирган бўлсангиз керак. Бизга ўхшаганларни ишга олиш жудаям қийин. Аммо иложини топса бўлади. Тошкентга келсангиз, сизбоп иш топилиб қолади. Келинг, ўзим ёрдамлашаман, — дея мендан ҳол-аҳвол сўради у.

Бу гап менга жудаям ёқиб тушди. Кўнғироқлашиб, таксига чиқдим. Намангандан Тошкентга йўл олдим. Иккаламиз Чигатой дарвозаси олдида учрашдик. Худди қадрдонлардек кўришдик. Кейин ўша атрофдаги қаҳвахоналардан бирига кириб, овқатландик.

— Уйдагилар, қариндош-уруғлар ҳаммаси яхши юришибдимми? Ота-онангиз сиздан хафа бўлиб ўтиришгандир. Ҳалиям героин истеъмол қиляпсизми? — деб сўрадим Майсарадан.

— Эҳ, мён айтмай, сиз эшитманг. Бу заҳри қотилдан қутулолмайман шекилли. Хумори тутса ўзимни кўйгани жой тополмай қоламан. Кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолади. Энди укол қилиш йўли билан истеъмол қиляпман, — деди у.

— Мен ҳозир ўзим билан бирга йигирма грамм героин моддасини олиб келганман. Харидор топиб, уни

сотиш керак. Шунинг учун уни сизга ташлаб кетаман. Пулини ўн-ўн беш кунда қилиб берсангиз бўлгани. Ҳаммаси бўлиб саккиз юз минг сўм берарсиз, — дедим мен пичирлаб.

Майсарага менинг бу таклифим мойдек ёқиб тушди. Икковимиз маза қилиб овқатланиб, суҳбатлашиб, биргаликда хурсанд бўлиб қаҳвахонадан чиқдик. Бир таксига ўтириб Майсараникига бордик. Чунки у кўп қаватли уйларнинг бир хоналисида ўзи яшарди. У ётоғидаги каравот тагига мен олиб келган героинни бекитиб қўйди. Сўнгра иккаламиз кўчага чиқиб, таксига ўтириб, “Гранд” меҳмонхонасининг олдига бордик. У ерда Майсара бир аёлга учрашиб, менга бир кунга тунаб қолишим учун жой сўради. Аёл унга бир манзилни берди. Биз ёзилган манзилга бордик. Мен ўша ерда қолдим. Майсара у ердан қайтиб келаётиб, Чигатой дарвозага яқинлашганида, уни иккита йигит тўхтатибди:

— Бизлар милиция ходимларимиз. Ёнингизда шахсингизни тасдиқлайдиган бирор бир ҳужжатингиз ва қонунга хилоф нарсалар борми? — дея сўрабди.

Уларга ёлғон гапириш бефойда эканлигини сезган Майсара шимининг чўнтагидан бир дона зар қоғоз ўрамидаги героинни уларнинг қўлларига тутқазибди.

— Ўзим истеъмол қиламан. Танишим Робиядан олганман, — дебди у.

Шундан сўнг милиция ходимлари уни уйига олиб боришиб, иккита холис иштирокида ётоқдаги каравот тагида қолган героинларни топиб олишибди.

Осонгина пул топаман, деб ширингина хаёлларга берилиб ётганимда милиция ходимларини кўриб тушимми, ўнгимми эканлигини англолмай қолдим.

Шундай қилиб, суд бу ишни атрофлича ўрганиб

чиқиб, Майсарани ўн йилга, мени ўн уч йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Ўтаётган ҳар бир вақтимга ачиниб кетяпман. Тенгдошларимнинг икки-учтадан фарзанди, сеvimли оиласи, ардоқлайдиган турмуш ўртоқлари бор. Мен шу ёшга кириб ҳеч нарсага эришолмадим. Ҳаттоки, қўлимда бирор-бир касбим ёки ҳунарим ҳам йўқ. Қилган ишларимдан жудаям афсусдаман...”

* * *

Айримлар ёшлигини елга совуриб, ота-оналарининг маслаҳатларига қулоқ солмай, ўзбошимчалик қилиб, бу ерга тушиб қолганларидан сўнггина афсуснадоматлар чекишяпти. Қилган ишлари нотўғри эканлигини англашяпти.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида бирга ишлайдиган Муслима опа ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 26 июнь

ЭРИНИ ЎЛДИРГАН МУСЛИМА

Ушбу мактубим шамолдек шошиб, сизнинг қўлингизга етиб боришини истаб ёзаяпман. Қалайсиз, дугонажон? Омонмисиз? Маҳалламиздагилар яхши юришибдими? Мактубингизни олган заҳотиёқ уни ўқиб жавоб ёзишга шайландим. Бу гал сизга ваъда қилганимдек, Муслима опа ҳақида ўзининг тилидан ёзиб юбораяпман...

* * *

“Мен бир олам орзулар билан турмушга чиқдим. Ҳаш-паш дегунча тўрт фарзандли ҳам бўлдик. Энди

шунга яраша уларнинг ташвишлари ҳам кўпайди. Аммо турмуш ўртоғим Норқобил оталик масъулиятини ҳис қилмасдан, топган пулини улфатлари билан чойхонада совурар, уйга маст-аласт бўлиб келиб менга, кейинчалик “онамни урманг!” дея зорланадиган болаларимга ҳам қўл кўтарадиган бўлди. Аввалига мен бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демадим. Чунки турмушнинг муштлари ҳам борлигини билардим. Аммо онаизорнинг юраги сезаркан. Аям ноҳақ эримдан калтак еганимда юраги безовталаниб мендан хабар олгани йўлга тушарди. Мени қанча қийин-қистовга олса-да, ҳеч қачон эримдан нолимасдим.

— Болам, нимага пешонанг ғурра бўлди? Қўлларинг нимага кўкарган? — дея мендан ташвишланиб сўроққа тутарди аям.

— Итга овқат бермоқчи эдим, занжирининг қозигига қоқилиб, йиқилиб тушдим, — дея баҳона тўқирдим.

— Эҳтиёт бўлсанг бўлмайдими, болам? Сен тинч бўлсанг, мен ҳам хотиржамман. Нигора неварамни бугун мен олиб кета қолай. Оёғим ўлгур кейинги пайтларда оғрийдиган бўлиб қолган. Кечқурун дори суртиб, уқалаб қўяди. Отангга айтсам “Энди бир камим сенинг оёғингни уқалаш қолувди” дея энсаси қотади, — дейди аям шўрлик.

— Майли, аяжон, неварангизни олиб кетаверинг! Фақат эрталаб мактабига кеч қолмасин! — дея онамнинг кўнглини хотиржам қилишга уринаман.

— Бу ёғидан кўнглинг тўқ бўлсин. Ўзим кейинги пайтларда “будильник” бўлиб қолганман. Уйқум йўқ. Кексаликники бўлса керак-да. Энди биз уйимизга бора қолайлик. Бир зум ҳовлида кўринмай қолсам отанг мени излаб қолади, — дея аям ўрнидан туриб кетишга шошилади.

— Отам сизни қаттиқ севади-да, ая. Сизларга кўз тегмасин, — дея қизим Нигорага юзландим: — Тез папкангни ол-да, аямларникига бора қол.

Буви билан невара йўлга тушишади. Бу дунёда боладек беозор ва тўғрисўз инсон бўлмаса керак. Нигора бувисига бор ҳақиқатни, яъни дадасининг тез-тез ичиб келишию уйда тўполон қилишини, аясини, укаларини, ҳаттоки ўзини ҳам сўкиб, уриб, калтаклашларини айтиб берибди. Аям куёвининг ножўя қилиқларини отамга айтганда, у ўйланиб ўтириб дебди:

— Бир оз сабр қилайлик-чи? Сув ҳам бир лойқаланиб, сўнг тинади. Зора куёвимизга инсоф кирса. Тўртта боласини чирқиратиб, тирик етим қилмайлик.

Шундан сўнг аямнинг дами ичига тушиб кетибди. Орадан бир ой вақт ўтди. Бир куни тонг-сахарда аям туш кўрибди. Тушида мен дод солиб ёрдам сўраётганмишман. Эрим менинг сочимни кўлларига ўраб олиб, қаёққадир судраб кетаётганмиш. Аям ўша куни шу туш таъсирида юрибди. Кўнгли хижил бўлибди. Ҳаттоки тушини бировга айтолмабди ҳам. Кеч тушганда меникига отланибди. Дарвозада неваралари аямни хурсанд бўлганича кутиб олишди. Ўша куни биз анча вақтгача чақ-чақлашиб ўтирдик. Кейин мен болаларимнинг ёнига ётиш учун аямга жой солиб бердим. Ярим тунда эрим улфатларининг ёнидан қайтиб, мени қаттиқ-қаттиқ овозда сўка бошлади. Аям шундоғам безовталаниб, ухлай олмаётган экан. Ўрнидан шартта туриб, ётоқхонамизнинг эшигини секингина қия очиб қулоқ тутибди.

— Жим, дадаси, жим! Нариги хонада аям ухлаяпти. Уйғотиб юборасиз! — дея пичирладим эримга.

— Пишириб қўйибдими аянгта?! Нимага келибди ўзи? Ҳойнаҳой, менинг устимдан дийдиё қилган бўлсанг керак-да! — деди беандишалик қилиб турмуш ўртоғим.

— Секинроқ гапиринг, жон дадаси! Илтимос, шу бугун жанжал қилманг! Жон дадаси! — дея ёлвора бошладим унга.

— Ўчир овозингни! Менга хўжайинлик қилмоқчи бўляпсанми? Оғзимни ёпмоқчимисан? Ҳозир ўзингни оғзингни ёпиб қўяман! — дея эрим жазавага тушиб мени бўға бошлади.

Овозим чиқмай қолганидан хавотирланиб аям хонага шахд билан кирди-ю, гиламда типирчилаб ётган қизига кўзи тушиб додлаб юборди:

— Вой-дод, ўлдириб қўяди! Дод! — дея ёшига хос бўлмаган эпчиллик билан куёвининг қўлларига ёпишди. Бир амаллаб унинг қўлларини менинг бўғзимдан бўшатди. Мени бағрига босиб хўнграганча деди:

— Мен сени бу баттол билан яшатмайман! Уйга кетамиз, болам, уйга! Бу қўлинг сингурга сени урсин, бўғсин деб бермаганман. Сен бизга кераксан, болам...

— Ҳе, иккалангнинг ҳам онангни... — дея сўкинди турмуш уртоғим. — Ҳозироқ уйимдан чиқиб кетларинг! Онаси ўпмаганига уйланаман. Шу ҳам хотин бўлдими? Чиқ!

Она-бола унинг вазоҳатидан кўрқиб, тезда хонани тарк этдик. Болаларим бу шовқин-сурондан аллақачон уйғониб, титраб туришарди. Тезда уларга ўзларига керакли нарсаларини олишни тайинладим. Кейин ҳаммамиз биргаликда аямникига кетдик. Кўп вақт ўтмай биз ажрашдик. Икки йилча аямникида яшадик. Аммо уйимиздан совчиларнинг кети узилмай қолди. “Тешик мунчоқ ерда қолмас” деганларидек менинг ҳам нариги маҳаллада фарзандга зор бўлган муносибим топилиб қолди. Аям тезда синглисини олиб, бўлажак куёви Камолиддиннинг оиласини кўни-кўшнилардан суриштириб, кейин унга узатишни лозим кўрди.

Кўп вақт ўтмай Холниса холам бошчилигида тўрт аёл мени Камолиддиннигига узатиб боришди. Камолиддин уйда тўнғич фарзанд бўлганлиги учун уни илк бор уйлантирганида Холида ая шундоққина ёнига уй-жой қилиб берган экан. Ўзи яшайдиган ҳовлида эса кенжатоғи Маъмурни қолдирибди. Уларнинг ўртала-рида фақатгина девор бор эди, холос.

Қайнонам билан бирпасда аҳил-иноқ бўлиб кетдик. Аммо фарзанд нималигини билмай умри ўтаётган Камолиддинга болаларим ёқмасди. Шунинг учун фарзандларимни аямнигига қўйиб келишга мажбур бўлдим. Озроқ вақт ўтгач, Камолиддиннинг ҳам хур-мача қилиқлари юзага чиқа бошлади. Гап-сўзларимдан, қилган ишларимдан айб топиб, мени ҳақоратлаб, сўкиб, калтаклай бошлади.

Мен ёмғирдан қутилиб, дўлга тутилганимни кеч англадим. Тишимни-тишимга босдим. Сабр қилдим. Чунки агар бу эримдан ҳам ажрашсам, маҳалламда-гилар “Муслиманинг ўзи ёмон экан. Бўлмаса, иккита эрдан ҳам ажрашиб, отасиникига келиб ўтирармиди?” деган гапни қилишарди. Ҳеч ким “эрининг ўзида айб экан” демасди. Зора эримга инсоф кирса, дея ўйлардим. Аммо эримга инсоф битиш ўрнига унинг зуғуми кундан-кунга кучая борди.

— Анави итдан бўлган итвачча ўғлингни ўлдираман! Қизинг Нигорани кўзинг олдида номусига тегиб, ҳеч ким уйланомайдиган қилиб кўяман! — дея мени кўрқита бошларди эрим.

Иложи борича болаларимни бу ерға келтирмасликка, соғинишса, ўзим бориб кўришга ошиқадиган бўлдим. Бу ҳақда аямга ҳам билдирмасдим. Шундоғам болаларим ўғай дадасининг қовоқ-тумшуғига қараш-

га юраклари бетламасди. Уларга бувисиникида яшаш ёқарди.

Камолиддин эса ҳамон фарзанди бўлмаётганлигидан ич-этини ерди. Ҳаттоки, у хусусий шифохонага бориб даволанишни ҳам бошлади. Бир томондан уйимизнинг ёнига новвойхона қуришга киришдик.

Кунларнинг бирида биз эрталаб қайнонамникига чиқдик. Ҳовлида қайнукам Маъмурга кўзим тушиб, у билан саломлашдик.

— Ука, синглимиз Мунавварларникидан иккита труба олиб келиб бер! Новвойхонамга керак эди, — деди эрим унга.

— Бўпти, акажон! Бир оғиз гапингиз. Шу бугуноқ трубаларни етказаман. Уйга кириш. Чой ичамиз, — деди укаси.

— Чойни кейин ҳам ичаверамиз. Аввал ишларимни битириб олай, — дея Камолиддин изига қайтди.

Кўп вақт ўтмай Маъмур аравада синглисининг ҳовлисида турган икки дона эски қувурни олиб, бизникига ташлаб, ўзи бозорга кетди.

Камолиддин уйда ўтириб “наша” чеккач, икки маротаба қамалиб чиққанлиги, қамоқдан чиққанидан сўнг ҳеч ким уни ишга олмаганлиги, автомашинасида киракашлик қилиб тирикчилик қилгани, бир ой олдин автомашинасида аварияга учраб, уйда ўтириб қолгани эсига тушиб, буларнинг барчасини менга айтиб бақирди. Мен секингина қайнонамникига ўтдим. Бир оз гурунглашиб ўтириб дедим:

— Кейинги пайтлари ўғлингиз асабимга тегяпти. Жаҳлим чиқса бирон-бир куни уни бўғиб ўлдираман.

— Келин “Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди”, деган гап бор. Ниятингизни

яхши қилинг. Нуқул шунақа деяверасиз. Болам бечора қамалиб чиққанидан буён одамови бўлиб қолган. Сал кўнглига қаранг-да, келин! — дея норози оҳангда тўнғиллади қайнонам.

— Ўғлингизнинг оғзидан чиққан гапларига илон пўст ташлайди, ойи. Унинг тинимсиз ҳақоратларига, сўкишларига, уришларига мен чидаб юрибман. Бошқа аёл бўлганида аллақачон кўлини ювиб, кўлтиғига уриб кетворган бўларди, — дедим мен ҳам бўш келмай.

— Бизни ҳам эримиз сўккан, урган. Сўкканини “сўк оши”, урганини “угра оши” деб сабр-тоқат қилганмиз. Қани айтинг-чи, келин эри урмаган ёки сўкмаган аёл бормикин? Сув келса симиринг, тош келса кемиринг, келин. Шундагина оилангизни сақлаб қоласиз, — деди қайнонам.

Дардларимни қайнонамга айтиш бефойдалигини сездим. Чунки “Типратикон боласини юмшоғим, кўнғиз оппоғим” деганидай ким ҳам ўз боласини ёмон дерди. Шунинг учун секин изимга қайтдим. Эримга укол қилиш эсимга тушиб, дарҳол уколларни шприцга тортдим. Битта пиёлага “героин” солиб қўйди.

— Муслима! Муслима деяпман! Қаердасан? Ўлиб қолганмисан? — дея бақирарди ҳозиргина “наша” чекиб олган турмуш ўртоғим.

— Ҳозир, хўжайин, ҳозир, шу ердаяман! Озгина сабр қилинг! — дедим унинг бесабрлигидан норози бўлиб тўнғиллаганимча.

— Сен ифлос кейинги пайтларда кўзимга балодай кўринаясан! Тезда отангникига бориб, менга бир миллион сўм топиб кел! Агар қуруқ қўл билан қайтсанг, ўғлингни мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдираман. Қизинг Нигоранинг шу бақрайиб турган кўзларинг

олдида номусига тегаман! Сенинг кўлингдан ҳеч нарса келмайди! Ҳе, онангни сени! Укол оладиган вақтим бўлди-ку! Тезроқ қилмайсанми? Исқирт! — дея эрим ётган жойидан ўрнидан туриб, важоҳат билан менга яқинлашди-да, ҳе йўқ, бе йўқ мени уриб, кейин итариб юборди.

Инграганимча эримга нафрат билан тикилдим-да, нариги хонага чиқдим. “Бўлди, шунча хўрликларига, ҳақоратларига чидаганим. Етар, пичоқ бориб суякка қадалди. Энди унинг жонини ўзим оламан!” дея пичирлаганимча анчадан буён режалаштириб юрган ишимни, кўз ёшларимни артганича амалга оширишга киришдим. Пиёладаги героин гиёҳвандлик моддасига кальций-глюканат уколени аралаштириб, эримга укол қилдим.

Камолиддин бир оздан сўнг беҳуш ҳолатга келди. Унинг ўрнидан туролмаслигини, ожизлигини сезганимдан сўнг мен ўша ердаги телевизор жавонининг устидан турган икки ярим метрча бўлган докани олиб, эримнинг бўйнига бир неча марта айлантириб ўраб олиб, кўлларим билан икки томонга куч билан тортдим. Кейин докани яна жойига қўйдим-да, қайнонамникига чиқдим. Худди шу пайтда Маъмур ҳам бозордан қайтди. Уни кўриб мен безовталандим.

— Нимагадир юрагим ёмон бўляпти. Мадина, бизни ётоқхонамизга кириб, дорилар қутичасидан “валерианка” дорисини олиб чиқинг, — дедим қайнсинглимга.

Мадина дарҳол айтган доримни олиб чиқиб, менинг кўлимга тутқазди.

— Акангиз ухляяптими? — дея ёлғондакам ундан сўрадим.

— Ётганига кўзим тушди. Кейин улар томонга бошқа қарамадим, уялдим, — деди у.

Бир оздан сўнг мен дорини ичмасдан уйимга қараб кетдим. Кейин югуриб ётоғимиздан қайтиб чиқдим-да, ҳовлиққанамча қайнонамга дедим:

— Ойи, Камолиддинингизни дами ичига тушиб қолибди. Юринг, бир кўринг!

Бу гапни эшитганларнинг барчаси кўшни ҳовлига қараб югуришди. Холида ая ўғлини худди ухлагандек ётганини кўриб, унга яқинлашиб:

— Болам! Тур ўрнингдан тур! — дея уни уйғотмоқчи бўлди. Аммо ўғли миқ этмади.

— Вой болам! Ўғлимга нимадир бўпти! Вой болам! — дея дод сола бошлади қайнонам.

Мен дарҳол қайнсинглим Мунавварларникига югурдим.

— Тез бизникига юринг! Акангиз ўрnidан турмасдан, қимирламай ётибди! — дея уни уйга бошлаб келдим.

Кимдир “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилди. Қайнонамни уйдан ҳовлига, каравотга олиб чиқишиб, тинчлантиришга ҳаракат қилишди. Шовқинни, бақир-чақирни эшитган кўни-кўшнилари ҳам “Нима гап?” дейишиб бирпасда ҳовлига йиғилишди. Қўшнимиз Шоназар Камолиддинни нафас ололмаепти деб ўйлаб, уни кўллари билан кўкрагидан босиб, унга тиббий ёрдам кўрсатмоқчи бўлди. Афсуски, унинг бу уринишлари зое кетди. Чунки Камолиддин умуман нафас олмаётганди. Шунда у ёрдам бериш учун медсанчаст томонга югурди. Бироқ йўлда “Тез ёрдам” машинасига кўзи тушгач, ортига қайтди. Етиб келган “Тез ёрдам” машинасига Маъмур кўшнилари ёрдамида акасини ётқизди.

Сўнгра мен ва Мунаввар билан биргаликда “Тез ёрдам” машинасида шифохонага кетдик. Афсуски, Камолиддин аллақачон ўлиб бўлганди. Бир оздан сўнг

шифокор чиқиб, Маъмурга акасининг вафот этганлигини, уни текшириб кўриш зарурлигини айтди. Шифокорнинг гапларини эшитиб, менинг эсхонам чиқиб кетай деди.

— Йўқ. Эримни “морг”га бермайман! Уни қийнаманглар! — дея дўхтирга ёпишиб, жанжал қилдим.

Шу пайт бу ерга етиб келган милиция ходими Маъмурга шивирлади:

— Акангизни оила аъзоларингиздан кимдир ўлдирган бўлиши мумкин. Ҳали буни охирига етиб аниқлаймиз.

— Дод, қайнукажон! Акангизни “морг”га берманг! Уни ёрдирманг! — дея мен энди Маъмурга ёпишдим.

— Ўзингизни босинг, келинойи! Дўхтирлар акамнинг нимадан ўлганини аниқлайди. Бу ерда шовқин солманг! Қаранг, ҳамма бизга қараяпти! — деди у.

— Вой бегим! Бегимдан айрилиб қолдим! — дея уввос тортиб йиғлашни бошладим.

Мени Мунаввар кучоқлаганича “акамнинг ўлганига куйиб кетяпти бечора” деб ўйлаб нарироққа олиб кетди. Ўзи ҳам менга кўшилишиб, унсиз йиғларди.

Ўша куни уйга хомуш қайтдик. Эртаси куни дўхтирлар ўликни эгаларига қайтаришди. Камолиддинни дафн маросими бўлиб ўтгач, туман прокуратура терговчиси Элбек барча гумонланувчиларни сўроқ қилди. Сўнгра ҳақиқий айбдорни топди. Бу мен эдим.

Турмуш ўртоғининг зуғумларидан, хўрлашларидан безор бўлиб қотилликка қўл ургандим.

Қилган жиноятим учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Қилган ишимдан қаттиқ пушаймонман. Фарзандларимнинг камолини кўриш ўрнига бу ерда ўтирибман. Ҳеч кимга бундай тақдирни раво кўрмайман...”

* * *

Гулзодажон! Муслима опа бу муддатни ўтаб уйига, фарзандлари ёнига қайтар, аммо Холида аянинг ўғли Камолиддинни ким ҳаётга қайтариб беради?

Ўйламай қилган ишидан болалари ҳам азият чекишмаяпти. Уларнинг пешонасига “Онаси қотил” деган тавқи лаънат ёзилди. Ҳеч ким ота-онасининг қилган ножўя ишидан боши эгилмасин.

Кейинги хатимда, ошхонада танишиб қолган Лаълихон опа ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2011 йил, 14 июль

АЛДАНГАН ДЕҲҚОНЛАР

Ассалому алайкум, дугонажон! Соғликларингиз яхшими? Мени сўраганларга, эслаганларга саломимни етказинг.

Лаълихон опа қандай қилиб бизнинг ёнимизга тушиб қолганлиги ҳақида ёзиб юборяпман...

* * *

“Ҳамқишлоқларим Гена Цой ва Артур Кан бинойидек Куйичирчиқ тумани Тошовул фермерлар уюшмасида яшаб, шоли, пиёз экиб, деҳқончилик қилиб юришганди. Февраль ойининг бирида уларнинг ёнига мен бордим. Салом-аликдан сўнг мен уларга оғиз кўпиртириб Россияда ишлаш ҳақида гапириб қолдим:

— Бу ерда бир йилда ишлаб топадиган пулни Россияда бир ойдаёқ топасиз. У ерда ҳаммага иш топилади. Хоҳласанглар сизларни ҳам ўзим билан бирга олиб кетаман, — дедим.

— Деҳқончилик қиладиган бўлсак, иш ҳақи қанақа бўлади? Бизга ишлаш ва яшаш учун яхши шароит яратиб берадими? — дея мени саволларга кўмиб ташлади қизиқувчан Гена.

— Албатта. Танишимнинг у ерда катта ери бор. Ишлаш учун, яшаш учун барча шароит етарли. Ойига икки юз эллик АҚШ долларидан беради. Етадими? Борадиган бўлсанглар мана манзили, — дея уларга бир қоғозчани узатдим. — Борганларингизга афсус қилмайсизлар. Қишгача бир қоп пул жамғариб келасизлар, — дея уларнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирдим.

Икки ўртоқ менинг бу таклифимга жон-жон деб рози бўлишди. Шундан сўнг мен яна Россияга жўнадим. Март ойида улар мен берган манзил бўйича самолётда Россия Федерациясининг Краснодар вилоятига боришиб, кўнғироқ қилишди. Уларни кутиб олишга Ринат исмли танишимни юбордим. Кейин йигитларни Россиядаги қадрдоним Виктор билан таништирдим. Биз йигитларга ерни кўрсатиб, нималар экишни тушунтирдик. Улар деҳқончилик қилишни бошлашди.

Икки ўртоқ сидқидилдан ишлашга киришди. Викторнинг даласида улар тиним билмай меҳнат қилишди. Аммо орадан етти ой вақт ўтса-да, ер хўжайини Виктор ва мен уларга ваъда қилган шароитни яратиб ҳам бермадик. Ҳаттоки, иш ҳақини ҳам беришдан бўйин товладик.

Кунларнинг бирида, яъни октябрь ойининг охирида деҳқонларни Россия Федерациясида бўлиш қоидаларини бузганлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари Ўзбекистон Республикасига депортация қилишди. Улар Ўзбекистонга келганларидан сўнг менга нисбатан қонуний чора кўриш учун ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилишибди.

Шундан сўнгигина менинг пайтавамга қурт тушиб, жазодан қутулиб қолиш учун ҳаракат қилдим. Ҳамқишлоқларимнинг ҳар бирига 350 доллардан пул бердим. Викторга қўнғироқ қилиб, тезроқ пул жўнатишини сўрадим. Виктор Гена Цойга 1400 доллар, Артур Канга 1100 долларни почта орқали жўнатди.

Суд менга жазо тайинлашда муқаддам судланмаганлигимни, яшаш жойимдан ижобий тавсифланишимни, оилавий шароитимни, қарамоғимда битта вояга етмаган фарзандим борлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар ярмидан кўпроғи қопланганини, жабрланувчи Артур Кан фойдасига етказилган моддий зарарнинг ундирилмай қолган қисмини ундиришни, жабрланувчи Гена Цойга етказилган зарар тўлиқ қопланганини инобатга олиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Энди озодликка чиқсам, ҳеч кимни алдамайман. Ўзим меҳнат қилиб пул топаман. Қилган ишимдан афсусдаман. Ҳамқишлоқларимнинг кўзига қандай қарашни ҳам билмайман...”

* * *

Шундай гаплар, Гулзода. Ҳойнаҳой, энди Гена билан Артур «Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради» деган нақлнинг маъносини тушуниб етишган бўлса керак. Ахир, ўзимизнинг ерларда ишлаганида бунчалар хор-зор бўлишмасди-ку! Тинчгина деҳқончилик қилиб, қора қозонини қайнатиб юришганди. Аслида айрим одамлар яшаётган жойининг қадрига етишмайди. Бир маротаба пешонаси деворга урилганидан сўнгигина кўзлари ярқ этиб очилганини ҳис қилишади.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишиб қолган Ўктамой опанинг бу ерга тушиб қолганини ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 27 июль

ЎЙЛАМАЙ ҚИЛИНГАН ИШ

Салом, азизам! Соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрибсизми? Хатларим билан сизнинг қимматли вақтингизни олмаяпманми? Сизнинг борлигингизга шукр? Бўлмаса ким билан ғойибона суҳбатлашардим. Яқинда онажоним келиб кетди. Ҳар доимгидек менга танбеҳ беришдан нарига ўтмади. Нимагадир ҳанузгача онам мени тушунмайди. Опасининг қилган ишидан кўз юмади. Майли, тирноқни этдан ажратиб бўлмайди деганларидек, опа-сингилларни ҳам бир-биридан айириб бўлмайди. Ёмонлик қилган бўлса ҳам холам омон бўлсин, дейман. Гап билан чалғиб сизга Ўктамой опа ҳақида ёзишни унутаёзибман. Буни ўзининг тилидан ҳикоя қилиб бераман...

* * *

“...Танишим Шобердининг бошига ташвиш тушиб қолибди. Ойижониси жинойтнинг кўчасига кириб қолиб, унга нисбатан жинойт иши кўзгатилибди. Карахт алфозда кўчага чиққан бу йигитга мен йўлиқдим. У билан бундан беш йил аввал учрашиб, ўзимни Ўктамой деб эмас, балки “Мадина” деб таништиргандим. Шундан буён Шоберди менинг асл исмимни билмасда, шу ном билан танирди.

— Ҳа, намунча қовоғингиздан қор ёғмаса?! Аҳволларингиз яхшими? — дея у билан худди қадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрашдим.

— Чидаса бўлади. Бошим ғамдан чиқмай қолди.

Аксига олиб дардлашадиган тузукроқ танишларим ҳам йўқ, — деди у бошини қуйи эгганича.

— Хоҳласангиз ёрдам беришим мумкин. Бошингизни гамдан аритаман, — дедим унга ўзимни астойдил ёрдам бермоқчидек кўрсатиб.

— Ойимни ҳимоя қиладиган яхши адвокат топиб бероласизми? Фақат ҳеч ким билмасин, — дея у кўзларимга тик қаради.

— “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади” дейишади. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг даъвоси бор. Шу ҳам муаммо бўлибдими? Адвокатлардан танишларим кўп. Сизга, албатта, ёрдам бераман. Фақат “Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди” деганларидек хизмат ҳақини берсангиз бўлди. Муаммонгиз ечилади, — дедим унга худди бу ишни қойилмақом бажарадигандек.

— Унда илтимос, тезроқ ҳаракат қилинг. Мен онам учун ҳамма нарсага тайёрман, — деди у мен билан хайрлашаётиб.

Ўша куни менинг тасаллиларимдан, гапларимдан сўнг Шоберди уйига хурсанд ҳолда кетди.

Орадан икки кун ўтгач, мен унга кўнғироқ қилиб дедим:

— Онангизнинг барча ҳужжатларини олиб келинг. Сизга кучли, билимдон, тажрибали адвокат топдим. Хизмат ҳақига тўрт минг доллар олади. Пулларни бир ҳафтанинг ичидаёқ етказишингиз лозим.

Шундан сўнг Шоберди оёғи куйган товукдек тирпирчилаб қолди. Чунки бунча пулни топишнинг ўзи бўлмасди-да. Шунинг учун таниш-билишларидан қарз сўрабди. Йигирма кун ичида бўлиб-бўлиб бўлса-да, онажониси учун мен айтган пулларни топиб берди.

— Энди менга топган адвокатингизнинг телефон

рақамини беринг, — деди у худди эртагаёқ онасини кўйворишадигандек хурсанд бўлганича.

— Адвокат танишим ҳаммага ҳам телефон рақамини беравермайди. У билан фақат ўзим гаплашаман. Ойингизнинг ишини битириб берса бўлдимиз? Ёки менга ишонмаяпсизми? Ахир, уни бу ишга кўндиргунамча қийналиб кетдим-ку! — дедим қовоғимни солиб.

Шоберди менга нима дейишини ҳам билмай қолди.

Орадан анча вақт ўтди. Аммо у кутган адвокатдан дарак бўлмади. Мен эса Шобердининг телефон кўнги-роқларига жавоб бермасдан қочиб юрдим. Пулларни эса ўз эҳтиёжларимга ишлатиб юбордим. Шобердининг танишлари эса ундан олган қарзларини сўрайвериш безор қилиб юборибди.

Ноилож қолган Шоберди менга нисбатан чора кўришни сўраб, ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилибди.

Мен илгари ҳам фирибгарлик қилиб, ўзимга тегишли жазони олган эдим. Аммо бундан тўғри хулоса чиқармасдан яна жиноятга кўл урдим.

Суд мендан жабрланувчи Шоберди Шомахмудовнинг фойдасига етказилган моддий зарар 4000 долларни ундиришни лозим деб топиб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Бу ҳаётда ҳеч кимни алдамаслик лозим экан. Мана жабрини кўриб ўтирибман. Вақтида ёшлигимнинг қадрига етмадим...”

* * *

Ҳа, дугонажон. Энди афсус-надомат билан ўтган ёшлигини қайтаролмайди. Шу ўринда шоир Эркин

Воҳидовнинг куйидаги сатрлари ёдимга тушди:

Боболарнинг ҳикмати ҳаётга ёруғ йўлдир,
Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл дер.

Гулзодажон, кейинги хатимда Турсуной опанинг бу ерга қандай келиб қолганлиги ҳақида ёзиб юбораман. Хайр, омон бўлинг!

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2011 йил 14 август

ҚЎШМАЧИНИНГ ТАҚДИРИ

Ассалому алайкум, Гулзодажон! Аҳволларингиз яхшими? Ўқишлар билан қийналмасдан юрибсизми? Синфдошларимизнинг барчаси омонми? Мени сўраганларнинг ҳаммасига салом деб кўйинг.

Турсуной опанинг бу ерга қандай келиб қолганини ўзининг тилидан айтиб бераман.

* * *

“Телевизорда чет элларга қизларни олиб бориб сотаётганлар ҳақидаги кўрсатувларни кўрдим, газета-журналларда ўқидим. Кейин мен ҳам шундай иш билан шуғуллансам-чи, деган фикр хаёлимга келди. Ўзимча режа туздим. Режамга асосан Яшнобод туманидаги уйлардан бирини ижарага олдим. Ижарага олишдан мақсад эса қийналмасдан пул топиш эди. Мен одам савдоси билан шуғулланишга аҳд қилдим. Аммо бу ишни битта ўзим эплай олмасдим. Шунинг учун танишларим Русланни ва Тошпўлатни ўзимга шерик қилиб олдим.

Мен турли вилоятлардан ва тошкентлик иш излаб, қийналиб юрган қизлардан Моҳигулни, Лайлони, Райҳонани ва Надеждани алдаб-авраб ўз тузоғимга туширдим.

Уларни иш билан таъминлашга ваъда бердим. Содда қизлар ҳам шундай “меҳрибон” аёлга дуч келганликларига хурсанд бўлишиб, менинг ижарага олган уйимга боришди. Уларнинг орзуларини саробга айлантирдим.

Тошпўлат кечаси бу хонадоннинг кириш дарвозасининг ичкари томонидан йўгон сим билан ўраб ташлади. Қизлар минг уринмасин бу дарвозани очишолмасди. Қизларни яна бошқа йўллар билан қочиб кетмаслиги учун кечаси ҳовлига катта итни қўйиб юбордим. Ҳаттоки, қизлар турадиган хонанинг эшигини қулфлаб қўйиб, калитни ўзим билан олиб юрадиган бўлдим.

Мен Руслан билан биргаликда қизларни ҳар куни Яшнобод тумани ҳудудида жойлашган 6-сонли туғруқ-хона олдига ясантириб, бўянтириб, олиб бориб, уларни ҳар хил эркакларга кўрсатиб, кўз-кўз қилардик. Кейин эса ўша эркакларни ҳам қармоғимизга илинтириб, ижарага олган хонадонимизга олиб бориб, пулларини шилиб олардик. Эркакларга қизлар билан бирга бўлишлари учун шароитлар яратиб берардик.

Коля Петров деган йигит фоҳишахонамиз жойлашган маҳаллада милиция таянч пунктининг профилактика нозири бўлиб ишларди. Бир куни у шу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ю.Иванов билан биргаликда мен ижарага олган хонадонга ўша ерда истиқомат қилувчи фуқароларнинг паспорт режимига амал қилишларини текшириш учун боришди.

Мен бу хонадонда рўйхатдан ўтмасдан, хонадон эгаси билан ижара шартномаси тузмасдан, бу уйни норасмий равишда ижарага олиб, у ерни фоҳишахона қилиб, қизларни ҳар хил эркакларга сотаётганлигимни билиб қолишди.

Мен уларга хушомад қилиб, уйимда меҳмон қилдим.

“Еган оғиз уялар” деганларидек улар менга ҳеч нима деёлмади.

Фуқаролар йиғини раиси Ю.Иванов мен ёзган дастурхон атрофига ўтириб, таомларимни еб, ичкиликларимни ичиб, Коля билан биргаликда меҳмон бўлиб чиқиб кетишди.

Аммо “Ойни этак билан ёпиб бўлмайди” деганларидек, менинг бу қинғир ишларим фош бўлди.

Мен, Руслан ва Тошпўлат ҳам ўзимизга тегишли жазоимизни олдик. Бу жазодан ўз ишларига бефарқ бўлганлар, яъни милиция таянч пункти профилактика нозири Коля Петров ҳамда маҳалла оқсоқоли Ю.Иванов ҳам бенасиб қолишмади. Уларга ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушланган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Энди қилган ишимдан пушаймон бўлиб бу ерда ўтирибман. Ўша қизларнинг ўрнида синглим ёки қариндошим ҳам бўлиши мумкин эди-ку, деган савол мени қийнайди. Қилган ишларимдан виждоним қийналяпти. Чунки қизлар менга қанчалик ялиниб-ёлворишган эди. Қаҳрим қаттиқлигини кўриб, менинг ҳам аёл эканлигимни эслатишиб қарғашганди...”

* * *

Мана сизга қўшмачи аёлнинг тақдири. У ишласдан пул топаман деб, қизларни алдаб яна худди қамоқхонада ўтиргандек битта хонага қамаб қўйиб, фоҳишалikka мажбурлаган. Шунинг ортидан пул ишлаган. Ҳарҳолда кеч бўлса-да, Турсуной опанинг виждони уйғониб, энди қилган ишларига пушаймон бўляпти. Шу ўринда ҳазрат Навоийнинг ушбу сатрлари ёдимга тушди:

Одам борки одамларнинг нақшидир,
Одам борки ҳайвон ундан яхшидир...

Кейинги хатимда ашула гуруҳимизда кўшиқ айтадиган Ризвонгул опа ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 30 август

ИШГА “ЖОЙЛАШТИРАДИГАН” ҚАЛЛОБЛАР

Салом, Гулзодажон! Мактубингизни олдим. Уни кучиб тўйиб-тўйиб йиғладим. Чунки сизларни жудаям соғиндим. Бу ерда кун санаб, ойларни ўтказяпман. Тезроқ озодликка чиқишни истаяпман. Яқинда яна онажоним келди. Бағрига бошимни қўйиб тўйгунимча йиғлаб олдим. Онаминг ҳам тош қалблари эриб, менга қўшилиб йиғлади. Худойимдан сабр сўраб ўтирибман. Айтганча, бу хатимда Ризвонгул опанинг бу ерга қандай келиб қолганини ўзининг тилидан ҳикоя қилиб бераман.

* * *

“Норгул Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясининг сержантлар мактабида ўқишни давом эттириш учун ҳужжат йиғиб топширибди. Мирзо Улуғбек туманида яшовчи танишим Баётнинг уйида ижарада яшабди. У билан биргаликда Гулдона исмли қиз ҳам ижарада турибди. Афсуски, у имтиҳонлардан ўта олмасдан Қўнғирот туманига уйига қайтиб кетибди. Кейин яна ҳужжатларини тўплаб ИИВ Академиясининг сержантлар мактабига ҳужжатларини топширибди. Бу гал ҳам омад ундан юз ўгирибди. Кейин у уй эгаси Баётдан Академияда ишлайдиган танишлари бор-йўқлигини сўрабди.

— Намунча ўша сержантлар мактабига ёпишиб олдинг? Ундан кўра ишга кирсанг бўлмайдами? — дебди Баёт унга.

— Ишга кирсам жудаям яхши бўларди. Аммо биз томонларда ишга кириш жуда қийин, — дебди Норгул.

— Ундай бўлса танишларимдан суриштириб кўраман. Бир ҳафталарда жавобини айтаман, — дебди Баёт унга астойдил ёрдам бермоқчи бўлиб.

— Агар гаплашолсангиз икки киши деб айтинг. Дугонам Гулдона ҳам шу мактабга кирмоқчи, — дебди ҳовлиқиб Норгул.

— Майли, ҳаракат қилиб кўраман, — дебди қизнинг шаштини қайтаргиси келмай Баёт.

Шундан сўнгина Норгул Қўнғиротга қайтиб кетибди. Баёт унга қўнғироқ қилиб, ўзиникини ва Гулдонанинг ҳужжатларини, яъни паспортини, дипломини, ҳайдовчилик гувоҳномасининг нусхаларини факс орқали жўнатишини сўрабди.

Март ойида қизлар яна Баётникига келишибди.

— Ишга кириш учун ҳар биринглар тўрт минг доллардан беришинглар керак экан, — дебди уларга Баёт.

Қизлар унинг бу таклифига рози бўлишибди. Ўша пайтда унга 2000 доллардан беришини, қолганини ишга киргандан сўнг беришларини айтишибди. Кейин оталарига қўнғироқ қилишиб, вазиятни тушунтиришибди. Нукус-Тошкент самолёти билан оила аъзолари айтилган долларни жўнатганлиги хабарини олишибди. Аэропортга бориб, айтилган одамдан пулларни олиб, Баётга беришибди.

Кунларнинг бирида Баёт қизларни бир қаҳвахона ёнида мен билан учраштирди.

— Қизларни милицияга ишга жойлаштириш керак, — деди Баёт менга.

— Илгари ИИБда ишлаб, ҳозир нафақага чиққан Ўсар ака деган танишим бор. Ўша билан гаплашаман. Албатта, қизларнинг бу муаммосини ҳал қилиб беради, — дедим ишонч билан.

— Биз қачон хабар олайлик? — дейишди қизлар.

— Ишларинг ҳал бўлган заҳотиёқ кўнғироқ қилиб чақиртирамиз, — дея улар билан хайрлашдим.

Ўша куниёқ мен Ўсар аканинг уйига бордим.

— Баёт қизлардан у-бу нарса олиб қўймабдими? — деди Ўсар ака менга.

— Озроқ пул олиб қўйибди. Шунинг учун ишни тезлатиб беринг, деб ҳоли-жонимга қўймаяпти. Шу иш ҳал бўлса сизни ўзи рози қилади, — дедим мен.

— Ўйлаб кўрай, эртага жавобини айтаман, — дея Ўсар ака мени кузатиб қўйди.

Эртаси куни Ўсар ака менга кўнғироқ қилиб қаерда эканлигимни сўради. Баётнинг олдида эканлигимни айтдим.

— Қизларни ишини ҳал қилиб берсам, қанча бераркан? Сўра-чи ундан? — деди у.

Мен Баётга Ўсар аканинг гапларини айтиб, телефонни унинг кўлига тутқазиб гаплаштирдим.

— Иккита қиз 8000 доллар беради. Сизга 6000 долларини олиб бераман, — деди Баёт.

— Бўпти. Унда уларни Кўнғирот ТИИБга ишга киритамиз, олган пулларингни Ризвонгулдан бериб юбор, — дея гўшакни қўйиб қўйди у.

Баёт қизлардан олган долларларни менга берди. Мен эса 2000 долларни Ўсар акага олиб бориб бердим.

Баёт қизларга ишларининг ҳал бўлганлигини, Кўнғирот туманига бориб, Қудрат деган одамга Илётнинг но-

мидан келганини айтишни уқтириб, кузатиб қўйди. Қизлар Қўнғиротга қайтиб кетишиб, у ердаги ИИБда ишлайдиган Қудратнинг олдига Тошкент шаҳридаги транспортдаги ИИБда ишловчи Илёснинг номидан боришибди. Қудрат дарҳол Илёсга қўнғироқ қилиб, унинг номини айтиб, иккита қиз келганини айтибди. Илёс унинг олдига ҳеч кимни жўнатмаганлигини таъкидлабди. Қизлар алданганини билиб, жаҳл билан пойтахтга келишиб, Баётдан пулларини қайтариб беришини талаб қилишибди. Афсуски, пулларини ололмабди. Шундан сўнг улар Транспортдаги ИИБда ишлаётган Илёснинг олдига боришиб, бўлиб ўтган воқеаларни тушунтиришибди. Илёс уларга Транспортдаги ИИБ бошлиғи номига ариза ёзишни тушунтирибди.

Шундай қилиб суд мени ва Ўсар акани фирибгар деб топди.

Пулларни қайтаролмаганим учун уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Қилган ишимдан жудаям афсусдаман...”

* * *

Азизам, Гулзода! Бу дунёда ҳар хил тоифадаги одамлар бор экан. Ҳеч замонда ишламасдан ҳам пул топиб бўларканми? Ишламасдан пул топаман деб фирибгарлик қилганларнинг барчаси қамоқхонада ўтирибди. Фирибгарликнинг охири войлигини билишмаган чоғи. Хайр. Хат орқали кўришгунча.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишиб қолган Гулхумор опа ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2011 йил 23 август

ЧЕТ ЭЛНИ ОРЗУ ҚИЛГАНЛАР

Салом, Гулзодажон! Омонмисиз? Шаҳримизда нима янгиликлар бор? Маҳалламизда-чи? Ўтган галги хатингизда ўқишингизда “Қизлар давраси” бўлишини ёзгандингиз? Унда ўзингиз ҳам қатнашмоқчи эканлигингизни таъкидлабсиз? Бу конкурсда сизга омад тилайман.

Бу гал ваъда қилганимдек, Гулхумор опанинг бу ерга қандай келиб қолганини ўзининг тилидан айтиб берман.

* * *

“Мен осон йўллар билан пул топишни афзал деб билдим. Донишмандларимиз “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу” дейдилар. Аммо “Чет элга ишга жўнатамиз” дейишса, айрим одамлар у ердаги вазиятни сўраб-суриштирмасдан дарҳол ошиқишади. Гўёки, у ерда пулларни ғарамлаб оладигандек. Мен ана шундай содда одамларни чув тушириб, пулларини олиш мақсадида режа ва гуруҳ туздим.

Режага асосан ўз танишларим Фани, Бекнур, Рауф ва Бедилни ёнимга чақирдим. Уларга ўз гоям ва мақсадимни айтиб, ишга таклиф қилдим. Улар жон-жон деб менинг бу таклифимга рози бўлишди. Гуруҳимдаги Бедил орқали Учтепа туманида яшовчи Х.Хайриевни Меҳнат ва Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи Меҳнат Миграцияси масалалари агентлиги орқали Жанубий Корея Республикасига Меҳнат шартномаси асосида ишга жўнатишни ваъда қилиб, унга кетадиган харажатлар учун 3000 доллар, паспорт нусхаси ва фотосуратлари керак бўлишини

айтиб, унинг ишончига кириб, 1900 долларини олиб, алдаб кетдик.

Орадан бир оз вақт ўтгач, яна гуруҳ аъзолари топган Ш.Холиқовни ҳам Кореяга ишга жўнатишни обдон ваъда қилиб, унинг ҳам паспорт нусхасини, фотосуратларини олиб, мансабдор шахсга пора беришга далоллик қилиб, 1300 долларини олдик.

Абдуқаҳҳор Жанубий Кореяга кетиш олдидан тиббий кўрикдан ўтишга отаси билан биргаликда борган экан. Поликлиникада у мен билан танишиб қолди. Мен ўз макримни бу ерда ҳам ишга солиб, йигитчани бир четга тортиб дедим:

— Қонингизда вирус бор. Бундай таҳлиллар билан Кореяга бора олмайсиз.

— Унда нима қилсам бўлади? — деди кайфияти тушиб кетган Абдуқаҳҳор.

— Ҳозирги замонда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор, ука. Бунинг даъвоси пул. Пулини берсангиз таҳлилларингизни тоза қилиб ёздириб бераман, — дедим унинг ишончига кириш учун.

— Ташқарида отам кутиб турибди. Бундай масала юзасидан отам билан маслаҳатлашайлик, — деди у.

Иккаламиз ташқарига чиқдик. Абдуқаҳҳор отасига мени таништириб, бўлган воқеани айтиб берди.

Отаси ўйланиб туриб, менга юзланиб деди:

— Қанча пул берсак, бизнинг ишимиз тўғри бўлади?

— Атига 3000 доллар берсангизгина қон таҳлилларини тоза қилиб ёзиб бердираман, — дедим мен ҳам пинагимни бузмай.

— Ундай бўлса биз пул топгач, сиз билан учрашармиз, — дея йигитча менинг телефон рақамларимни олиб

кетишди. Таниш-билишларидан қарз олишиб, дарҳол 2500 долларини менинг кўлимга тутқазди.

Уларнинг ишини тез кунда ҳал қилиб беришимни айтиб, хайрлашдим. Аммо уларнинг иши тезда ҳал бўлмади. Мен эса ота-болани алдаб юравердим. Тоқати-тоқ бўлган Абдуқаҳҳорнинг отаси мен билан жанжаллашиб қолди. Шундан сўнггина зўрға 500 долларини қайтариб олишга эришди, холос. Қолган 2000 долларини эса ололмади. Мен бу пулларни ўз эҳтиёжларимга ишлатиб юбордим.

М.Толмасованинг турмуш ўртоғи Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрига шартнома асосида ишлаш учун кетганди. Орадан бир йил ўтгач, у хотинини ҳам ўша ерга чақиртирибди. Шундан сўнг М.Толмасова Корея давлатига кетишга ҳаракат қилишни бошлабди. Танишларим уни менга рўпара қилишди. Ундан Корея давлатига кетиш учун виза ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириб беришим учун 6000 доллар сўрадим. М.Толмасова айтилган пулларни ва ёнига гувоҳ сифатида Гулруҳ деган ўртоғини олиб, менинг ёнимга келиб деди:

— Иложи бўлса пулларни олганингиз тўғрисида тилхат ёзиб берсангиз.

— Шу пайтгача менга ҳеч ким тилхат ёздирмаган. Қанчадан-қанча одамларни Кореяга жўнатдим. Менга ишонмаяпсизми? — дедим унинг гапларидан жаҳлим чиқиб.

Шундан сўнггина аёл андиша қилиб, мендан қайта тилхат сўрамасдан долларни берди.

— Яқинда мен Кореяга учиб кетаман. Менинг ишларим билан ўғлим шуғулланади. Манави унинг телефон рақами. У ёққа борган заҳотим сизга таклифнома жўнатаман, — дея улар билан хайрлашиб, жўнаб қолдим.

М.Толмасова зўрға мендан таклифнома олди. Аммо элчихона унга виза беришни рад қилибди. Шунинг учун у Кореяга бориш фикридан қайтиб, пулларини қайтариб олиш мақсадида танишлари билан менинг уйимга борибди. Эшикни турмуш ўртоғим очиб, уларнинг дардини тинглагач, дебди:

— Пулни кимга берган бўлсаларингиз ўша одамлардан олинглар. Иккинчи мени безовта қилманглар, — дея эшигимизни ёпиб олибди.

Ноилож қолган аёл пулларини қайтариб олиш учун менинг устимдан ариза ёзиб, ички ишлар идорасига мурожаат қилибди.

Шундай қилиб, мен ва менинг командам ўн беш нафар кишини ўз тузоқларига илинтиришга муваффақ бўлишди. Биздан азият чекканлар эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилишиб, пулларини қайтаришда ёрдам беришларини сўрашибди.

Суд мени ва командам аъзоларини узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Панжара ортида ўйлаб қанчалик ноҳақ эканлигимни, қанча одамларга азият етказганлигимни англадим...”

* * *

Гулзодажон! Доно халқимиз “Нима эксанг, шуни ўрасан” дейдилар. Нафси ҳакалак отганлар энди ўз жазоларини олишяпти. Яхшиямки, қонун посбонлари бор. Бўлмаса улар яна қанчадан-қанча одамларни алдашган бўларди. Хайр, дугонажон.

Кейинги хатимда Сарафроз опанинг бу ерга қандай қилиб келиб қолганлигини ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 17 сентябрь

ТОВАЛАМАЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Салом, дугонажон! Омонмисиз? Олийгоҳингизда ўтказилган “Қизлар давраси” кўрик-танловида голиб бўлганлигингиз билан самимий қутлайман. Сизга жудаям ҳавасим келяпти. Қанийди, мен ҳам шунақа танловларда иштирок этсам. Эҳ, бу фақатгина хаёлимда рўй бериши мумкин. Айтганча, сизга ваъда қилганимдек бу гал Сарафроз опанинг бу ерга келиб қолиши тарихи ҳақида ёзиб юборяпман...

* * *

“Мен болалигимдан дангаса эдим. Эҳтимол, уйда кенжатой бўлганлигим учундир. Хуллас, мактабни тугатганимдан сўнг бирор жойда ўқишни ёки бирор кишига шоғирд тушишни истамадим. Ота-онамдан ўз эҳтиёжларимга пул олиб, яшш қилиб юравердим. Мени билган қариндош-уруғларим бирорта ҳам куёв топишмади. Ўртага тушишни исташмади. Чунки мен жудаям эркатой, тантиқ қиз эдим-да. Шундай қилиб ёшим ўттизга етди. Қари қиз бўлиб, уйда ўтиришни афзал деб билдим.

Қушларнинг бирида опамнинг кўшниси Рисолат хола Гулноза опамга дебди:

— Кўшни, ўғлимни ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент Академик лицейига ўқишга киритмоқчи эдим. Аммо танниш тополмадим. Ёрдам беринг.

— Қаловини топсангиз қор ҳам ёнади, деганлар. Бундан ташвиш чекманг. Мен ҳозир синглим Сарафроздан ёрдам сўрайман. У албатта сизга кўмаклашади,

— дебди Гулноза опам ва менга қўнғироқ қилиб вази-
ятни тушунтирди.

Мен ҳам ўйлаб ўтирмасдан ёрдам беришимни айт-
дим. Биз Мирзо Улугбек тумани Буюк ипак йўли мет-
роси олдида учрашадиган бўлдик. Айтилган вақтда
учрашдик.

— Ўғлингизни хоҳлаган лицейингизга гаплашиб бе-
раман. Фақат мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди
деганларидек, менинг ҳам ўз хизмат ҳаққим бор. Иш
ҳаққим 1500 доллар бўлади, — дедим дангалига.

— Сингилжон, инсоф билан сўранг. Ахир, менда
сиз айтган бунча кўп пул йўқ, — деди Рисолат хола
довдираб.

— Пулни бўлиб-бўлиб беришингиз мумкин. Опам-
нинг қўшниси бўлганлигингиз учун сизга астойдил ёр-
дам бермоқчиман, — дедим муғомбирона оҳангда унга.

Шундан сўнг мен Рисолат холанинг ўғлининг хуж-
жатларини йиғиб, Чирчиқ шаҳри 10-сонли мактабда
ўқиш учун Тошкент вилояти Халқ таълими бошқар-
масига мурожаат қилдим ва мактабда ўқиши учун рух-
сатнома олдим. Пулларни эса ўз эҳтиёжларимга ўйла-
масдан ишлатиб юбордим.

Воҳид аканинг ўғли Шавкат жиноятчи деб айбланиб
Тошкент шаҳар ИИББ ТБда ўтирибди. Шавкатнинг кўз
нури пастлиги учун ота ўғлини Сангород муассасасига
жойлаштирмоқчи бўлибди. Танишлари орқали бу ишда
мен ёрдам беришимни билиб олиб, менга қўнғироқ
қилди ва “Чор минор” қаҳвахонасида учрашдик. Воҳид
ака менга бор воқеани айтиб бериб, ёрдам сўради.

— Тергов бошқармасида танишларим бор. Бу ёғидан
хавотир олманг. Ўғлингизни бошқа жазо муассасаси-
га жойлаштириб бераман. Жиноят ишидан ўғлингизга

тегишли бўлган Туркия Республикасига олинган чиптани ҳам олиб бераман. Фақат хизмат ҳаққимни тўлиқ тўласангиз бўлди. 3000 доллар берасиз, — дедим унга.

— Ҳозирча икки минг долларни бўлиб-бўлиб бераман. Ўғлимнинг судидан кейин, айтилган жойга уни жойлаштирилганига ишонч ҳосил қилгач, қолган минг долларни кўлингизга тутқазаман, — деди эҳтиёткорлик билан Воҳид ака.

Шундан сўнг у бир ой ичида менга айтилган пулни топиб берди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Воҳид ака мен билан телефон орқали боғланолмади. Чунки мен аллақачон телефон рақамимни ўзгартирган эдим. Бундан жаҳли чиқиб, ушбу ҳолат бўйича у менинг устимдан Тошкент шаҳар ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, унга етказилган зарарни қайтаришимни сўрабди.

Мен Рисолат холага ўғлининг аввал 9-синфни Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 10-сонли мактабда ўқишини ва у ерда ҳарбий тўгаракда тайёрланиб, январь ойидан унинг ҳужжатларини ўзим йиғиб, танишларим орқали лицейга жойлаштириб қўйишимни айтдим.

Сентябрь ойида она-бола мактабга боришганида унинг ҳужжатлари мактабда йўқлигини, ўғли мактабга қабул қилинмаганлигини айтишди. Шундан сўнг онаизор дарҳол менга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди. Мен мактабга етиб келиб, директорнинг хонасига кириб унга дедим:

— Тошкент вилояти Халқ таълим бошқармасидан рухсатномам бор. Болани мактабга қабул қилинг!

Шундан сўнггина мактаб директори боланинг мактабга қабул қилинганлиги ҳақида талон беришга мажбур бўлди.

Январь ойида Рисолат хола менга кўнғироқ қилиб, тополмади. Бундан хуноб бўлиб, у ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага бориб ариза билан мурожаат қилибди. Етказилган зарарни ундириб беришларини сўрабди.

Шундай қилиб, менинг товламачилигимга чек қўйилди.

Суд мени беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Бу ерда ўтириб, ўтган ёшлигимга ачиниб кетяпман. Гулдек ёшлигимни ҳавога совурибман. Тенгдошларим қатори ўқишимни давом эттирмадим ёки турмушга ҳам чиқмадим. Мен тенгиларнинг ҳозир фарзандлари мактабга чиқишяпти. Мен-чи, мен?! Бу ҳаётда ҳеч нарсага эришолмадим. Пулим бўлса бўлди, деган тушунча билан яшаб юрган эканман. Ҳар бир йўқотган дақиқам тиллоларга топилмаслигини кеч тушуниб етдим. Қилган бу ишларимдан қаттиқ пушаймонман...”

* * *

Дугонажон! Орамизда шундай қизлар борлигидан нафратланиб кетдим. Қиз бола бўла туриб, шаънига доғ туширибди. Ҳаттоки, шу пайтгача бирор жойда ишламабди ҳам. Ота-онасига боқиманда бўлиб уйида ўтирибди. Кимларнидир алдаб пулини олибди. Унинг қилган иши ёшларга сабоқ бўлса ажаб эмас. Хайр, омон бўлинг!

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишиб қолган Баҳринисо опа ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни ғойибона қучиб қолувчи дугонангиз Адолат.

2011 йил 14 октябрь

ОДАМФУРУШ

Салом, Гулзода. Сизларни жудаям соғиндим...

Бугунги кунда ҳамон одам савдоси авж олаётгани юрагимизнинг оғриқ нуқтасидир. Кимларнингдир алдовларига учган ёшлар афсус-надомат чекиб қолмоқда. Чортоқлик Баҳринисо опа Россия Федерациясининг Москва шаҳрига ишлаш учун борибди. Кейин танишларини ёнига чақириб олиб, уларни шафқатсиз ишлатиб, пулини бермабди. Яхшиси, унинг бу қилмишини ёза қолай...

* * *

“Мен болалигимдан саёҳатларга чиқишни, ўзга юртларни кўришни истардим. Улғайганимда Ўзбекистонимизнинг деярли ҳар бир шаҳрида бўлдим, тарихий обидаларни кўрдим, улардан ҳайратландим. Ота-онам менинг истакларимни эътиборга олмасдан, мажбурлаб узатишди. Афсуски, фарзандсизлик туфайли эрим билан беш йилдан сўнг ажрашишга мажбур бўлдим.

Орадан яна беш йил ўтди. Ота-онам: “Кўзим очиқлигида сени эгангга топширай” деб, келган совчиларнинг бири билан мени юзлаштирди. Совчи Мўмин ака ҳақида илиқ гапларни гапирди. Унинг хотини вафот этган экан. Уйда битта ўғли билан яшаркан. Шундан сўнг Мўмин ака билан учрашдик. Исми жисмига мос экан. Менга ёқди. Унга турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим борига шукр қилиб яшайдиганлар тоифасидан эди. Мен бўлсам кўлимда кўпроқ пулим бўлишини, зебу зийнатларга бурканиб юришни орзу қилардим. Танишларимнинг кўпчилиги ишлагани Россияга кета

бошлади. У ердан ишлаб қайтганлари бирпасда машина олишди, уй қуришди. Уларни кўриб ҳавасим келди. Хўжайнимга “Сиз ҳам Россияга бориб ишлаб келинг” дегандим, бу гапим унга ёқмади. Шунинг учун турмуш ўртоғим билан жанжаллашиб, Россияга кетадиган бўлдим. Танишларимдан сўраб-суриштириб, борадиган жойимни ва йўлкирамни аниқладим. Ота-онамдан пул олиб, эримнинг норозилигига қарамасдан Россияга жўнавордим.

Нарофаминский тумани Кантимерский қишлоғига бордим. У ерда қурувчилик билан шуғулланаётганларга ошпазлик қилдим. Ўша йилнинг ноябрь ойида эса “ЖБИ Комплекстрой” қурилиш корхонасидаги Миша лақабли танишим ишга таклиф қилди. Миша корхонасининг деворларини ва томларини қуриб, битириши лозим эди. Бунинг учун унга ишончли ишчилар зарур экан. Шунинг учун мен Ўзбекистондаги танишларимни ишга чақириб, ушбу ишга уларни жалб этмоқчи бўлдим. Дастлаб мен ўзимнинг ўғай ўғлим Равшанга телефон қилдим:

— Тезда ёнимга кел. Сенга яхшигина иш топиб кўйдим. Ҳар ойда беш юз доллардан оласан. Бу пулни Ўзбекистонда йиллаб ишласанг ҳам тополмайсан, дедим.

— Бўпти, бораман, ойи. Дадам билан маслаҳатлашай, — деди Равшан.

— Даданг билан нимани маслаҳатлашасан, товуқ-мия. Бунақанги ишни ҳамма орзу қилади, аммо етишолмайди. Ўғлим бўлганинг учун айтяпман. Иккиланиб ўтирмасдан тезда етиб кел! — дея телефонимни ўчирдим.

Равшан бир амаллаб пул топиб, Россияга — менинг ёнимга етиб келди.

Орадан икки-уч кун вақт ўтгач, мен танишим Икромга кўнғироқ қилиб, Россияда яхши иш борлигини, ойига 700 доллардан беришини айтиб, ёнимга чақирдим. Умрида бунча кўп пул олмаган йигитча қариндоши Рўзматни ҳам олиб йигирманчи октябрда Россияга, айтилган жойга етиб келди.

Мен ишчи кучи етишмаётганлиги учун қариндошларим Баҳриддин ва Холмуродларни ҳам алдаб-авраб, яхшигина маош таклиф қилиб, Россияга чақиртириб олдим. Йигитларнинг ҳаммасининг паспортларини гўёки “паспортларингни рўйхатга қўйиб бераман” деб алдаб олиб қўйиб, қайтариб бермадим.

Дастлаб, ўн беш кунча йигитларнинг яшаш шaroитлари яхши бўлди. Кейин эса мен уларнинг шароити билан қизиқмадим ҳам. Шунинг учун йигитлар гоҳида оч қолиб кетишарди.

Кунларнинг бирида Равшан менга уйига қайтишини айтди. Унинг бу гапидан жаҳлим чиқиб йигитларнинг ёнида ўгай ўғлим Равшанни ўлгудай калтакладим. Яна бошқаларни ҳам йўлдан урмаслиги учун уни тез-тез уриб турадиган, попугини пасайтириб кўядиган бўлдим. Тоқати-тоқ бўлган Равшан дадасига кўнғироқ қилиб, ишлаш шароити оғирлигини, мен уни хўрлаётганимни, тез-тез калтаклаб туришимни айтибди. Турмуш ўртоғим ўғлига бир амаллаб уйга қайтишини тайинлабди.

Равшан мендан паспортини сўраганида, унга паспортини бермасдан яна калтакладим. Хўрлиги келган йигитча ўзини-ўзи осиб ўлдирмоқчи бўлибди. Бироқ ўша атрофдаги одамлар уни кўриб қолиб, қутқариб қолишибди. Шундан сўнг Равшан бошқа ерга ишга ўтиб кетди.

Кунларнинг бирида Икром ҳам мендан паспортини ва иш ҳақини талаб қилиб, бу ердан кетишини айтди.

— Бу ердан қочиб кетиш учун девордан ошиб ўтсаларинг, каллакесар танишларимга айтиб, сенларни йўқ қилдириб юбораман! Бу ерни Россия деб қўйибди. Ҳеч ким сенларни сўрамайди! — дедим важоҳат билан мен.

— Ҳеч бўлмаса паспортларимизни беринг, — деди ноилож қолган Икром.

— Паспортларингни ёқиб юборганман! — дедим пинагимни ҳам бузмай.

Орадан бир неча кун ўтгач, қийналиб кетган Рўзмат ҳам менга ёлвора бошлади:

— Илтимос, жон опа! Паспортимизни беринг! Бир амаллаб уйимизга етиб олайлик! Сиз ҳақингизда ҳеч кимга чурқ этмаймиз. Уйга етиб олсак бас.

— Чучварани хом санабсан! Ишни битирмасдан ҳеч қаерга кетмайсанлар! Паспортларинг менда! Қаерга ҳам борардиларинг? — дедим ўзимни худди шу ернинг бошлиғидек ҳис қилиб.

Рўзмат яқинларини соғингани, бу ерда қулдек ишлаётгани учун йиғлаб юборди.

Бир куни тоқати-тоқ бўлган Холмурод мендан паспортини беришимни қатъий туриб талаб қилди:

— Паспортимни берасиз! Бўлмаса ишламайман!

Унинг бу гапидан сўнг ноилож қолиб мен йигитлар иш ташламаслиги учун паспортларини қайтариб беришга мажбур бўлдим.

Шундан сўнггина йигитлар бошқа жойларга ўтиб ишлаб, йўлкирага пул топиб, ўз юртиларига қайтишибди ва менинг устимдан тегишли жойга мурожаат қилишибди.

Шундай қилиб, мен ёш-ёш йигитларни Ўзбекистондан Россияга чақириб олиб, оғир иш ва яшаш шaroитларида ишлатиб, паспортларини олиб қўйганим, уларга берилиши лозим бўлган 13100 доллар миқдордаги иш ҳақларини бермасдан, уларни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турганим, одам савдоси билан шуғулланганим учун суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлдим.

Суд мени узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Бу ерда ўтириб ўйласам, қилган ишим нотўғри экан. Ўз ҳамюртларимни қулдек ишлатганим учун виждоним қийналяпти...”

* * *

Гулзодажон, одамларга ҳам баъзида ҳайрон қоласан. Яхшилаб сўраб-суриштирмасдан, доллар бераркан деб, айтилган жойга югургилаб кетишади. Кейин қийналиб қолишгач, ўз юртида ҳам ишласа бундан-да кўпроқ пул топиши мумкинлиги эсига тушади. Шунинг учун ўз юртингда, ота-онанг бағрида яшаб, иш-лашга не етсин.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишган Мейлиой ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан Адолат.

2011 йил 28 октябрь

ГИРДОБ

Салом, Гулзода! Соғликларингиз яхшими? Эркинлик нашидасини суриб юрибсизми? Мен бу галги хатимда эркатой, тантиқ қиз Мейлиой бу ерга қандай келиб қолгани ҳақида ёзиб юборяпман.



“Мен дастлаб ўртоқларимга қўшилиб яширинча сигарет чекиб кўрдим. Унинг “мазаси” ёқмади. Кейин кимдир героин олиб келди. Биз уни истеъмол қилдик. Бунда мен ўзимни гуёки бошқа оламда учиб юрган-дек ҳис этдим. Бор ташвишларимни унутдим. Аммо бу нарсанинг хумори тутганида ёмон бўлишини билмаган эдим. Шунинг учун иложи борича героинни топишга ҳаракат қилиб қолдим.

Бир куни мен танишим Беназир ҳам героинни истеъмол қилишини билиб қолдим. Чунки менга бу ҳақда синфдошим Дагар айтиб берди. Уни кўргани уйига бордик.

— Ўртоқ, мен героинга ўрганиб қоляпман. Музлатгичнинг ортида бир вақтлар сотиб олган героинни топиб олдим. Энди аҳволим нима кечади, билмайман. Бу ҳақда ота-онам билишмайди, — деди Беназир дардини бизга ёриб.

— Шартга ташлаб қўя қол. Чексанг шохинг чиқармиди? — дея унинг аҳволини тушунмасдан гап қотди Дагар.

— Эҳ, қанийди ундан осонгина қутилиб қўя қолсанг. Бир марта чексанг бўлди. У ўзининг домига тортиб кетаверар экан, — деди хафа бўлганича Беназир.

— Ундай бўлса даволаниб кўр. Зора шифо топсанг, — дея ўзича ақллилик қилди Дагар.

— Йўқ, бунинг сираям иложи йўқ. Унда ҳамма мени гиёҳванд эканлигимни билиб қолади. Ота-онамнинг юзига қандай қарайман? Бир иложи топилиб қолар.

— Узр, ўртоқ, сенга яхши маслаҳат беролмадим. Мен энди бориб савдо-сотигимни қилай. Бардам бўл,

тушкунликка тушма! — дея Дагар дўконига қараб йўл олди. Менинг дардим эса ичимда эди.

Аммо ичимдагини сиртимга чиқармасдан “яхши бўлмабди”, деб қўя қолдим. Чунки мен ҳам гиёҳвандликка чалингандим.

Орадан анча вақт ўтгач, мен Дагарга қўнғироқ қилиб, учрашишни таклиф қилдим.

— Дала ҳовлимдаман. Кечқурун “Қўйлиқ” бозори ёнида учрашамиз, — дея учрашув жойини келишиб олдик. Биз кечки пайт белгиланган жойда учрашдик.

— Бир соатдан буён Беназирга қўнғироқ қиламан, қўл телефонини кўтарай демайди. Ёки мендан хафамикин? Илтимос, ўзинг қўнғироқ қилиб кўр. Зора телефонини кўтарса, — дея Дагарга илтижоли боқдим мен.

— Тинчликми ўзи? Унда нима ишинг бор эди? — дея ажабланди Дагар.

— Ие, “анавин”дан керак эди, — дея қўлимни лабимга олиб бориб ўзимни чекаётгандек кўрсатдим унга. — Ҳеч қаердан тополмадим. Шунақанги хумори тутяптики. Бунини тушунтириб беришим қийин-ов, — дедим унга.

— Бўпти, ҳозир сенинг дардингни давосини топамиз, — дея кулимсираганча Дагар Беназирга қўнғироқ қилди. Хайрият, у телефонини кўтарди.

— Ўртоқжон, бир илтимос билан қўнғироқ қиляпман. Яқиндагина “менда героин бор” деётгандинг. Бўлса, олиб чиқ. “Дом”ингни тагида турибмиз. Бўл тезроқ, — деди Дагар менинг мушқулимни осон қилиб.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас Беназир у ёқ-бу ёққа аланглаганча кўп қаватли уйдан тушиб келди.

— Олиб тушган “матоҳинг” унга эмас, менга керак. Қани бўл, берақол, — дедим унга қўлимни узатганимча.

— Пули қани, олиб келдингми? — дея ажабланди у.

— Ҳа, мана, санаб ола қол-да, бекитганингни менга бер, — дея сумкамдан бир даста пулларни олиб, унинг қўлига тутқаздим.

Биз шундай килиб бир зумда олди-сотдини ҳам амалга оширдик. 5,79 грамм героинни 1200000 сўмга сотиб олдим.

Кейин мен “Буюк ипак йўли” метро бекати олдида турмуш ўртоғим билан учрашишга ошиқдим. Чунки ўша ерда мен у билан биргаликда уйга кетмоқчи эдик. Аммо мени метро бекати олдида милиция ходимлари кутиб олишиб, ўзларини таништиришиб, мендан шахсимни тасдиқловчи ҳужжатларимни кўрсатишимни сўрашди.

— Кечирасизлар, мен тошкентликман. Шунинг учун ёнимда паспортимни олиб юрмайман, — дедим довдираб қолиб.

— Унда шахсий тинтув қиламиз. Чунки ўзингизни тутишингиздан шубҳаландик, — дейишди милиция ходимлари.

Милиция ходимларидан қутулиш чораси йўқлигини англаб етдим. Шунинг учун жинси шимимнинг чўнтагидаги полиэтилен пакет бўлагига ўралган кукунсимон моддаларни уларнинг қўлига тутқаздим.

— Булар нима? — дея ажабланишди милиция ходимлари.

— Героин. Ўзим истеъмол қиламан. Лозим топсам сотаман, — дея ўз айбимга иқроф бўлдим мен.

Милиция ходимлари дарҳол героинни муҳрлашиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришди.

Суд мени, синфдошларим Дагар ва Беназирни айбдор деб топиб ўн бир йилга озодликдан маҳрум этди...”

* * *

Гиёҳвандликни танлаганларнинг келажаги йўқлиги тўғрисида бот-бот гапирамиз, тушунтирамиз, газета-журналларда ўқиймиз. Аммо бундан ҳамма ҳам бирдек хулоса чиқариб олмас экан. Гиёҳвандликнинг охири ўлим билан тугагани ҳам биламиз. Бироқ билиб туриб ҳам шу ишга қўл урганларни кўриб лол қоламиз. Энди уч ўртоқ қилган қилмишларидан сабоқ чиқариб олишармикин?

Кейинги хатимда ашула гуруҳимизда кўшиқ айтадиган Зарнигор опа ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 15 ноябрь

ГУЛҒУНЧАНИНГ ЎЛИМИ

Салом, Гулзода! Омонмисиз? Мана куз ойи ҳам охирлаяпти. Тилларанг барглар ерга тўкилди. Ҳаттоки, шу барглар ҳам эмин-эркин деб ўйлайман. Чунки хоҳлаган пайтида яйраб-яшнайти, хоҳлаган пайтида дарахтини тарк этади. Биз эса кун ва ой санаб қачон озодлика чиқишимизни кутиб яшаймиз. Ҳар ёмғир ёққанида юрагим безовта бўлаверади. Чунки худди шундай кунда онажонимни, сўнг отажонимни ерга берганман. Эслаш мен учун жудаям оғир. Кўз ёшларимни тўхтатолмай қоламан. Ёмғир бу мениг кўз ёшларимга ўхшайди.

Бугун мен сизга Зарнигор опанинг бу ерга қандай тушиб қолганини ҳикоя қилиб беормоқчиман.

, * * *

“...Кунларнинг бирида Зухра опаси Ҳамида билан биргаликда озиқ-овқат харид қилиш учун дўконга

чиқишди. Уларни кўпдан буён кузатиб юргандим. Шунинг учун атрофимга аланглаганимча қизларга яқинлашдим.

— Қизларжон, ҳойнаҳой, вилоятдан келганга ўхшайсизлар-а? Мабодо арзонга ижара уй керак эмасми? — дея ўзимни меҳрибон аёлдек қилиб кўрсатдим.

— Ижарага уйимиз бор. Лекин сиз нима учун арзон нархга ижарага қўймоқчисиз? — дея ажабланиб сўради мендан Зухра.

— Чунки мен жудаям савобталаб аёлман. Доим одамларга яхшилик қилиб юраман. Бу хислат менга ота-онамдан ўтган. Ўқийман, ишлайман, меҳнат қиламан, деб келган қизларни кўрсам раҳмим келади, — дедим уларга кулимсираб.

Қизлар бир-бирларига сирли боқишиб “ўйлаб кўрамиз” дея мужмал жавоб беришди.

Мен қизларнинг соддалигини билиб, ҳар куни энди уларнинг йўлини пойлаб, ўзимнинг таклифимни тикиштиравердим. Ўз таъсиримни кўрсата бошладим. Қизлар ўйланиб қолишди. Кейин қиммат уйда турганидан кўра арзонроқ хонадонда туришни афзал кўришиб, тезда меникига кўчиб ўта қолишди.

Мен қизларни уйимга қўйиб, антиқа режамни амалга оширмақчи эдим. Шунинг учун қизларнинг хонасига тез-тез кириб, уларни ўқишдан чалғита бошладим:

— Бошингларни оғритиб нима қиласизлар ўқиб? Профессор бўласизларми? Ундан кўра ана, Қозоғистон бир қадам. Ўша ёққа бориб ишласанглар, ойига доллар топасизлар. Хоҳласаларингиз Айдин исмли жиянимга айтаман. Тезда яхши, пули кўп жойга ишга жойлаштиради, — дедим уларни пулга қизиқтириб.

Опа-сингиллар ўқишга тайёргарлик кўришаётган эди. Уларнинг орзулари бир жаҳон бўлиб, келажакда

институтларга ўқишга кириб, олий маълумотли бўлмоқчи эдилар. Аммо пулу тилла тақинчоқларнинг дарагини эшитиб, иккаласининг ҳам ҳаловати бузилди. Эҳтимол, кўп пул топса, ўқишга ҳам пул тўлаб кирса бўлади, деган фикр мияларида ўрнашиб қолди.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, уларнинг ёнига жияним Айдинни ҳам жойлаштирдим. Айдин энди қизларни Қозоғистонга, официантликка ишга таклиф қила бошлади.

Аввалига қизлар унинг бу таклифига рози бўлишмади. Шундан сўнг Айдин билан биз маслаҳатлашиб олдин опасини, кейин синглисини Қозоғистонга олиб боришни мўлжалладик. Режалаштирган кунимиз тонгсахарда Айдин билан Ҳамидани Қозоғистонга алдаб, авраб жўнатиб юбордим.

Ўша куни Зуҳра касал бўлиб ётиб қолганди. Ўрнидан туриб опасини излади. Стол устида ёзилган хатга кўзи тушиб ғалати бўлиб кетди. Унда опаси Ҳамида Айдин билан Қозоғистонга ишлаш учун кетганлигини, тахминан бир ҳафталарда қайтишини, ота-онасига бу ҳақда айтмаслигини тайинлаганлиги ёзилганди. Мендан сўраган эди, опасининг Қозоғистонга кетганлигини айтдим. Аммо орадан икки ҳафта ўтса ҳам опасидан дарак бўлмади. Шундан сўнг у хавотир олиб уйига кетди. Онаси билан ёлғиз қолгач, ичини кемираётган дардини айтиб берибди. Онаизор эса турмуш ўртоғига айтибди. Эртаси куни учовлон меникига келишди.

— Болам қани? Уни қаерга жўнатдингиз? — деди онаизор хавотирланиб менга.

— Вой, ассалому алайкум, холажон. Нимага хавотирланасиз? Қизларингиздан ҳечам хавотир олманглар. Улар Қозоғистонга кетишди. Ишончли кўлларда. Хоҳласаларингиз Айдиннинг Сариёғочдаги уй манзи-

лини ёзиб бераман. Ўзингиз топиб оласизлар, — дея уларни тинчлантириб кузатиб кўйдим.

Ноилож қолган ота-она Айдиннинг манзилини олиб, Сариёғочга боришибди. Дарвозани опам очибди.

— Ассалому алайкум. Кечирасиз, биз қизимиз Ҳамидани излаб келгандик. Уни Айдин шу ерга олиб келган экан? — дебди она шўрлик.

— Ҳа-ҳа, улар шу ерда эди. Аммо икки-уч кун олдин улар Остона шаҳрига ишлагани кетишди, — дебди Айдиннинг онаси атрофга олазарак қараб. Кейин дарҳол дарвозасини бекитиб олибди.

Бу гапни эшитган ота-онанинг ҳафсаласи пир бўлиб, Остонага боришга кўп пул кераклигини билгач, ноилож Тошкентга қайтишибди.

Айдин Ҳамида ва Лидани алдаб, уларни Остона шаҳридаги ресторанда юқори маошли официантлик ишига жойлаштириб кўйишни ваъда қилиб, паспортларини олиб кўйди. Қизларнинг йўл харажатларини мен ўзим тўладим. “Черняевка” пости орқали улар Қозоғистонга ўтиб олишди. Уларни Остона шаҳридаги Самат, Ардак, Еркиблан ва Урал исмли йигитларнинг қўлларига топширдик. Улар эса қизларни шаҳарда ташкил этилган фоҳишахонага олиб бориб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлашди. Шу йўл билан топилган пулларни бешовлон бўлишиб олдик.

Пулларни олгач, мен гўёки ҳеч нарса билмагандек ортимга қайтдим.

Бир куни Зухранинг қўл телефониغا Ҳамидадан аҳволи яхши эканлиги тўғрисида “смс” хабарлари келди. Сўнгра яна жим-жит бўлиб қолди.

Орадан икки ойча вақт ўтганидан сўнг тўсатдан яна унинг қўл телефониغا Остона шаҳрининг шифокори кўнғироқ қилиб деди:

— Мен шу шаҳарда шифокор бўлиб ишлайман. Опангиз Ҳамиданинг аҳволи оғир.

Бу гапни эшитган Зухра дарҳол бу ҳақда отасига айтибди. Улар бир амаллаб шифохонага етиб боришибди. Ҳақиқатан ҳам Ҳамиданинг соғлиги яхши эмас экан. У кучли заҳарланган, бир томондан ҳомиладор ҳам экан.

— Бу аҳволда Ўзбекистонга олиб кетолмайсиз. Йўлда бирон нима бўлиб қолиши мумкин, — дебди шифокор ота-онасига.

Ноилож улар кўзларида ёш билан яна ортларига қайтишибди.

Орадан йигирма беш кун ўтгач, онаизор чидай олмабди. Турмуш ўртоғи билан биргаликда қизини олиб келиш учун йўлга чиқишибди. Бир амаллаб Ҳамидани Ўзбекистонга олиб қайтишиб, зудлик билан пойтахтдаги шифохоналарнинг бирига жойлаштиришибди. Айдиннинг онаси Ҳамиданинг даволаниши ва дори-дармони учун пул олиб келишни баҳона қилиб Қозоғистонга қочиб кетибди. Аммо Ҳамида икки ой “кома”да ётиб, сўнгра вафот этибди.

У ердан бир амаллаб қочган Лида Тошкентга келгач, Ҳамида билан уни бир хонадонга қамаб, мижозлар топиб келишиб, қаттиқ назорат остида фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилганликларини, Ҳамида заҳарлангунича шу ишга мажбурлашганини Зухрага айтиб берибди. Афсуски, энди кеч эди.

Мен одам савдоси билан шуғулландим. Ёш-ёш қизларни “юқори маошли иш бор” дея алдаб, ўзга юртларга сотиб, виждонсиз одамга айландим. Менинг алдовларимга учган қизларнинг ҳаёти фожиа билан тугади. Бир гунча очилмаёқ сўлди. Ортидан ота-онасию яқинлари бўзлаб қолишди.

Эндигина очилиб келаётган, орзулари бир дунё бўл-

ган гулдек қизнинг умрига зомин бўлдим. Қилган ишимдан қаттиқ пушаймонман...”

* * *

Гулзода. Аёл — она, бир уйнинг бекаси, тадбиркор, тарбиячи, ўқитувчи, шифокор. Яна бири эса гулгунчанинг қотили. Мен сираям ундай дея таъриф бермоқчи эмасдим. Аммо бундай аёлларни ким деб аташимиз мумкин? Бундайлар одам қиёфасидаги ҳайвон. Мен бу аёлдан чексиз нафратланаман. Бир ота-онанинг дилбандини пул учун сотиб, қотилига айланди.

Кейинги хатимда тушлик маҳали танишган Фарида опа ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2011 йил 30 ноябрь

МАҲАЛЛАДОШЛАРИНИ СОТГАН ҚИЗ

Ассалому алайкум, дугонажон! Омонмисиз? Мана қиличини қайраб қаҳратон қиш ҳам келди. Ойна ортидан ўйнаб-ўйнаб ёғаётган оппоқ қорга қараб ҳавасим келади. Чунки у озод. Истаган жойига ёғиши мумкин. Мен эса ўзимни қафасга солингандек ҳис қиляпман. Шу қорчалик ҳам бўлолмайман. Эсингиздами, бир марта сизга “қорхат” ёзганим? Мени қувлаб етолмагансиз. Ўйин шартига кўра торт олиб беришга мажбур бўлгансиз. Буни мен ҳеч қачон эсимдан чиқармайман.

Мен сизга бу хатимда Фарида опанинг бу ерга қандай келиб қолганлиги ҳақида ёзиб юборяпман.

* * *

Мен Пенза шаҳрида доимий яшовчи тоғамнинг ўғли Аслиддинникида истиқомат қила бошладим.

Омадим кулиб Москва замонавий гуманитар фанлар университетининг Пенза шаҳридаги филиалининг юридик факультети талабаси бўлдим. Ёзги таътил бошланганида Бекободга, яъни туғилган гўшамга йўл олдим. Бир-икки кун уйда бўлгач, зерикдим. Секин маҳалламизни айлангани чиқдим. Танишим Билолникига бордим. Иккаламиз ҳол-аҳвол сўрашгач, бир пиёла чой устида анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирдик.

— Хуллас, ўртоқ, гапнинг пўсткаллеси, маҳаллада яшаётган йигитларни йиғасан. Пенза шаҳрида тоғам яшайди. Унинг фирмаси бор. Бир катта бино қурмоқчи. Шунга ишчилар керак, — дедим унга.

— Биз-ку жон-жон деб борамиз-ку-я, аммо йўл пулини ҳамма ҳам тўлай олмайди-да. Ундан кейин у ерга боргач, жой масаласи дегандай, — дея гапининг у ёғини гапирмасдан каловланиб қолди Билол.

— Йўл пулини ўйлама. Ҳаммасини ўзим тўлайман. Ҳар ой яшаш ҳамда овқат пулидан ташқари ҳар биринг қўлингга тўрт юз доллардан ойлик маош оласан. Мен ваъда бераман. Қарабсанки, бойвачча йигит бўлиб уйлариингга қайтасанлар, — дея уни пулга қизиқтириб, қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирдим.

Билол тезда маҳалладаги йигитлардан ўнтасини ишга бориш учун йиғди. Кейин мен уларга Россияда яхши маошли ишни таклиф қилиб, йўл пулларини ҳам ўзим тўлашимни тушунтирдим. Йигитлар менинг бу таклифимга жон-жон деб рози бўлишди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, мен ўн бир нафар йигитнинг ҳаммасини йиғиб, ўзимнинг вазиятимни тушунтирдим:

— Россияга кетувчи поезднинг чиптасига пулим етмаяпти. Шунинг учун ҳамма топганини ўртага ташла-

син. Мен бу пулларни ўзимникига қўшиб, чипта олиб келаман. Беш кундан сўнг пойтахтдаги Тошкент темир йўл вокзалида учрашамиз, — дея йигитлар берган пулларни олиб, уйимга жўнадим.

Айтилган куни йигитлар яхши ниятлар, улкан орзулар билан Тошкент темир йўл вокзалига етиб келишди.

— Йигитлар, вокзал чиптахонасини текширувчилар текшираётган экан. Шунинг учун “Нексия” ва “Дамас” русумли автомашиналарга ўтирасизлар. “Фишкўприк” божхона постига борамиз, — дея уларни ўша ерга бошлаб бордим.

Сўнгра уларни чиптасиз Тошкент-Москва поездига ўтказдим. Улар Қозоғистон ҳудудидан ўтаётганда поезд бир неча марта тўхтатилиб, текширилди. Йигитларни вагон кузатувчилари мавжуд бўлган яширин жойларда, яъни кўмирхона ва юкхоналарда яшириб қўйишди. Улар бу ерда гоҳида икки-уч соатлаб қолиб кетишарди. Кейин улар Россиянинг Резяевка темир йўл станциясида тушиб, у ердан Пенза шаҳригача электричка орқали етиб олишди.

Йигитларни менинг тоғамнинг ўғли Аслиддин кутиб олиб, ўзи яшаётган уйга бошлаб борди. Кейин Мансур исмли йигитни кўнғироқ қилиб чақиртирди-да, йигитларни унга топшириб деди:

— Мансур сизларга нима деса шунинг айтганини қиласизлар. Агарда уни айтганини қилмасанглар, сизларга пул ҳам йўқ.

Мансур уларни Пенза шаҳридаги янги қурилаётган бинога олиб бориб, у ердаги Сергей исмли йигитга топширибди. Тўғрироғи, йигитларни у ўн минг Россия рублига сотибди. Сергей уларни уч гуруҳга бўлиб турли жойларда қийнаб, тузук-қуруқ овқатлантормасдан аёвсиз ишлатибди. Улар бир бинонинг қурилишида

Йигирма кунча ишлаганидан сўнг ёнига Мансур келиб, уларнинг еб-ичишлари учун 200 Россия рублини бериб кетибди. Аммо меҳнат ҳақини беришни хаёлига ҳам келтирмабди.

Уч кундан сўнг уларнинг ёнига Аслиддин келиб уйига олиб кетибди. Икки кундан сўнг йигитларни у Одил деган танишига топширибди.

— Ишлайдиган жойларинг бу ердан етти-саккиз километр узоқда жойлашган. Ҳар куни автобус ёки бошқа транспортда боришларингга тўғри келади. Шунинг учун паспортларингни ўзларингга бераман, — дея Одил уларга паспортларини қўлига тутқазибди.

Йигитлар у ерда бир ҳафтача қийналиб ишлашибди. Иш оғир. Ейиш-ичиш эса яхши бўлмаганлиги учун улар бу ердан кетиб, Аслиддинникига боришибди ва дардларини тўкиб солишибди.

Аслиддин эртаси куни уларни Башмакова деган жойга бассейн қургани олиб борибди. Бу ерда ҳам йигитлар дам олиш кунисиз ўн кунча ишлашибди. Аммо ҳеч ким уларга бир сўм ҳам пул бермабди.

Йигитлар ноилож яна Аслиддинникига паноҳ излаб бир умид ва илинж билан келишди. Афсуски, уларнинг бу умидлари ҳам барбод бўлди.

— Менинг дадам ҳозир Тюмень вилоятида ишляпти, ёнига чақирди. Шунинг учун ишлаган пулимни берсангиз, — деди йигитларнинг орасидаги дадилроғи Сардор.

— Ўзинг биласан. Кетган пулни қаердан оласан? Ахир, ҳар бирларинг мендан саккиз минг рублдан қарзсанлар-ку! Кетгинг келган бўлса, пулингни топда, кетавер! Тўрт томонинг қибла! Мен сени ушлаб турганим йўқ! — деди Аслиддин.

Шундан сўнг Сардор йигитлардан ажралиб, кўчаларда ишлаб, пул топиб, дадасининг олдига етиб олди. У ерда яхши ишлаб, кейин Ўзбекистонга қайтди.

Бошқа тенгдошлари ҳам бирин-кетин қийналишиб, зўрға йўлкирага пул топишиб, ортларига қайтишибди. Сўнгра менинг устимдан судга ариза билан мурожаат қилишибди.

Шундан сўнг менинг оила аъзоларим типирчилаб қолишди. Имкони борича жабрланган йигитларга кўрган зарарларини тўлашга ҳаракат қилишди.

Суд мени беш йил муддатга озодликдан маҳрум этди...”

* * *

Ота-оналаримиз бизга бировларни алдамаслигимизни, бошимизга қилич келса ҳам рост сўзлашни ўргатган. Бироқ Фариданинг ота-онаси тарбия беришда адашган чоғи. Бўлмаса ўз маҳалласидаги йигитларни ҳам қул қилиб сотадими? Энди у бу маҳаллада қандай бош кўтариб юради? Қандай яшайди?

Шу ўринда қуйидаги сатрлар ёдимга тушди:

Мўмай даромад — хом хаёл билсанг,

Алдовларга учмассан — гар хушёр бўлсанг.

Кейинги хатимда жарангдор овози билан ҳаммани лол қолдирган ашула гуруҳимизда кўшиқ айтадиган Юлдуз опа ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 13 декабрь

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР

Салом, дугонажон! Омонмисиз? Газета-журналлардаги янгиликларни ўқиб турибмиз. Янги йилга тайёргар-

ликни ҳам бошлаб юборгандирсизлар? Эсингиздами, болалигимизда ҳовлиларингизнинг ўртасида қорбобо ясаб қўлига супурги тутқазиб қўйганимиз? Қорбўрон ўйнаганларимиз-чи? Болалик хотираларини эслаб маза қиламан. Қанийди, бола бўлиб қолсам. Афсус, бу хом хаёл. Дераза ортидан паға-паға ёғаётган қорни томоша қилиб сизларни кўз олдимга келтираман. Қувноқ ва беғубор болалигимиз ёдимга тушаверади. Бувим раҳматли мен учун кичкина арча сотиб олиб берганди. Уни дугоналаримга мақтаб чарчамасдим. Гўёки, арча фақат менда бордек. Хуллас, қишнинг ҳам завқи ўзгача эди.

Бу гал сизга ваъда қилганимдек, Юлдуз опанинг бу ерга қандай келиб қолгани ҳақида ўзининг тилидан ёзиб юборяпман...

* * *

“Мен “ишламасдан тишлаш” режасига кўра пул топишнинг осон йўлларини излардим. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Бекобод шаҳрида яшайман. Чунки бу шаҳарда турмуш ўртоғим яшайди. Бироқ, туғилиб вояга етган юртим Хўжандга тез-тез бориб турардим.

Бир куни Хўжандга, қариндошларимникига тўйга борганимда у ерда бирга ўқиган синфдошим, партадошим Сангинни кўриб қолиб, хурсанд бўлдим. Иккала-миз роса чақ-чақлашиб, синфдошларимизни эслашиб ўтирдик. Гап орасида Сангин менинг кулоғимга “героин керакми?” дея шипшиб ўтди.

— Уни нима қиламиз? — дедим унга.

— Нима қилардик? Одамлар қатори биз ҳам “бизнес” қиламиз. Пул ишлаймиз, — деди Сангин шивирлаб.

— Бўлди, гап битта. Мен мижоз топган куним сен билан боғланаман. Сен эса ўша “матох”ингдан бизга етказиб турасан, — дея биз хайрлашдик.

Орадан бир оз вақт ўтгач, танишим Шомил 250 грамм героин кераклигини айтиб қолди.

— Пулидан гапиринг, пулидан. Қанча бера оласиз? — дедим мен худди шу ондаёқ айтган нарсасини муҳайё қиладигандек.

— Хурсанд қиладиган нарх айтаман. Мен паст кетмайман. Икки минг икки юз доллар бўладими? — деди у.

— Мен героиннинг эгасидан сўраб кўрай. Рози бўлса дарҳол сизга етказаман, — дея Сангин билан телефон орқали гаплашишга ошиқдим.

Сангин менга героинни 1200 долларга берадиган бўлди. Бу нархдан қувониб кетдим. Ахир, фойда яхшигина бўларкан-да. Шунинг учун бу ишни ортга сурмасдан тезда Шомил билан учрашиб, унга айтилган нархга рози эканлигимни билдирдим. Танишим эса мени Асад деган йигит билан учраштирди.

Шундай қилиб деярли иш “пишди”. Шомил менга 1900 доллар берди.

— Қолганини героинни олгандан сўнг бераман, — деди у.

Мен унинг бу шартига рози бўлиб, Сангинга кўнғироқ қилиб, “мол”ни олиб келиб беришини сўрадим.

— Тожикистон билан Ўзбекистоннинг чегарасида кутиб туринг. Ўзим олиб бориб бераман, — деди у.

Шундай қилиб айтилган жойда иккаламиз учрашдик. Мен Сангинга 1200 долларни узатдим. У эса менга “мол”ни берди.

Мен эртаси куни Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрига бориб, у ерда Асад билан учрашдик. Унинг

“Матиз” автомашинасида Тошкент шаҳрига келиб, бизни кутиб турган Шомилга “мол”ни бердим.

— Буни сотиб бўлган заҳотиёқ қолган пулларни бераман, — деди Шомил. Сўнг улар билан хайрлашдим.

Бироқ Шомилга қолган пулларни қайтариш насиб этмади. Чунки Тошкент шаҳар мелиса ходимлари томонидан, Чилонзор туманида жойлашган Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) метро бекати ёнида Шомил ва Асадлар ушланибди.

Уларнинг ёнидан “Айген” ёзувли полиэтилен пакети-нинг ичидан героин чиқибди. Улар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судида қилган жиноятларига яраша жазоларини олишибди. Аммо мени “сотишмабди”.

Октябрь ойининг охирларида бизникига қариндошимиз Маъруф келди. Гап орасида у героин топиб беришни илтимос қилиб деди:

— Қозоғистондан келган харидор бор. Бир килограмм героинни 20000 долларга сотиб олишади. Шундан 15000 долларни сизга бераман. Бу ишдан фойда қиламиз. Шундай қилмасам бўлмайди. Чунки оилавий аҳволимиз яхши эмас. Битта уйда болаларим билан бирга сиқилиб қолганмиз. Озгина пул ишлаб олсам, алоҳида уй сотиб олардим.

— Ўйлаб кўриб, кейин жавобини айтаман, — дея меҳмонимни кузатиб кўйдим-да, эртаси куниёқ Сангиннинг уйига бордим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, дарҳол муддаога ўта қолдим.

— Синфдошим бўлганлигинг учун бир килограмм героиннинг нархи 7000 доллар бўлади, — деди Сангин менга қараб.

— Ўзбекистонга олиб бориб бера оласанми? — дея сўрадим ундан.

— Унда нархи бир оз ошади-да. Чегарадаги аҳвол-

ни кўриб турибсан. У ёққа олиб ўтадиган бўлсам 8000 доллар бўлади. Кармонинг кўтарадими? — дея ўйланиб жавоб берди у.

— Уйга қайтгач, харидор билан гаплашиб кўраман. Улар шу нархга рози бўлишса кўнғироқ қиламан, — дея Ўзбекистонга қайтиб келдим.

Мен ўша куниёқ дарҳол қариндошимни чақиртирдим. Қариндошим Маъруф қозоғистонлик харидор Холбекни ҳам меникига олиб бориб таништирди. Мен уларга вазиятни тушунтирдим.

— Сиз олиб келаверинг. Пулларни кейин оласиз. Менга ишонишингиз мумкин. Ахир, алдаб кетмайманку! — деди қариндошим бир оз жаҳли чиқиб менинг гапларимдан.

Шундан сўнг мен яна Сангиннинг ёнига бориб, бўлган воқеани тушунтириб бердим.

— Ундай бўлса сизинг ўртоқчилик, қариндошчилик ўз йўлига. Бундай олди-сотди учун кимнидир гаров сифатида қолдириб кетсанг, айтган нарсангни бераман, — деди Сангин.

Мен кўлимга мўмайгина пул тушишини тасаввур қилиб уйимга қайтгач, ўғлим Оллобердини Тожикистонга, Сангиннинг уйига жўнатдим. Қариндошимга кўнғироқ қилиб, ўша куни героинни олиб келишимни айтиб, уйимда гаров сифатида унинг туришини айтдим. Маъруф синглиси Маъпурани менинг уйимда гаровга қолдириб кетди.

Мен сабрсизлик билан қуёш чиқишини кутдим. Сўнгра тонг ёришганида келишилган жойга бордим. Даланинг бир чеккасида олдимга келадиган одамни бетоқатлик билан кутдим. Хайрият, ярим соатлардан сўнг бир нотаниш киши келиб менга “Сангин бериб юборди”, дея оқ рангли хўжалик сумкасини кўлимга тутқазиб кетди.

Мен у ёқ-бу ёққа аланглаб, дарҳол сумкани титкилаб кўрдим. Унинг ичида пиёз бор эди. Демак, пиёзлар орасига героинни яшириб жўнатган, деган фикрга келиб, ўрнимдан турдим-да, уйимга қараб жўнадим.

Уйимда Маъпура ҳам интиқлик билан кутиб ўтирарди. Унинг олдида пиёзнинг ичидан чиққан героинларни ўзимиз ейиш учун олган буханка нонларнинг ичини ўйиб, жойлаштирдик. Озгина героин ортиб қолди.

Шу пайт тўсатдан биз ўтирган хонага турмуш ўртоғим Мейли кириб қолди-да, менинг нима иш билан машғуллимни кўриб, жаҳли чиқди:

— Онаси, шу ишингизни йиғиштиринг. Нима қиласиз оғримаган бошингизни оғритиб, — деди у норози оҳангда.

— Овозингизни ўчиринг! Қачон сиздан ақлли фикр чиқувди. Ўзингиз пул топмаганингиздан кейин бизларнинг ишимизга аралашманг! Ундан кўра мана-ви героинни бирор жойга яшириб қўйинг! — дедим эримга бақириб.

Менинг қаҳр-ғазабимдан чўчиган эрим индамасдан героинни олиб хонадан чиқиб кетиб, уни бекитиб қўйди.

Мен героин жойлаштирилган буханкаларни полиэтилен пакетга жойлаб, йўловчи автомашинада Тошкентга қараб жўнадим. Қариндошим Маъруф билан “Авиасозлар деҳқон бозори” яқинида учрашишга келишиб олдик.

Айтилган жойга етиб келгач, мен машинадан тушиб қариндошимга кўнғироқ қилиб учрашдик.

— Героин қаерда? Олиб келинг-да энди, — деди қариндошим менга.

Мен машинага қайтиб бориб, героин солинган па-

кетни олиб, қариндошим турган жойга бордим. Нимагадир у кўринмасди. Хавотирланиб, дарҳол қўнғироқ қилдим.

— Ёнингиздаги кўп қаватли уйларнинг орасига кинринг, — деди Маъруф.

Шу пайт менинг ёнимга ўзларини миллий хавфсизлик хизмати ва божхона ходимлари сифатида таништирган кишилар келиб, тадбир эълон қилинганлигини ва менинг қўлимдаги пакет ичида нима борлигини сўрашди.

Улардан қочиб қутулолмаслигимни сезиб, мен ноилож тан олишга мажбур бўлдим ва уларга секингина дедим:

— Пакетим ичида героин жойлаштирилган буханка нонлар бор...

Уйда қолган героинни Мейли ҳожатхонага бекитиб қўйган экан. Аммо уни ҳам мелисалар топиб олишибди.

Шундай қилиб, бу оилавий “тадбиркорлик”ка чек қўйилди.

Суд мени, ўғлим Оллобердини, турмуш ўртоғим Мейлини узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Оилавий қамалдик. Қилган ишимдан пушаймонман. Менинг касримга қолган болам ва турмуш ўртоғим ҳам азоб чекадиган бўлди...”

* * *

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Ноқонуний савдосотиқ билан шуғулланганлар ҳар доим қонун олдида ўз жазосини олганлар. “Букрини гўр тузатади” деганларидек, илгари ҳам худди шундай иш билан жазосини олган Юлдуз опанинг бу хатосини ким тузата олади?..

Кейинги хатимда ошхонани тозалаётганимда танишиб қолган Фаёза ҳақида ёзиб юбораман.

Сизни соғиниб қолувчи дугонангиз Адолат.

2011 йил 27 декабрь

ЎҒРИ ФАРЗАНД

Салом, азизам! Соғ-саломат юрибсизми? Маҳалламиздагиларнинг барчаси яхшими? Мени сўраганларга соғинчли саломимни етказинг. Янги йилни яхши кутиб олдингларми? Бизга ҳам бу ерда байрам қилиб беришди. Ош пиширишди. Ўзимизнинг ашула гуруҳимиздагилар кўшиқлар айтиб, янги йилни кутиб олдик. Барибир уйда, оиланг даврасида хурсандчиликлар билан кутганинг бошқача бўлади.

Бу гал сизга Фаёзанинг қандай қилиб бу ерга келиб қолганини ўзининг тилидан қилиб ёзиб юборяпман...

* * *

“Ёз ойларининг бирида танишим Абдулботирни кўриб, хурсанд бўлдим. У менинг соғлигимни, аҳволимни сўради.

— Ие, аҳволимни сираям сўрама! Ўгай она ҳеч қачон ўз онангдек бўлмас экан. Мени узатишганидан сўнг уйимизга ўзимга тегишли бўлган нарсаларни олишга борувдим. Ўгай онам мени ҳақоратлаб, ўз уйимдан қувиб солди-я, ярамас. Энди борсам эшикни сираям очмаяпти. Ўгай барибир ўгай экан-да! Бу ҳақда отамга айтмадим. Жанжаллашмасин, тинчгина ўтиришсин деб, — дея жиғибийрон бўлиб унга дардимни дoston қилдим.

— Кўй, хафа бўлма! Бирор ёрдам керак бўлса айт! — деди менга астойдил раҳми келиб Абдулботир.

— Вой, ростданми? Менга ёрдам берасанми? Ундай бўлса, отамникига борайлик. Ҳозир отам ишда, ўгай онам уйда бўлади, — дедим шоша-пиша унинг қўлла-ридан ушлаб.

— Ҳа, албатта. Ахир, биз болаликдан дўстмиз-ку. Кетдик бўлмаса, — дея Абдулботир мен билан кўпқаватли уйларнинг олдига бориб подъездимизга кирдик.

— Эшикни тақиллатиб, “Электросетдан” келдим деб айтасан. Бўлмаса, у жодугар эшикни очмайди, — дедим унга шивирлаб.

Абдулботир эшик кўнғироғини босди. Ҳеч нарсадан хабари бўлмаган ўгай онам Тамара эшикни очди. Мен эса тенадаги қаватга чиқиб кетиб, унинг уйга киришини пойлаб турдим.

— Ассалому алайкум. “Электросет ходимиман”. Тўлов квитанцияларини кўрсатинг, — деди артистлик қилиб Абдулботир.

— Ҳозир олиб чиқаман, — дея ўгай онам Тамара меҳмонхонага кириб кетди. Аммо тўлов квитанцияларини тополмасдан эшик олдига чиқди. Мен дарҳол тенадаги қаватдан уйимиз эшиги олдига тушдим. Шу пайт ўгай онам мени кўриб, ҳайрон бўлиб сўради:

— Сен нимага келдинг? Бор, чиқиб кет! — дея менга ўшқирди.

Абдулботир дарҳол эшикни ёпиб, мен билан биргаликда Тамарани итариб, меҳмонхонага киргиздик. Ўгай онам ёрдам сўраб қичқирмоқчи бўлди.

Абдулботир дарҳол унинг оғзини қўли билан ёпиб, менга бақирди:

— Бўл тез! Ҳаракатингни қилмайсанми?

Мен унга ошхонадан сочиқ олиб келиб бердим. Иккаламиз сочиқни Тамаранинг оғзи ва бўйни аралаш ўраб, бўға бошладик.

— Пул қаерда? Пластик карточка қаерда туради? — дея ўгай онамни сўроққа тутдим.

Тамаранинг эса жавоб беришга ҳам ҳоли келмай, нафас олиши қийинлашиб, полга ўтириб қолиб ҳушидан кетди. Мен бўлсам апил-тапил ҳаммаёқни тинтиб, нарсаларни сочиб, отамнинг номидаги “Асака” банкнинг пластик карточкасини, 150000 сўм пулини, “Нокиа” телефонни, 100000 сўмлик матоларни, “Ракета” номли тилла қўл соатини олиб, уйдан чиқиб кетдик. Зинапояда қўшниларибиз Дамина ва Бобурни кўриб бир оз довдираб қолдим. Сўнгра улар билан ҳол-аҳвол сўрашдим. Кейин эса Абдулботир билан тезда кўздан ғойиб бўлдик.

Тушликка яқин Тамаранинг невараси бобоси Мўминга кўнғироқ қилиб дебди:

— Мактабдан қайтсам, бувим касал бўлиб ётган экан. Уйга тезроқ келинг!

Мўмин отам дарҳол уйимизга ўқдек учиб келибди. Уйга кирганида барча нарсалар сочилиб ётар, Тамара эса диванда инграркан. У нима воқеа рўй берганини ўгай онамдан билиб олгач, мелисага кўнғироқ қилиб, бўлиб ўтган ҳолатлар бўйича хабар берибди.

Суд мени ва танишим Абдулботирни босқинчиликда айблаб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Мени деб Абдулботир ҳам қамалди. Қилган ишимдан қаттиқ пушаймон бўляпман...”

* * *

Фаёзага пул керак бўлгани учун ўгай онасини сал қолибди-я, ўлдириб қўйишига. Ана энди қилган ишининг жазосини тортиб ўтирибди. У ношукр экан. Отасига меҳрибончилик қилиб, овқатини пишириб, кирини

ювиб, уйини озодагина тутиб ўтирган аёлга шафқат-сизлик қилибди.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида бирга ишлайдиган Маъмура опанинг бу ерга қандай келиб қолганини ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2012 йил 14 январь

МИСИ ЧИҚҚАН “МОЛИЯЧИ”

Салом, дугонажон! Сизларни соғиндим. Икки кундан буён ёғаётган қор сираям тинай демаяпти. Кун совуқ. Яхшиямки, бу ерда ишлаймиз, кун қандай қилиб кеч бўлганини билмай қоламиз. Бу ердаги кутубхонадан “Зира ҳиди” номли китобни олдим. Тўғриси айтсам, китобни ўқишга қизиқиб кетиб, тонг отаётганини ҳам билмай қолибман. Жудаям қизиқ, ҳаётдан олинган воқеалар экан.

Бу гал сизга Маъмура опанинг бу ерга тушиб қолгани ҳақида ёзиб юборяпман...

* * *

“Мен турмуш ўртоғим Шомансур билан биргаликда Хоразмдан Тошкентга кўчиб келиб, Қорасув даҳасида яшай бошладик. Ёшлигимдан дангасароқ бўлиб оғирнинг устида, енгилнинг остида юрганим учун менга меҳнат қилиб пул топиш ёқмади. Осонроқ йўл билан кўпроқ пул топишни изладим. Ниҳоят, топдим ҳам. Мен молия тизимида ишламасам-да, ўзимга Молия вазирлигида ишлаш ҳақида сохта ҳужжат — гувоҳнома тайёрлаб олдим.

Бир куни меникига Мирзо Улуғбек туманида яшовчи танишим Тўхтасин ака келди. Узоқ суҳбатлашдик.

— Қизимни яхшироқ жойга, иложи бўлса молия тизимига ишга жойлаштиришни кўзлаб юрибман, — деди гап орасида меҳмон Тўхтасин ака.

— Ие, ҳали хабарингиз йўқми? Мен Молия вазирлигида ишляяпман. Битта сизнинг қизингизни ишга киритолмасам, нима қилиб юрибман бу ерда? Мана, менинг хизмат гувоҳномам, — дея уни ишонтириш учун ўша ерда турган стол ғаладонидан қип-қизил гувоҳномамни олиб кўрсатдим.

Гувоҳномани ўқиб чиққан Тўхтасин аканинг юзига табассум югурди.

— Ундай бўлса бизни бир қўллавораркансиз-да, Маъмурахон! — деди у.

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейдилар. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг ҳам чораси бор. Фақат белингиз бақувват бўлса бўлгани. Чунки ҳозирги кунда ишга кириш ҳам пул бўлиб кетган, — дедим бармоқларимни бир-бирига ишқаб.

— Бу ёғидан кўнглингиз хотиржам бўлсин. Қанча керак бўлса, топиб бераман. Фақат қизим ишга кирса бўлгани, — деди Тўхтасин ака.

— Ундай бўлса, бугунги ишни эртага қолдирмайлик. Қолган ишга қор ёғар, дейдилар. Бизнинг вазирликка ишга кириш ставкаси олти юз доллар бўлади. Сиз ўзимнинг акахоним бўлганингиз учун ўзимнинг хизмат ҳақимни қўшмаяпман, — дедим унга.

— Майли, сингилжон. Кечгача айтган пулингизни етказаман. Бўлмаса, мен борақолай, — дея менинг гапсўзларимга чиппа-чин ишонган содда Тўхтасин ака хурсанд бўлганича уйига қайтди. Кечқурун бўлса қизининг ишга киритиши учун мўлжаллаб қўйган пулларни олиб келиб, менинг қўлларимга тутқазди.

Кунларнинг бирида яна меҳмонга келган Тўхтасин акага мен Марказий банкдан 150000 доллар кредит олиб беришни ваъда қилдим.

— Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди, ака. Бунинг учун юқоридаги «акахон»ларга кредит суммасининг беш фоизини, яъни етти минг беш юз долларни пора тариқасида олдиндан бериш лозим. Бўлмаса, ҳеч қандай кредит ололмайсиз, — дедим яна ундан пул ундириш мақсадида.

— Сизга ишонаман, Маъмурахон. Уйга бориб, турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашай. Кейин сизга жавобини айтаман, — дея уйига қайтди Тўхтасин ака.

Бироқ у мен айтган бунча пулни тополмади.

Орадан бир оз вақт ўтгач, мен Тўхтасин акани уйимга чақириб дедим:

— Сизнинг бошингизга омад куши кўнай деб турибди, ака. Ҳаракатингизни қилиб қолинг. Сизга танишбилишларни ишга солиб Марказий банкдан кредит олиб бераман. Кредит олиш учун зарур ҳужжатларни йиғинг. Бундан ташқари бизнес-режа ҳам керак бўлади. Хоҳласангиз сизга зўр бизнес-режа тузиб бераман. Фақат бунинг учун тўрт юз эллик доллар зарур бўлади, — дея уни пул беришга қизиқтирдим.

Соддагина Тўхтасин ака мен айтган пулларни берди. Бироқ мен ҳеч қандай бизнес-режа тузмасдан, бу пулларни ўз эҳтиёжларимга сарфлаб юбордим.

Бир куни бизникига бойвучча танишим Шерназар келиб қолди. Мен уни ҳам чув тушириш мақсадида гап бошладим:

— Ишбилармон одамлар ҳозир кредитга доллар олиб ишлашяпти. Бундан роса фойда қилишяпти. Сиз ҳам бир уриниб кўрмайсизми? Хоҳласангиз мен сизга

Марказий Банкдан бир юз эллик минг доллар кредит олиб бераман. Сиз бўлсангиз кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни йиғишингиз лозим. Бизнес-режа албатта бўлиши шарт. Бизнес-режа тузадиган танишларим бор. Фақат пулидан қочмасангиз бас.

— Тахминан қанча бўлади? — дея қизиқсиниб сўради Шерназар.

— Атига тўрт юз эллик доллар бўлади. Бундан ташқари мансабдор шахсларга кредит суммасининг ўн фоизини «шапка» қилиб, яъни ўн беш минг долларни ҳам бериш керак. Таваккал қилиб катта пул сарфласангиз катта фойда оласиз, — дедим унга.

Шерназар бу таклифимга рози бўлиб менга 9000 доллар берди. Афсуски, бу пуллар ҳам эгаларига етиб бормасдан менинг эҳтиёжларимга сарф бўлди.

Шундан сўнг мен яна содда, ишонувчан одамларни уйимга чақириб, қоп-қоп ваъдаларни бериб, пулларини олишга ошиқдим. Менинг кейинги тузоғимга Нозима тушди. Нозимага ҳам банкдан кредитга пул олиб бериш эвазига 17500 долларни қўлга киритдим.

Дилмуҳаммад ҳам шундай алдов қурбони бўлди. Мен Дилмуҳаммаддан кредитни тезроқ олиш учун ўн фоиз миқдорда харажат пули бериш кераклигини таъкидлаб ундан 2200 доллар, кредит олиб бериш учун ҳужжатларни тўғрилаш зарурлигини айтиб, уни пора беришга қизиқтириб, яна 25000 доллар олдим.

Орадан бир оз вақт ўтгач, мен Шерназарга 150000 долларни нақд пул шаклида олиши учун 500 доллар бериш кераклигини айтиб, уни алдаб, бу пулларни ҳам қўлга киритдим.

“Кўза кунда эмас, кунда синади” деганларидек, менинг бу сирларим фош бўлди. Жабрланувчилар ме-

нинг устимдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза ёзиб, пулларни қайтаришда ёрдам беришини сўрашибди. Фирибгарлигим менинг бошимга етди. Етиб келган жойим шу ер бўлди. Энди бу ердан чиқсам, албатта, меҳнат қилиб, ҳалол пул топаман. Ҳеч кимни алдамайман...”

* * *

Эҳ, одамлар, одамлар! Эҳтиёт бўлинглар! Орамизда фирибгарлар бор, дегим келиб кетди. Бундай фирибгарлар содда одамларнинг шўрини қуритади. Уят, андиша деган сўзларни унутиб юборишади. Унинг гапларини эшитиб, алданиб қолган одамларга раҳмим келди. Бу ерда ҳар хил аёлларнинг қилмишларини эшитиб, кўзим “ярқ” этиб очилгандек бўляпти.

Кейинги хатимда шанбаликда танишган Бибисора опа ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2012 йил 30 январь

ИНСТИТУТГА “КИРИТАДИГАН” ФИРИБГАР

Салом, Гулзода! Хатингизни олдим ва хурсанд бўлдим. Ҳар бир хатим сизга маъқул бўлаётганидан мамнунман. Мана қиш ҳам охирлаб қолди. Ҳадемай баҳор ойи ҳам бошланади. Мен баҳорни ва уйимизни жудаям соғиндим. Бу ердаги бодом гуллади. Бирам чиройли. Сизларнинг ҳам ҳовлиларингизда бир туп бодом бор эди. Эсингиздами, болалигимизда ўшанинг тагида ўйнардик. Ҳар гал бодомга кўзим тушганида болалигимизни эслайман.

Бу гал сизга ваъда қилганимдек, Бибисора опанинг

бу ерга қандай келиб қолганини ўзининг тилидан ҳикоя қилиб берай.

* * *

“Бир куни мен уйимиз ёнида жойлашган “вулканизация” шохобчасига бориб, у ерда ишлайдиган самарқандлик талаба йигит Юнус билан танишдим. Шундан сўнг мен у ерга тез-тез бориб турадиган, Юнус билан суҳбатлашадиган бўлдим.

— Ўқишга, институтларга кирадиганлар бўлса, тортинмай айтавер. Ёрдам бераман, — дедим гап орасида.

— Унақа абитуриентлар кўп. Сизни таништириб кўяман. Росаям “керакли” одам экансиз, — деди соддагина Юнус.

Кўп вақт ўтмай Юнус Мавлон ва унинг ўғли Мансурни мен билан таништириб қўйди.

— Опа, ўғлимни Жаҳон тиллари университетига ўқишга киритиб беринг, — деди Мавлон менга.

— “Қаловини топсанг қор ҳам ёнади” дейди машойихлар. Вазирликда танишларим кўп. Фақат “Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди-да!” — дедим мен.

— Гапингизга тушундим. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Белимиз бақувват. Болаларимизнинг келажаги учун ҳамма нарсага тайёرمىз, — деди Мавлон.

— Ундай бўлса, уч минг доллар берасиз, — дея хизмат ҳақимни унга айтдим.

— Ҳозирча бир минг тўққиз юз долларни олиб туринг. Қолганини ҳам етказаман, — дея Мавлон менга чўнтагидаги долларни берди.

Мен Мансурга тегишли бўлган “ДТМ” нинг нусхасини олдим.

Мавлон кўнгли хотиржам бўлиб Самарқандга қайтиб кетди.

Ўша пайтда Собир деган йигит Молия институтига киролмабди. Тўплаган бали етмабди. Шунинг учун таниши Юнусдан ёрдам сўрабди.

— Мени Тошкентда зўр опахоним бор. Шунақа ишлар билан шуғулланади. Хоҳласанг телефон рақамини бераман. Гаплашиб кўр, — дея унга бир қоғозга менинг телефон рақамларимни ёзиб берибди. Собир дарҳол мен билан гаплашди.

— Ўқишга киритиш олти минг доллар бўлади. Юнусдан уч минг долларини бериб юбор. Қолганини кейин берарсан, — дедим Собирга мен.

Собир тезда отаси билан маслаҳатлашибди. Поччаси билан Самарқанддан Тошкентга келиб, Юнуснинг олдида менга 2000 доллар беришди. Қолганини ўқиши ҳал бўлганидан сўнг беришмоқчи бўлишди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Жавлон деган йигит менга кўнғироқ қилиб деди:

— Опа, мен доришунослик институтига кирмоқчиман. Гаплашиб бероласизми? Сизнинг телефон рақамингизни Юнусдан олдим. Ҳозир унинг ишхонасидаман.

Мен тезда “вулканазация” шохобчасига бордим. Юнус бизни таништирди.

— Доришунослик институтига ўқишга киритиш саккиз минг доллар бўлади. Олдиндан тўрт минг доллар, қолганини ўқишга кирганингдан кейин беришинг керак, — дея уни ҳам алдаб 4000 долларини олдим.

Аммо бирорта абитуриентни ўқишга киритиб кўйишга ҳаракат ҳам қилмадим. Собирнинг отаси менга кўнғироқ қилиб “Қачон ўғлимни ўқишга киргизиб берасан?” деб ҳадеб сўрайвергани учун уни алдаш мақсадида компьютер ёрдамида Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ходиевнинг номидан “Собир Эркинов Молия институтининг 1-курсига қабул қилинди”, деб қалбаки буйруқ тайёрлаб, нусхасини Собирнинг қўлига тутқаздим.

Мен Мавлонга ўғли Мансурни “Грант” асосида Жаҳон тиллари университетига киритиб қўйганимни, қолган 1100 долларни тезда Юнусдан бериб юборишларини айтиб қўнғироқ қилдим.

Мавлон хурсанд бўлиб Юнусга айтилган пулларни олиб бориб берди. Орадан ойлар ўтса-да, ўғлининг ўқиши ҳал бўлмади. У алданганини сезгач, мендан берган пулларини қайтаришини сўраб, тилхат ёздириб олди.

Шундан сўнги мен унинг пулларини қайтардим. Қолган жабрланувчилар ҳам мени судга беришди.

Бир амаллаб таниш-билишларимдан қарз кўтариб, Жавлоннинг ҳам пулини қайтардим. Аммо Собир Эркиновнинг пулларини беролмадим.

Суд мени узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

Суд Юнусни ҳам айбдор деб топди. Сўнгра унга нисбатан амнистия қўлланиб, жазо тайинланмади. Ёшим элликдан ошса-да, бу ҳаётда ўз ўрнимни топа олмадим. Чунки ёшлигимда келган совчиларнинг топган йигитларини бири ўпоқ, бирини сўпоқ деб қайтаравердим. Ўзимга жудаям бино қўйгандим. Шунинг учун бирортасига тегмадим. Бирорта касбнинг ҳам этагидан тутмадим. Ишламасдан, одамларни алдаб, пулларини олиб, ўз эҳтиёжларимга ишлатиб юравердим. Фирибгарга шайтоннинг ҳам ҳаваси келади” деганларидек, менга шайтон ҳавас қилса арзийди. Чунки тўрт мартаба одамларни ҳийлагарлик, кўзбўямачилик билан чувтушириб, бир нима ундирдим. Тегишли жазоларимни ҳам олдим. Бироқ ёши элликдан ошса-да “тарки одат —

амри маҳол” деганларидек амалга оширилиши гумон, имкони бўлмаган иш учун содда одамларни алдаб пулини олиб келдим. Энди бўлса ўтган умримга ачиниб кетяпман...”

* * *

Бибисора опанинг тенгдошлари ўғлини ўйлантириб, қизини узатишяпти. Набираларини эркалатиб ўтиришибди. Бу аёл бўлса ҳамон ёлғиз. Ҳеч бўлмаганда севимли иши ҳам йўқ. Ота-онаси ҳам қизининг фирибгарлигидан маҳалласида бош кўтаролмай қолишган. Шунинг учун унинг ортидан ҳеч ким йўқлаб ҳам келмайди.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида биргаликда ишлайдиган Дилдор опа ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2012 йил 15 февраль

СУВДА КУЙИБ, ОСИЛИБ ЎЛГАН ЭР

Салом, Гулзода! Яхши юрибсизми? Дарвозаларингиз олдидаги ўрик гулладими? Бу ердаги ўриклар чиройли бўлиб гуллади. Ҳойнаҳой, сумалакнинг ҳам ҳаракатини бошлаб юборгандирсизлар? Илтимос, менинг номимдан тилак айтиб қозонга тош солиб, олиб кўйинг. Борганимда берарсиз. Эсингиздами, сизларникида сумалак қилганимизда доим иккаламиз пичирлашиб, орзуларимизни айтиб сумалак қайнаётган қозонга тош солардик. Эртаси куни эса талашиб, тортишиб солган тошларимизни олиб асраб кўярдик. Сумалак атрофида доира чалиб, рақсга тушардик. Ажойиб дамлар эди. Худо хоҳласа, бу ердан чиқсам яна шундай базмлар қиламиз.

Мен бу галги хатимда Дилдорнинг бу ерга қандай тушиб қолганини ўзининг тилидан ҳикоя қилиб бераман.

* * *

“Ота-онам Яратган эгамга ёлвориб, беш йил фарзанд сўраб кутишибди. Турмуш қурганларининг олтинчи йилида мен туғилибман. Улар мени еру кўкка ишонишмасди. Мендан сўнг кетма-кет икки ўғил ва бир қиз туғилди. Ота-онам бошқа фарзандларига қараганда кўпроқ мени эркалатар, оғзимдан чиққанини мўҳайё қилишарди.

Бундан мен эркаланиб, талтайиб кетардим. Мактабни тугатганимдан сўнг, дарҳол кўни-қўшнилардан совчилар кела бошлади. Ота-онам мени кимга узатишни билмай бир оз боши қотди. Шунинг учун онам мениннг кўнглимга кўл солиб сўради:

— Қизим, нима дейсан? Қайси совчига розилик беришни билмаяймиз. Ўзинг бирортасини танла.

— Ойижон, мениннг кўнглим Мусурмон акада. У ҳам мени яхши кўради, ҳурмат қилади, — дедим уялибгина.

— Менга ҳам у йигит ёқади. Бўлди, ўшалардан келган совчиларга розилик бераман, — дея онам мениннг хонамдан чиқиб кетди.

Тезда тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Мен елиб-югуриб келинлик хизматини бажариб юрдим.

Орадан бир йил ўтгач, биз фарзандли бўлдик. Ўша йили Мусурмоннинг укасини ҳам уйлантиришди. Битта ҳовлида иккита овсин худди опа-сингиллардек яшай бошладик. Бироқ қайнонам “Икки кўчқорнинг боши битта қозонда қайнамайди”, дея бизни алоҳида уй-жойга чиқариб юборди.

Уч йилдан сўнг мен яна қиз туғдим. Қизалоқли бўлганимни эшитган турмуш уртоғимнинг энди жаҳли чиқди. Туғруқхонага ичиб бориб, жанжал кўтарди.

Қайнонам мени туғруқхонадан олиб қайтди. Мусурмон тақдирга тан бериш ўрнига энди у наша чекадиган бўлди. Аммо бунинг учун кўп пул керак эди. Бу орада қизалоғим атак-чечак қилиб юра бошлади.

Мен учинчи фарзандимга ҳомиладор бўлиб қолдим. Оилавий шароитимиз ночор бўлганлиги учун бу ҳомиламни “аборт” қилдирмоқчи бўлдим. Бир амаллаб туман марказидаги дўхтирга боргандим. Афсуски, у йиғилишга кетган экан. Ҳафсалам пир бўлиб қайтиб келдим.

Орадан анча вақт ўтгач, бир амаллаб пул топиб, яна дўхтирга борганимда ҳомилам анча катта бўлиб қолгани учун дўхтиримиз уни “аборт” қилмади. Менга туғишни маслаҳат берди. Аксига олиб буниси ҳам қиз бўлди. Бундан Мусурмоннинг баттар жиғибийрони чиқди. Энди бу уйдаги жанжаллар менинг фақат қиз туққаним учун бўларди.

Бир куни кўшнимиз Норгул хола чиқди-да, менга ачиниб деди:

— Болам, ҳали ёшсиз, чаққонгинасиз. Уйда “Олма пиш, оғзимга туш” деб ўтиргандан кўра, сиз ҳам савдо-сотик ишлари билан шуғуллансангиз бўлмайди-ми? Жуда кўп аёллар ҳозир шундай қиляпти. Ана, кўчамизнинг бошидаги Норбуви келинни қаранг. Ҳеч қачон тиниб-тинчимайди. Қачон қарасанг, катта сумкаларни кўтарволиб, Тошкентга боради. “Ипподром” бозоридан арзонроқ моллар харид қилади-да, қишлоққа олиб келиб сотади. Норбуви келин бир пайтлар сизлардан ҳам хароб яшарди. Мана шу сав-

досининг ортидан ўзларини тиклаб олишди. Савдода гап кўп, келин.

— Тўғрисини айтсам, нима қилишни ҳам билмайман. Эрим ҳам оталик масъулиятини унутган. Отаонамникидан озиқ-овқат ташиб кун кечиряпмиз. Ўзим ҳам гоҳида уялиб кетаман. Ишлай десам, кўлимда дипломим ҳам йўқ. Дардим ичимда, холажон, — дедим хўрлигим келиб.

— Ўтирган бўйра, юрган дарё, дейдилар, ўргилай. Уйда сиқилиб, эшикка кўз тикиб ўтиргандан кўра савдо билан шуғуллансангиз, кўлингиз бир-икки сўм пул кўрарди. Қозонингиз қайнарди, — деди хола яна мени қизиқтириб.

— Бундай қилишимга эрим рухсат берармикин? — дея холадан сўрадим.

— Қизиқ гапларни гапирасиз-а, келин. Ўзи пул топиб рўзгорни эпламаганидан кейин рухсат беради-да. Рухсат бермаса, мени чақиринг. Ўзим эрингизга туншунтириб қўяман, — деди хола.

— Бўлмаса, эрим билан маслаҳатлашиб кўрай. Раҳмат, холажон, мен учун куйиниб, шунча маслаҳат берганингиз учун, — дея уни кузатиб қўйдим.

Афсуски, эрим мени савдо-сотик қилишимга рухсат бермади. Эртаси куни яна уйимизга Норгул хола чиқди. Мен бошимни эгдим.

— Жон болам, эрингиз рози бўлмаган бўлса аёл макрини ишга солинг, — дея маслаҳат берди у.

— Эримни кўндирдим ҳам дейлик, кейин савдо учун пулни қаердан оламан-а? — дедим холага мўлтираб.

— Пул топишни ўйламанг. Анави Шоҳида дўкончи бору, ўша аёл ким пул сўраса фоизи билан қайтариш шарти билан беряпти, барака топкур. Ўзим олиб бе-

раман пулни. Сиз ҳаракатингизни қилсангиз бўлгани. Эртага сиздан хабар олгани чиқаман. Шу бугуноқ эрингиз билан яна гаплашиб, бу масалани узил-кесил ҳал қилинг, — дея Норгул хола уйига чиқиб кетди.

Унинг ортидан мен узоқ қараб қолдим. Эрим келгач, дарҳол гапни бошладим:

— Норбуви келинни танийсизми? Ўша келин неча йилдан буён савдо-сотик билан шуғулланаркан. Савдосининг орқасидан ҳамма нарсага эришибди. Мен ҳам шундай қилсаммикин, девдим.

— Бекорларнинг бештасини айтибсан. Мен Норбувининг эрига ўхшаб сўтак эмасман. Норбуви савдога кетдим деб, нима ишлар билан шуғулланиб юрганини Худо билади. Улфатларим эрининг устидан доим кулишади, — деди хўжайним кўрслик билан.

— Унда мен қачонгача отамникидан ташмалайман? Сиз эркак бўлиб рўзгорни эплаб кўйинг бўлмаса, — дея аразладим ундан.

— Кўнглингиз бошқа шаҳарларга боришни тусаб қолдими? — дея турмуш ўртоғим менга ўқрайди.

— Нима қилибди? Ҳозир ҳамма аёллар савдо билан бошқа шаҳарларда юрибди. Улар рўзгорим, болам-чақам деб юришибди. Ўйнагани боришмаяпти. На ейишимизнинг, на кийинишимизнинг тайини бор. Ҳадемай қизимиз мактабга чиқади. Унга мактаб формаси, китоб-дафтарлар керак бўлади. Олиб бероласизми, ёки улфатларингиз билан бирга карта ўйнашдан бўшамайсизми? — дея гапига гап билан жавоб қайтардим.

— Бу уйда ҳеч ким очидан ўлаётгани йўқми?! Шунинг учун ўчир овозингни! Ғам ема, хотин. Мактабдагилар жуда ғамхўр. Китобиниям, папкасиниям

ўзлари беришади. Дафтарини бир амаллаб олиб берармиз, — деди эрим.

— Йўқ, мен энди бундай аҳволда ўтиришни хоҳламайман! Мен ҳам дугоналаримга ўхшаб чиройли кийинишни, қизларимни кўғирчоқдек кийинтириб юришни хоҳлайман, — дедим хўжайнимнинг кўзларига тик қараб.

— Эси паст хотин савдога пулни қаердан оласан? Бирорта бойвачча сенга пул бераман дедими? — дея у яна мени сўроққа тутди.

— Пулни Шоҳида дўкончидан оламан. У ҳаммага пул қарз бераётган экан, — дедим мен ҳам бўш келмай.

— Э, бор-ей, билганингни қил! Аммо ортингдан бирор ёмон гап эшитгудек бўлсам, нақ пичоқ билан сени ёриб ташлайман! Шу гапларимни эсингдан чиқарма! — дея хўжайним улфатларининг ёнига чиқиб кетди.

Эртаси куни эрталаб мен Норгул холаникига кириб, эримдан рухсат олганимни айтиб, иккаламиз Шоҳида дўкончининг ёнига бордик ва мақсадимни айтдим.

— Ҳозир “Ипподром”да нима бор? Анави Норбуви келин Қозоғистонга боряпти. Ундан илтимос қилсангиз, сизни ҳам олиб боради. У ерда моллар арзон экан, — дея у сўраган пулимни бир ой муддатда фоизи билан қайтариш учун берди.

Биз дўкондан чиқиб, Норбувиникига бордик. Норгул хола гапнинг индаллосини айтди:

— Келинжон, Дилдорни ҳам ўзингизга шерик қилсангиз. Бу ҳам ўзини ўнглаб олсин.

— Майли, олиб бораман. Фақат эрингиз бизникига келиб жанжал кўтармайдими? — дея менга қаради у.

— Бу ёғидан хавотир олманг. Эримнинг ундай одати йўқ, кўнглингиз хотиржам бўлсин, — дедим мен.

— Унда индинга кетишга тайёргарлик кўринг. Ўзим сизни уйингиздан олиб кетаман, — дея бизни кузатиб қўйди Норбуви.

Шундай қилиб, мен ҳам савдо-сотигимни бошладим. Қизларимга энди турмуш ўртоғимнинг ўзи қараб ўтирадиган, овқатини тайёрлайдиган бўлди.

Бир куни у қизларини ухлатиб, улфатларининг ёнига борибди. Биттаси “манавиндан чекинг” дея унга сигарета узатибди. Уни чеккан Мусурмон сархуш бўлиб қолибди.

— Агар кўпроқ пул берсанг, сенга шунақа зўрларини чектираман, ўзингни осмону фалакда учиб юргандек ҳис қиласан, — дея Холиқ ўртоғи кулибди.

Ўша куни у уйимизга сархуш бўлиб қайтди. Орадан икки кун ўтгач, уни ўша сигератанинг хумори тута бошлади. Ахийри чидолмасдан ўша ўртоғининг ёнига борибди.

— Илтимос, ўша сигаретангдан бир донагина бер. Жудаям чекким келяпти, чидай олмаяпман, — дебди.

— Аввал пулини тўлаб қўй. Кейин хоҳлаганингча бераман. Мен қизғанчиқ эмасман, — дебди Холиқ ўртоғи.

— Ахир, ҳеч қаерда ишламасам, пулни қаердан оламан? — дебди хўжайним.

— Хотинчанг савдо билан шуғулланаётганини эшитгандим. Пулни ундан сўра. Одамлар эри учун нималар қилмайди. Наҳотки, аёлинг сендан пулини қизғанса? — дебди Холиқ ҳам.

Мусурмон унга лом-мим деёлмасдан ортига қайтибди. Уйнинг барча жойларини илма-тешик қилиб пул қидирибди. Менинг яшириб қўйган пулларимни топибди-да, худди ёш боладек қувониб, ўртоғиникига югурибди. Анави захри қотилни олиб, уйга келибди.

Сигаретани чекиб, хаёл дарёсида сузибди ва ухлаб қолибди.

Шундан сўнг Мусурмон тез-тез уникига қадам ранжида қиладиган бўлиб қолди.

Мен эса яширган пулларим жойида йўқлигини кўриб таажжубландим. Қизларимдан ва эримдан сўраганимда, ҳаммалари “билмаймиз” дейишди. Афсуски, бундай пул йўқолишлар тез-тез содир бўладиган бўлди. Жаҳлим чиққанидан, ҳаттоки, қизларимни саваладим ҳам. Аммо қизларим “кўрганимиз йўқ, биз олмаганмиз” деб йиғлашди.

Кейинги савдомнинг фойдасига мен Норбувининг қистови билан тилла зирагу тилла узуклар сотиб олдим. Уни фақат тўйларга, туғилган кунларга тақиб борадиган бўлдим.

Бир куни қишлоғимдаги дугонамнинг фарзандларига қилаётган суннат тўйига бормоқчи бўлдим. Қутичани очиб, ичидаги тилла узугим йўқлигини кўриб ҳайрон бўлдим. Қизларимдан сўрадим. Улар умуман менинг тақинчоқларимга тегмаганлигини айтишди. Беҳол бўлиб ўтириб қолдим. Ўша куни тўйга ҳам бормадим. Мусурмон уйимизга қайтгач, уни сўроққа тутдим:

— Пулларим қаёққадир учди, индамадим. Энди навбат тилла буюмларга келибди-да! Тўғрисини айтинг! Қани менинг тақинчоқларим?

— Мен қаёқдан биламан? Ўзинг бирор жойга бекитиб, тополмаётгандирсан. Ана, қизларингдан сўра! — дея ўшқирди менга эрим.

Мен у билан баҳслашиш бефойда эканлигини англаб, бошқа гапирмадим.

Орадан бир ҳафта ўтгач, яна битта тилла зирагим йўқолди. У ҳам топилмади.

Бир куни савдодан ҳориб-чарчаб қайтганимда уйимизнинг эшиклари ланг очиқлигини кўриб қотиб қолдим. Чунки қизларимни онамникига қўйиб келгандим. Эрим ҳам уйда бўлмаслигини айтувди. Шунинг учун мен оёқ учида юриб, секин хоналарга мўраладим. Ётоқхонамда эрим тахмондаги кўрпаларни тушириб, сандиғимни очиб, титкилаётганига кўзим тушди.

Бир оз уни кузатдим. Бундан беҳабар турмуш ўртоғим сандиқдан топилган пулларни чўнтагига солди. Менинг жаҳлим чиқди-да, ортиқ тоқат қилолмай эшикни шартта очиб, эримга бақирдим:

— Уйимдаги ўғри ўзингиз экансиз-ку! Уялмадингизми? Пулларни, тиллаларимни кимга бериб келдингиз!

— Қанақа пул, қанақа тилла?! Нималар деб алжираяпсан? Мен ҳам эндигина келгандим. Кўрпалар ағдарилиб тушган экан. Шунга қизиқиб сандиқни очгандим. Ҳозир мен кетаман.

— Пулларни ташлаб кетинг! Мен болам-чақам, рўзгорим деб ёзнинг жазирамасида, қишнинг қаҳратонида юртма-юрт кезиб, меҳнат қилсаму, сиз болаларимнинг ризқини қийиб, топганимни кимларгадир ташияпсизми?

— Бир-икки сўм пул топиб, босар-тусарингни билмай қолдингми? Менга керакмас пулларинг! Савдоингни ҳам йиғиштир! Яқинда ўзим ишга кираман, ишлайман! — дея менга дағдаға қилди эрим.

— Чўнтагингиздаги пулларимни менга беринг-да, кўзимдан йўқолинг! — дедим мен ҳам бўш келмай.

— Мана сенга пул, мана! — дея эрим дуч келган жойимга тепа бошлади. Мен унинг чўнтагига қўлимни тиқиб, бир амаллаб, калтак есам ҳам, пулларимни олволдим.

Эрим уйдан чиқиб кетди. Ортидан мен хўнграганимча йиғлаб қолавердим. Кейин ўрнимдан туриб, ҳаммаёқни йиғиштириб чиқдим. Шунда сандиқнинг бир чеккасида узугимнинг қутчасини кўриб қолиб, барчасига тушуниб етдим. Йўқолган пуллар, тилла тақинчоқларни эрим олганини фаҳмладим. Аламимга чидай олмасдан онамникига бориб, бутун дардимни айтиб йиғладим.

— Болам, садқаи кўз ёшинг кетсин. Шу нарсалар сенинг жонингдан ҳам азиз бўлибдими? Болаларингни ўйласанг-чи! — деди меҳрибоним.

Аммо мен эримнинг қилган ишларини кечира олмай, ўйлайвериб касал бўлиб ётиб қолдим. Кейин қайнонамникига бордим. Қайнонам хушламайгина кутиб олиб, кейин заҳрини сочди:

— Қўлингизга пул тушиб, босар-тусарингизни билмай қолдингизми, келинпошша?!

— Ойижон, бу нима деганингиз? Худога шукр, ҳеч қандай ножўя иш қилганим йўқ, — дедим ажабланиб.

— Бозорчи аёлларга ўхшаб шаллақилик қилишга ўтибсизми? Ўғлимнинг омади келмаган бўлса, ҳадеб юзига солишингиз шартмиди? Сабр қилинг. Бир кун ўғлим ҳам пул топиб қолар, — деди қайнонам.

— Ойижон, ўғлингиз уйимиздан пул ўғирлаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳатто, тилла буюмларимни ҳам олиб, йўқ қилиб юборди. Ахир, болаларимнинг ризқини қийишга нима ҳаққи бор? — дедим қайнонамга.

— Мен болаларимга ҳалол луқма едиргандим. Ўғлим бундай ишни қилмайди, тухмат қилманг! — деди ўғлингнинг қилиғини хаспўшлаб онаси.

— Ўзим ушлаб олдим-ку, ойи! Нимага менга ишонмайсиз? Ўғлингизнинг ўзидан ҳам сўраб кўринг! — дедим мен йиғламоқдан бери бўлиб.

— Вой, ноинсоф-эй! У бўлса сени менга ёмонлаб келганди. Ҳали шундай ишга қўл урдими? Ҳали уйга келсин, кўзига кўрсатиб қўяман ўғрилиқ қандай бўлишини! Сиз, келинжон, энди уйингизга тилла тақинчоқларингизни ҳам, пулларингизни ҳам қўйманг. Яхшиси, онангизга бериб қўйинг, — деди қайнонам бу гапларимни эшитиб.

Шундан сўнггина менинг кўнглим бир оз таскин топиб, уйимга қайтдим.

Кечқурун уйга маст бўлиб қайтган эрим жанжал қилди. Чунки у ота-онасидан роса дакки эшитган экан. Бор аламини мендан олди. Мени ўласи қилиб урди. Шундан сўнг мен пайт пойладим. Эримдан қандай қилиб бўлса-да, қасд олмоқчи бўлдим. Минг битта режа туздим.

Бир куни одатдагидек оғир сумкалар билан тўлиб-тошиб келдим. Сумкаларни бир четга қўйиб, чой ичдим. Газга қайнатиш учун икки челақ сув қўйдим.

Эрим эса ўрнидан турди-да, заҳри қотил жойланган сигаретани чекди. Кейин хонага кириб каравотга ётиб, қотиб ухлади. Мен тузган режамни амалга оширишга киришдим. Эримни каравотига билдирмасдан боғлаб ташладим. Қайнаб турган челақдаги сувни олиб келдим-да, ухлаб ётган эримнинг устига ваҳшийларча қуйиб юбордим. Эрим қаттиқ бир чинқирди-да, ҳушидан кетди. Мен иккинчи қайнаб турган челақдаги сувни ҳам унинг устига қуйдим. Кейин боғлаган арқонимни ечиб, уни бир амаллаб судраб, ташқаридаги сўрининг устига ётқиздим. Уст-бошини алмаштирдим. Ҳўл кийимларни олдиндан қазиб қўйган ўрага кўмдим. Кейин эримни судраб, ўрик дарахтига боғлаб қўйган арқонни уни бўйнига сиртмоқ қилиб боғлаб, қўйиб

юбордим. Куйган одамнинг боши сиртмоқда турмас экан. Эримнинг бўйни шилиниб, сиртмоқдан сирғалиб ерга қулади.

Шундан сўнг мен артистлигимни ишга солиб ёлғондакам бақира бошладим:

— Вой-дод, одамлар, ёрдам беринглар! Эрим ўзини осиб қўйибди!

Кўни-қўшнилар бу фарёддан бир қалқиб тушишди. Меникига бирин-кетин кириб келишди. Мусурмонни тупроққа беланиб ётганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашди. Ҳеч ким унинг ўлганига ишонгиси келмасди.

Кўшнилardan бири “Тез ёрдам”га ва милицияга кўнғироқ қилди. Кимдир унинг онасига бу шумхабарни етказишга улгурди. Онаизор оёқ яланг, бошидан рўмоли сирғалиб тушиб қолган ҳолда бу ерга югуриб келиб қолди. Ўғлини қучоғига олиб фарёд кўтарди:

— Нималар қилиб қўйдинг, болам! Ким сени шундай қилишга мажбурлади, ким? Сен ўлгунча, мен ўлсам бўлмасмиди, болам?!

Аёллар уни зўрға Мусурмондан ажратиб олишди. Бир кўшни рўмолини ечиб эримнинг юзига ёпмоқчи бўлиб, қотиб қолди-да, деди:

— Ҳой, одамлар. У ўзини осмаган. Куйиб ўлганга ўхшайди.

— Ким куйибди, ким? Нима қилган бўлсаям ўзи қилган! — дея жазавага тушдим мен.

Шу пайт “Тез ёрдам” машинаси ва милиция ходимлари ҳам етиб келишди. Эримни экспертизага олиб кетишди. Ҳақиқатан ҳам унинг куйиб ўлганлиги тасдиқланди. Шундан сўнг тергов ишлари бошланди.

Мен эса қилган айбимга иқрор бўлиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Ортимдан уч қизалоғим

бўзлаб қолишди. Уларни жудаям соғиндим. Тушларимда кўраман. Қизларим ҳар гал мени кўргани келишганида бир неча кун ўзимга келолмасдан юраман. Уларни она меҳридан жудо қилдим. Хато қилганимни англадим. Пушаймонман...”

* * *

Жудаям аянчли тақдир. Пули ва тиллаларини олиб, жойига қўймаганлиги ва ноҳақ калтаклангани учун Дилдор эридан ўч олди. Бироқ ўз фарзандларини етим қилиб қўйганини кеч англади.

Кейинги хатимда тикувчилик цехидан танишиб қолган Шавқия опа ва Ширмоной хола ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2012 йил 28 февраль

ДИҚҚАТ, ОДАМФУРУШЛАР!

Ассалому алайкум, Гулзода! Сизларни соғиндим. Онажонимни ҳам. Кеча меҳрибоним келиб кетди. Байрам билан табриклагани келибди. Эсингиздами биз ҳам кичкиналагимизда мактабда ўқитувчимиз ўргатганидек оқ қоғозни учбурчак шаклида қирқиб унга чиройли гулларнинг расмини чизиб тагига “8-март – Онажонлар байрами” деб ёзиб аямизга берардик. Бу бизнинг катта совғамиз эди. Ўзимиз совға тайёрлаганимиздан хурсанд бўлардик. Кейинроқ устозларимизга откритка сотиб олиб, унга табрик сўзларини ёзиб берардик. Деярли ҳамма ўқувчилар устозларни табрикларди. Шунда мен ҳам катта бўлганимда устоз бўлгим келарди...

Бу гал сизга Шавқия опанинг бу ерга қандай келиб қолганини ўзининг тилидан айтиб бераман.

* * *

“Бибигулнинг яхши ниятлар ила қурилган оиласи кўп вақт ўтмай барбод бўлибди. У ота уйига фарзанди билан қайтиб келибди. Ишлай деса кўлида бирон-бир хунари ёки дипломи ҳам йўқ экан. Нима қилишга боши қотибди. Бир томондан фарзандининг хархашаси. Аксига олиб ўша кунларда жиянининг ҳам тоби қочиб қолибди. Иккаласи шифохонада ётишга мажбур бўлибди. Палатадоши, шу ерда даволанаётган Бону исмли қиз билан танишиб қолибди. Иккаласи ҳам бир-бирларига дардларини айтадиган бўлишибди. Бир куни Бибигул боласини бир ўзи боқиши лозимлигини, бунга эса қурби етмаслигини айтиб ундан чет элда танишлари бор-йўқлигини сўрабди.

— Менинг ҳамма жойда танишларим бор. Хоҳласангиз Тошкентдаги Гуля опа деган танишимга кўнғироқ қилиб, сизни чет элга юборишини ва яхшироқ ишга жойлаштириб қўйишини сўрайман. Ахир, қачонгача қийналиб, ота-онангизнинг қовоқ-тумшуғига қараб яшайсиз. Мустақил ҳаёт кечиришни ҳам ўрганинг-да! — дебди Бону.

— Ўзингиз чет элга борганмисиз? — деб сўрабди Бибигул.

— Албатта. Бир йил ишлаб кўп пул топганман, — дея у дарҳол менинг телефон рақамимни ёзиб берибди.

Улар шифохонадан чиққач, Бибигул иккилана-иккилана Бонудан олган телефон рақам эгасига, яъни менга кўнғироқ қилди:

— Гуля опажон, мен Бонунинг номидан Самарқанддан кўнғироқ қиляпман. Иш қидираётган эдим.

— Бу телефон орқали гаплашадиган гап эмас. Иложини топиб Тошкентга келинг, учрашамиз, батафсил гаплашиб оламиз. Сизга, албатта, ёрдам бераман, — дедим мен самимий.

Менинг хушмуомалалигимдан боши кўкка етган Бибигул ўша куниёқ уйидагиларга боласини ташлаб, ўзи дугонасиникига кетаётганлигини айтиб Тошкентга келди.

Биз “Буюк ипак йўли” метроси олдида учрашдик. Мен Бибигулнинг паспортини кўрдим, у билан суҳбатлашдим ва унга Исроил давлатидаги танишларимнинг ёнига жўнатиб, официанткалик ишига жойлаштиришини ваъда бердим.

— Бу иш аёллар ва қизлар учун жудаям яхши. Ҳар ҳафтада икки минг-уч минг доллардан ойлик оласан. У ердаги ижарахонага пул тўламайсан. Уни ўзим тўлайман. Чунки ўзим ҳам ўша ёққа ишлагани кетяпман. У ерда ишлаганлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Мана, сенга у ёққа юборган қизларимнинг суратларини кўрсатаман, — дея мен сумкачамдан бир талай паркларда, кафеларда тиржайиб тушган қизларнинг фотосуратларини кўрсатдим.

— Телевизорда одам савдоси ҳақида кўпгина кўрсатувлар бўляпти. Яна мени алдаб у ерга олиб боргач, сотиб юбормайсизми? — деди гапларимдан шубҳаланиб Бибигул.

— Йўқ, нималар деяпсан? Олдин ҳам қизларни ишга жўнатганман. Ҳозир ўша қизлар бойвачча бўлиб кетишган. Сен харажатидан чўчима. Ўзим сенга чиптани олиб бераман. Айтганча, бу ерда қоладиган жойинг борми? — дея унга ғамхўрдек тутдим ўзимни.

— Узр, опа, бу ерда ҳеч кимни танимайман, — деди Бибигул кўзларини ерга тикканича.

— Ундай бўлса меникига юра қол, — дея уни хонадонимга олиб кетдим.

Уйимга етиб келгач, Бибигулдан “чипта оламан”, дея паспортини олиб қўйдим. Бу хонадонда менинг холам Ширмоной ҳам бор эди. Мен уларни таништириб, гаплашиб олишлари учун алоҳида хонага бошлаб кирдим.

— Сен сираям чўчима. Официанткалик иши жудаям яхши. Кунига қўлингга пул ўйнайди. Иш ҳақи доим вақтида тўланади. Мобода соғлигинг ёмонлашиб қолган тақдирингда ҳам биз сенга ёрдам берамиз, — дея холам иккаламиз уни аврай бошладик.

Бизнинг бу гапларимизга лаққа тушган Бибигул чет элга кетгунича шу ерда турадиган бўлди.

— Гуля неча йиллардан буён шу иш билан шуғулланади. Ўзи ҳам чет элда кўп вақт ишлаб келган. Худога шукр ишлари юришгач, машина олди. Фарзандларига барча шароитларни яратиб қўйди. Яшаши ҳам маникидан яхши. Шундай яшашни хоҳласанг бориб ишлагин. Кейин ҳамма нарсага эга бўласан, — деди яна бир куни Ширмоной Бибигулга.

Ўша куни мен Бибигулни акамникига олиб бордим. Кейин келинойимга юзланиб:

— Илтимос, шу қизнинг сочини чиройли турмаклаб қўйинг, — дедим.

Ўзим акам билан бошқа хонага кириб гаплашиб ўтирдик. Кейин мен чипта олгани чиқиб кетиб, кечаси қайтдим.

— Чипта “заказ” қилиб келдим. Икки-уч кунда чипта бўларкан, — дедим ухламасдан мени кутиб ўтирган Бибигулга.

— Ундай бўлса мен уйга бориб, оила аъзоларим билан хайрлашиб келсам майлими? — деди Бибигул.

— Нима қиласан ортиқча харажатни? Телефонда хайрлашиб қўя қол. Уйингга боришинг шарт эмас. Яхшиси, телефонингни ўчириб қўй, — дедим жаҳлим чиққанини сездирмай.

Бибигул менинг барча айтганларимни бажарди. Кейин мен унга асл исмим Шавқия эканлигини айтдим. Ширмоной холам унга юзланиб деди:

— Битта оқ қоғоз келтиргин. Тилхат ёздиришимиз керак, — дея Бибигулни қистаб “Шавқиянинг холаси Ширмонойдан 10000 доллар олдим. Чет элга ўз хошимга кўра кетяпман. Мени ҳеч ким мажбурлагани йўқ”, дея ёздириб олдик.

— Мен, ахир бунча пулни олмаганман-ку! Нима учун бу тилхатни ёздирдингиз? — дея сўради мендан Бибигул.

— Ҳар эҳтимолга қарши. Бундан сираям хавотир олма, — дея унга тушунтириб ўтирмадим.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг Бибигулга бизнинг ҳаракатларимиз шубҳали туюла бошлади. Шунинг учун биздан сўради:

— Илтимос, тўғриси айтинглар. Мен официант-каликка бораяпманми?

— Намунча кўп сўрадинг? Жудаям билгинг келаётган бўлса энди ростини айтаман. Сен у ерда фоҳишалик билан шуғулланасан. Дискотека, барлардан мижоз олиб, айтган жойимизга борасан, — дедим мен кўрслик билан.

— Нима учун бу ҳақда олдинроқ айтмадинглар? — дея ажабланди Бибигул.

— Бизнинг касбимиз шундай. Шунинг орқасидан нон еймиз, шоҳона яшаймиз! Энди барига чидайсан. Тилхатни ёздинг. Бўлмаса, менга ўн минг доллар беришинг керак. Чунки сен учун қанча харажат қилганимни билмайсан! — деди жаҳл билан Ширмоной холам.

Бибигул қўрқиб кетди. Энди у ўзини қафасга тушган қушчадек ҳис қилди. Ётоқхонага зўрға кирди. Аксига олиб кийимларини тополмади. Чунки кийимларини яшириб қўйгандик. Кейин нима қилишни билмасдан у ўзининг қўл телефонида “02”га қўнғироқ қилиб, бўлган воқеани ва Исроилга ишга жўнатишаётганини, бугунги кунга чипта олишганини, аммо қайси вақтдалигини билмаслигини ҳамда ўзининг исм-шарифини, Шавқия ва Ширмоной деган аёллар олиб кетишаётганлигини айтибди. Мелисалар ундан ҳозир қаерда эканликларини сўрашибди. У ТТЗ даҳасида, кийим-кечак бозорига яқин тўрт қаватли уйда, аммо уйнинг рақамини билмаслигини айтибди-да, дарҳол телефонини ўчириб қўйибди. Чунки бизнинг билиб қолишимиздан қўрқибди.

Бир оздан сўнг биз таксига ўтириб аэропортга жўнадик. Аэропортда мен Бибигулнинг паспортини, чиптасини ва тўлдирилган деклорацияни бердим.

— Аэропорт ходимлари сендан “қаерга, нима учун кетяпсан?” дейишса, “Опамнинг олдига, меҳмонга кетяпман. Бир ҳафтада қайтаман дегин, — дея ўргатдим.

Бибигул текширувдан ўтиб бўлгач, ичкарида битта ўриндиққа бориб ўтирди ва чиптасини очиб тушунмади. Ёнидаги ўтирган кишига чиптасини узатиб сўрабди:

— Илтимос, чиптамни кўриб беринг. Исроил давлатигамикин ёки...

— Ие, адашдингиз, бу ерга Куала-Лумпур деб ёзилган-ку, — дебди нотаниш одам.

Бир оздан сўнг унинг ёнига бошқа бир киши ўтириб ундан исмини сўрабди.

Унинг Бибигул эканини билгач, “хавотир олма,

мен ички ишлар ходимиман. Биз сизларни назорат қилиб турибмиз. Шавқия деган аёл қанақа кийимда?” деб сўрабди.

Бибигул у сўраган саволларига тўлиқ жавоб берибди. Шундай қилиб, бизнинг режамиз барбод бўлди.

Ўзимиз она бўлиб туриб содда, ишонувчан қизлар ва қийналиб қолган аёлларни тузоғимизга илинтириб “бизнес” қилдик.

Суд мени ва Ширмоной холамни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди...”

* * *

Бундай кимсаларни биз ким деб аташимиз мумкин? Бир донишманднинг “Одам бордур одамларнинг нақшидур, Одам бордур, ҳайвон ундан яхшидур...” деган сатрлари шундай инсонларга аталган бўлса ажаб эмас. Шу ўринда куйидаги шеър ёдимга тушди:

Ҳар кун йўлингизни пойлаб ётарлар,
Турли қимматбаҳо совға тутарлар,
Охири зўр маош таклиф ётарлар,
Огоҳ бўлинг! Улар — одам сотарлар.

Кейинги хатимда ошхонада танишиб қолган Зайнабхон ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2011 йил 9 март

ЁЛҒОНЧИ

Ассалому алайкум, дугонажон! Аҳволларингиз яхшими? Наврўз байрамини маҳалладагилар билан бир-

галикда нишонладиларингизми? Сумалак яхши чиқдимми? Роса базм қилдинглари? Қанийди мен ҳам сизларнинг ёнларингизда бўлсам! Жудаям хоҳлардим. Афсус. Бу ерда ҳам байрам қилиб беришди. Хонандалар келиб кўшиқ айтишди. Тўғриси, кўшиқчилар кўплигидан ким келиб айтганини ҳам билмадим.

Бу гал мен сизга ваъда қилганимдек Зайнабхоннинг бу ерга қандай келиб қолганлигини ёзиб юборяпман.

* * *

“Ёш бўлишимга қарамасдан бирор-бир олийгоҳда ўқишни ҳам ёки бирорта ҳунарни ўрганишни истамдим. Онаизорим эса ёлғиз қизининг истак-хоҳишига қарши бормасди. Кўп қаватли уйларда яшардик. Қўни-қўшнилариимизнинг барчаси русийзабон одамлар эди.

Мен рус қизлари билан болалигимдан ўйнаб улғайдим. Боғчага ҳам, мактабга ҳам улар билан биргаликда бордим. Ичишни, чекишни ҳам ўртоқларим Светлана ва Алисадан ўргандим. Гоҳида онам иккаламиз пивоҳўрлик қиладиган одат чиқардик. Бир-биримизга улфат бўлардик.

Кунларнинг бирида мен “Легион” кафесига кириб, икки шиша “Куллер” пивосини сотиб олиб, майдалаб ичдим. Кафедан чиққанимда соат ҳам 23:00 бўлиб қолганди. Пивога маст бўлиб, оёқларим ўзимга бўйсунмасдан, чалкашиб кета бошлади. Шу алфозда уйимга етиб олмоқчи бўлдим. Шу ердаги бетон ариқчадан сакраб ўтаётиб оёғим чалиниб, асфальтга юзим билан йиқилдим у ҳушимдан кетдим. Аксига олиб бу пайтда кўчада бирор-бир инсоннинг шарпаси ҳам кўринмасди.

Бир оздан сўнг мен ўзимга келдим. Ўрнимдан зўрға туриб, бурнимни ушлаганимча ўша атрофда жойлашган шифохонага бориб, у ердагилардан ёрдам сўрадим. Мени “Тез ёрдам” автомашинасида бошқа шифохонага олиб боришди. Шифокорлар менга муолажа қилишни бошлашиб, қандай қилиб бу аҳволга тушганимни сўрашди.

— Йўлда кетаётгандим. Нотаниш йигитлар йўлимни тўсди. Кейин улар мени уриб, телефонимни, тилла занжиримни, икки юз долларимни олиб, қочиб кетишди. Мени итариб юборишганида бир оз ҳушимни йўқотдим. Кейин ўзимга келгач, нажот истаб кўчанинг нариги томонида жойлашган шифохонага бордим. Улар мени шу ерга олиб келишди, — дедим ўзимнинг ёлғонларимга ўзим ҳам ишониб.

Шифокорлар менинг дардимни ва шикоятимни тинглаб бўлгач, дарҳол бу ҳақда мелисаларга хабар беришди. Мелисалар шифохонага етиб келгач, мени сўроққа тутишди.

— Номаълум йигитлар йўлтўсарлик қилишиб чўнтагимдаги “Нокиа” телефонимни, тилла занжиримни ва икки юз долларимни олишиб, ўзимни калтаклашиб, қочиб қолишди, — дедим кўзимни лўқ қилиб мелисаларга.

— Сингилжон, ёлғон хабар бериш, ёлғон гувоҳлик бериш ҳам жинойт эканлигини биласизми? Агар ёлғон гувоҳлик бераётган бўлсангиз айбланасиз. Яна бир яхшилаб ўйлаб кўринг. Эҳтимол, ўзингиз йиқилиб тушгандирсиз? — деди менинг гапларимдан шубҳаланган мелисалар.

— Рост гапиряпман. Йигитлар мени уриб, шу аҳволга солишди. Уларни тезроқ ушлаб, жазоланг, — дедим йиғлаб худди жабрланувчидек.

Кейин мен бўлиб ўтган воқеа ҳақида тушунтириш хати ёзиб бердим. Шифокорлар онамни чақиртиришиб, менинг бурним синганлигини, операция қилиш лозимлигини айтишди.

— Болам юрак етишмовчилиги касаллиги билан рўйхатда туради. Шунинг учун операция қилманглар. Бирор кор-ҳол бўлса ўзим жавоб бераман. Фақат қизимга рухсат беринглар. Ўзим уйда қарайман, — дея тилхат ёзиб бериб онам мени уйимизга олиб қайтди.

Мендан қандай қилиб бу аҳволга тушганимни сўради. Мен онамга пивохўрлик қилиб, маст бўлиб, ариқчадан сакрайман, дея асфальтга йиқилиб тушганимни айтдим. Шу алфозда уйга боришдан, онамга маст ҳолатда кўринишдан қўрқиб, шифохонага борганимни, мелисаларга ёлғон кўрсатма берганимни ҳам яширмадим.

Онам мендан ранжиб, мелисаларга қизининг ҳеч қачон телефони, тилла тақинчоғи ва доллари бўлмаганлигини айтиб берибди. Мени болалигимдан ёлғон гапни кўп гапиришимни, шунинг ортидан бир неча маротаба ўқитувчилардан, маҳалла оқсоқолидан, участка инспекторларидан танбеҳ эшитганини ҳам бекитмабди.

Суд эса ёлғон гапирганим учун мени айбдор деб топиб, озодликдан маҳрум этди. Яна энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида жарима жазоси ҳам тайинлади.

Энди ҳеч қачон ёлғон гапирмайман. Онам болалигимда “Бошингга қилич келса ҳам рост сўзла” деган гапни кўп гапирарди. Лекин бу гапга амал қилмаган эканман. Энди ўзимни эмас, ёлғизгина қолган онамни ўйлаб сиқилиб кетяпман. Ўйламай қилган ишим

бошимга ташвиш келтирди. Айтган гапларимдан пушаймонман...”

* * *

Ёлгоннинг умри қисқа деганларидек, Зайнабхон ёлгон хабар бериб ҳам қамалди, ҳам жарима тўлайдиган бўлди. Ҳеч кимнинг бошига бундай иш тушмасин.

Кейинги хатимда тикувчилик цехида танишган Чаман ҳақида ёзиб юбораман.

Ҳурмат билан дугонангиз Адолат.

2012 йил 24 март

КОРЕЯДАН ИШ ВАЪДА ҚИЛИБ

Салом, Гулзода! Сизларнинг хатларингизни ўқиб жудаям хурсанд бўлдим. Тез орада синфдошимиз Насиба турмушга чиқишини ёзибсиз. Эшитиб жудаям хурсанд бўлдим. Илоҳим, бахтли бўлишсин. Унинг тўйида хизмат қилмоқчи эдим. Афсус, насиб этмаган экан. Худо хоҳласа, болаларининг тўйида хизмат қилиш насиб этар.

Бу хатимда Чаманнинг бу ерга қандай келиб қолганини ўзининг тилидан ёзиб юборяпман.

* * *

“Муҳсин деган йигит интернет-кафега кириб, ўзига мос иш қидира бошлабди. У эълонлар орасидан “Кореяга ишга юборамиз” деган ёзувга кўзи тушиб, дарҳол унинг ёнидаги телефон рақамига кўнғироқ қилибди. Гўшакни мен кўтардим.

Муҳсин ўзини қизиқтирган саволлар билан менга мурожаат қилди. Унга паспорт нусхаси, олти дона фо-

тосурат, турар жойидан маълумотнома ҳамда 152 доллар керак бўлишини тушунтирдим.

Муҳсин хурсанд бўлганича айтган ҳужжатларни йиғишга киришди. Сўнгра Тошкентга келди. Менга қўнғироқ қилган эди, уни “Сим-сим” кафесида учрашишга таклиф этдим.

Йигитча дарҳол ёнимга етиб борди. Менинг қўлимга айтилган ҳужжатларни ва долларни бериб, пул учун квитанция сўради.

— Ҳозир ёнимда квитанция йўқ. Эртага соат 9:00 ларда Корея элчихонаси олдига боринг, ўша ерда олиб бераман, — дея у билан хайрлашдим.

Эртаси куни Муҳсин айтилган жойга бориб мени роса кутибди. Аммо мендан дарак бўлмабди. Тоқати-тоқ бўлган йигит менга қўнғироқ қилди. Бу гал уни “Ченсон” кафесида учрашишга таклиф этдим. Ўша ерда йигитга Корея муҳри босилган, 152 доллар тўлови амалга оширилган квитанция ва паспортининг нусхасини бериб дедим:

— Эртага эрталаб соат 9:00 ларда элчихона олдига келинг. Қолганини, нималар қилиш лозимлигини тушунтираман.

Аммо эртаси куни бизга дийдорлашиш насиб этмади. Муҳсин мени тополмади...

Шаҳриянинг онаси Жиззах вилоятидан пойтахтга, Корея элчихонасига келибди. Оилавий аҳволи оғирлашганлиги туфайли у қизини Кореяга ишлашга жўнатмоқчи бўлибди. Шу ерда мен билан танишиб қолди.

— Опажон, менинг турмуш ўртоғим Корея фуқароси. У ерда заводлари бор. Ҳозир Кореяга кетиш учун махсус гуруҳ йиғяпман. Заводдаги ойлик маоши бир ойга бир минг саккиз юз-икки минг долларгача

бўлади. Агар қариндошларингиз орасида ҳам Кореяга кетадиганлар бўлса, менга тортинмасдан айтаверинг. Бажонидил ёрдам бераман. Мана сизга телефон рақамим ёзилган ташриф қоғозим. Сиз ҳам телефон рақамингизни берсангиз, асло афсус қилмайсиз, — дея аёлни аврай-аврай унинг телефон рақамини олдим.

Аммо Шаҳриянинг онаси кўнғироқ қилмади. Ўзим унга кўнғироқ қилиб дедим:

— Агар Кореяга кетадиганлар бўлса, ҳар битта одам икки юз доллардан пул, паспортидан нусха, яшаш жойидан маълумотнома, 3x4 ҳажмдаги расмларни берсин. Сиз зудлик билан ҳужжатларини менга олиб келинг. Бўлмаса, кеч қоласизлар. Ҳар доим ҳам бундай имконият бўлавермайди.

Бу гапларни эшитган аёлгина шошиб қолибди. Дарҳол қариндошларини бу ҳақда огоҳлантирибди. Ишга талабгорлар кўп бўлибди. Аммо пул муаммоси уларни қийнаркан. Шунинг учун аёл ҳеч иккиланиб ўтирмасдан молхонасидаги иккита сигирини сотиб, қўшнисидан қарз олиб, қизи Шаҳрия билан биргаликда пойтахтга келишибди. Мен билан учрашиб, олиб келган саккизта қариндошининг ҳам ҳужжатларини қизиникига қўшиб, менинг қўлимга тутқазди.

— Энди визаларни расмийлаштириш учун ҳам икки юз ўн бир минг беш юз сўм пул керак бўлади. Бу тўққиз киши учун, — дедим унга муғомбирона тикилиб.

Шаҳриянинг онаси кармонидан айтилган пулларни санаб, менга берди. Кейин мен она-болани бир кваттирага олиб бориб жойлаштирдим. Эртага келишимни айтиб уйимга жўнадим.

Эртаси куни мен уларга 152 доллар тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни олиб келиб бердим.

— Қачон Кореяга кетишни ўзим телефон қилиб айтаман. Ўшандагина келасизлар, — дея она-болани кузатиб қўйдим.

Орадан анча вақт ўтди. Аммо мен қўнғироқ ҳам қилмадим. Шундан сўнг Шаҳриянинг онаси ўзи қўнғироқ қилиб, мени саволга кўмиб ташлади. Ноилож мен Жиззах вилоятига борадиган бўлдим. У ерда Шаҳриянинг қариндошлари билан ҳам учрашдим, гаплашдим.

“Бормаган жойда олтин бор, кўрмаган жойда — кумуш” деганларидек ўзининг шаҳридан нарини кўрмаган йигитчалар Кореяни ўз хаёлларида тасаввур қилишиб, у ерга боришга ошиқишарди. Ҳаттоки, ўша куни менинг бу ерга келганимни эшитган айрим қизиқувчилар ҳам мен билан суҳбатлашишга ошиқишди.

Мен уларга ҳам телефон рақамимни бериб, бир ойдан сўнг сумкаларига керакли нарсаларини жойлаштириб, айтилган жойга бориш лозимлигини уқдириб, хайрлашдим.

Жиззахликлар интиқиб кутган бир ой ҳам ўтди. Улар мен билан қўнғироқлашиб, ҳужжатлари тайёр эканлигини билиб, пойтахтга келишди. Корея элчихонаси олдида мени роса кутишди. Мендан дарак бўлавермагач, ўша ердагилардан “Чаман деган аёл ҳақиқатан ҳам элчихонада ишлайдими, йўқми?” дея сўрашибди.

Элчихонадагилар Чаман деган аёл бу ерда умуман ишламаслигини, унга нисбатан жиноят иши кўзғатилганлиги ҳақида айтиб беришибди.

Энди менинг дастимдан чув тушган Шаҳрия ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига пулларини ундириб беришини сўраб ариза ёзибди.

Мен эса Жиззах шаҳрида жойлашган автовокзалда

яна бир йигитни ўзимнинг фириб қармоғимга илинтирдим. Мен Бузрукни ҳам Кореяга ишга юборишни ваъда қилиб, керакли ҳужжатларни ва 350 долларини, 23000 сўм пулини олиб, унга ёлғондан, гўёки бу пуллар уни Кореяга ишга жўнатиш учун Ўзбекистон элчихонасига тўлангандек қилиб кўрсатиб, унга ўзим компьютерда тайёрланган қалбаки тўлов баённомасини ҳамда чақирув қоғозини ёзиб бердим. Ҳисобчининг ва Корея элчихонасининг масъул котибининг имзосини қалбакилаштирдим. Сўнгра ўзимда бўлган муҳрни босдим.

Мен яна жиззахлик Мамадалини, Беҳрўзни ҳам алдаб, пулларини олиб, берган ваъдамнинг устидан чиқмадим.

Тузоғимга тушган Моҳина эса тўлов пули учун саккиз граммлик тилла тақинчоғини бериб қўйиб, ололмай доғда қолди.

Шундай қилиб, мен узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Қилмишимдан пушаймонман...

* * *

Гулзода! Аёлнинг минг бир макри қанчадан-қанча одамларни овораю сарсон қилди. Афсуски, улар “Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради” деган гапни эшитишмаган чоғи. Бўлмаса, ҳеч кимдан суриштирмасдан алданиб қолишаверадими? Бу ердагиларнинг қилмишларини эшитиб ўзимга хулоса чиқардим. Худо хоҳласа, тез орада дийдорлашгунча!

* * *

Мана, азиз китобхон. Сизларга афсусу надоматлар ила битилган маҳкумаларнинг дардларини ошкор қил-

дим. Уларнинг ҳар бири умрнинг ҳар дами ганиматлигини, ўтаётган лаҳзаси, вақтининг қадрига етишни ўрганишди. Айниқса, озодликка чиқиб эмин-эркин юришни, оиласи бағрига тезроқ қайтишни ўйлаб, кунлар санаб кутишяпти.

Ҳеч кимнинг бошига бундай жойларда ўтириш насиб этмасин! Бу хатларни ёзаётганимда қайси биринингдир қайта-қайта қамалганини ўқиб йиғладим. Мактубга эътиборсизлик қилолмадим. Чунки ҳар бир мактуб ортида бир инсон кўзларини жавдиратиб тургандек бўлаверди. Мактублардаги реал воқеаларни ўқиб кимлардир ўзига сабоқ чиқариб олса, жиноятнинг жирканч кўчасига кирмаса, деган ниятда шу китобни ёздим.

МУНДАРИЖА

Аёллар қамоқхонасидан мактублар.....	3
Холанинг режаси.....	5
Амакисини пичоқлаган жиян.....	7
Қотилга айланган аёл.....	11
Қозоғистонда қул бўлганлар.....	16
Фирибгарнинг фириби.....	20
Миси чиққан фирибгар.....	23
Ўлиги хор бўлган она.....	26
Ўғилортидан қамоққа.....	30
Кейинги пушаймон.....	33
Золим қайнона.....	36
Ёлгонни ёзган кампир иқрори.....	40
Ҳаётини заҳарлади.....	43
«Уй сотаман» деб.....	47
Тилла зирак ўғрилари.....	51
Сохта ходиманинг қилмиши.....	55
Қизларни Дубайга сотган аёл.....	59
Ваъдасида турмаган адвокат.....	62
Қулфуруш аёл.....	66
Нафс бандаси.....	71
Пичоқ кўтарганнинг пушаймони.....	74
Чув тушганлар.....	79
Ишонмагил дўстингга.....	83
Оғуфуруш.....	87
Менинг нафсим балодур.....	92
Лицейдаги порахўрлик.....	96
Билмайин босдим тиконни.....	101
Келин исёни.....	107
Сохта «кока-кола»лар.....	116
«Кеп қолинг, сотаман.....	124

Эрини ўлдирган муслима.....	128
Алданган деҳқонлар.....	138
Ўйламай қилинган иш.....	141
Қўшмачининг тақдири.....	144
Ишга «жойлаштирадиган» қаллоблар.....	147
Чет элни орзу қилганлар.....	151
Товламачининг жазоси.....	155
Одамфуруш.....	159
Гирдоб.....	163
Гулғунчанинг ўлими.....	167
Маҳалладошларини сотган қиз.....	172
Оилавий тадбиркорлар.....	176
Ўғри фарзанд.....	183
Миси чиққан «молиячи».....	186
Институтга «киритадиган» фирибгар.....	190
Сувда куйиб, осилиб ўлган эр.....	194
Диққат, одамфурушлар.....	206
Ёлғончи.....	212
Кореядан иш ваъда қилиб.....	216

Адабий-бадиий нашр

Хонбиби ҲИММАТ қизи

**АЁЛЛАР
ҚАМОҚХОНАСИДАН
МАКТУБЛАР**

Ҳикоялар

Масъул муҳаррир: *А. Қоржовов*
Муҳаррир: *О. Қанаев*
Дизайнер: *Р. Ташматов*
Мусахҳиҳ: *М. Холиқова*
Саҳифаловчи: *Г. Курбанбаева*

Нашриёт лицензияси: АІ №270

Босишга 10.110.2017 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtec Times UZ” гарнитурасида офсет усулда босилди.

Нашр босма табағи 14,0 Адади 5000 Буюртма №55

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

Email: dizayn-print@mail.ru

www.Ijod-Press.uz



ISBN 978-9943-994-79-9



9 789943 994799

